сдерживания одной ветви власти другой от совершения нежелательных для неё действий, вследствие возможности наступления последствий, санкций. "Противовес" же — это конституционно-правовой инструмент, выполняющий роль ответной "реакции" ветви власти на нежелательные действия другой ветви власти и уравнивающее эти действия либо устраняющее последствия этих действий, тем самым восстанавливающий существовавший баланс, нарушенный этими действиями. Отсюда следует, что отличие "сдержки" от "противовеса" состоит в том, что она действует постоянно, тогда как "противовес" наступает в ответ на определенные действия.

В целом, следует отметить, что в мире не существует и, в принципе, не может существовать идеальной модели разделения властей и, соответственно, системы сдержек и противовесов, удовлетворяющих интересы любого общества или народа, независимо от времени, географического расположения, особенностей исторического развития и т.д.

Как справедливо отмечает Мандрыка Е.В. "идеальный тип принципа разделения властей, выработанный Ш.-Л. Монтескье, в различных демократических государствах трансформировался под влиянием особенностей правовой, политической культуры народов, специфики эволюции государственно-правовых институтов при переходе к конституционному строю"²².

Также Новгородцев П.И. отмечал: "Нет такого средства в политике, которое раз и навсегда обеспечило бы людям неизменное совершенство жизни". В подтверждение этой мысли он цитировал Герцена А.И., отмечавшего: "Кто в мире осмелится сказать, что есть какое-нибудь устройство, которое удовлетворило бы одинаковым образом ирокезов и ирландцев, арабов и мадьяр, кафров и славян"²³.

Вместе с тем, стоит согласиться с А.В. Рябовым, считающим, что концепцию разделения властей, а вместе с ней и систему сдержек и противовесов "можно рассматривать лишь как идеальную конструкцию, играющую роль методологической модели"²⁴.

На наш взгляд, та или иная вариация системы сдержек и противовесов обусловлена, прежде всего, стремлением конкретного общества достичь экономического, социального и политического благополучия для своего народа.

Говоря о роли и значении парламентского контроля в общественно-политической жизни страны, а также в системе сдержек и противовесов при реально функционирующем принципе разделения властей, прежде всего, следует особо подчеркнуть, что парламентский контроль — это наиболее демократичная форма контроля, обеспечивающая реализацию принципа народовластия,

поскольку осуществляется представительным органом — ветвью власти, формируемой в ходе выборов непосредственно населением. В этом контексте парламентский контроль выступает в качестве неотъемлемой части обеспечения национального представительства.

Сущность парламентского контроля состоит в том, что он, являясь важнейшим и эффективным элементом системы сдержек и противовесов, направлен на обеспечение контроля законодательной ветви власти над исполнительной властью в процессе реализации ею государственной политики в сфере социально-экономического и внешнеполитического курса развития страны.

Отсутствие эффективного парламентского контроля в системе сдержек и противовесов может привести к неоправданному и неограниченному усилению исполнительной ветви власти, что неизбежно отрицательно скажется как на благополучии общества в целом, так и на состоянии соблюдения прав и свобод граждан.

Кратко обобщая вышеизложенное необходимо отметить следующее.

Во-первых, парламентский контроль — это важный структурный элемент системы сдержек и противовесов, который с позиций принципа разделения является конституционно-правовым инструментом, обеспечивающим интересы законодательной ветви власти, а через нее и всего народа.

Во-вторых, парламентский контроль — это наиболее демократичная форма государственного контроля, которая проистекает из принципа народовластия.

В-третьих, парламентский контроль — это важное средство политического контроля, направленного на недопущение концентрации власти в руках исполнительной ветви, а также направление ее деятельности в русло, обеспечивающем благополучие народа.

В-четвертых, вместе с тем, парламентский контроль, как инструмент системы сдержек и противовесов, должен быть строго ограничен рамками полномочий законодательной ветви власти. При этом противовесом парламентскому контролю является конституционно-правовой статус исполнительной ветви власти.

В-пятых, объем (охват) и формы парламентского контроля в тех или иных странах различается и зависит от формы правления, от правовых традиций, особенностей политического развития конкретного государства.

В-шестых, парламентский контроль не является разновидностью общественного контроля, поскольку он осуществляется конституционно самостоятельным органом государственной власти, которому народ делегировал свои полномочия, а не народом непосредственно. Его отличие от общественного контроля помимо субъекта, заклю-

чается в различии объекта, предмета контроля, в его методах и формах осуществления.

В-седьмых, эффективный парламентский контроль может существовать только в тех государствах, где на конституционном уровне и в реальной жизни обеспечен принцип разделения властей, их независимость и самостоятельность. Сама же эффективность парламентского контроля состоит в прямой зависимости от объема полномочий исполнительной ветви власти в конкретном государстве, а также от количества "сдержек" и "противовесов", которыми обладает исполнительная ветвь власти по отношению к законодательной ветви.

В-восьмых, парламентский контроль является важным средством обеспечения прав и свобод человека как непосредственно, так и опосредо-

ванно. Непосредственно — в ходе собственных контрольно-аналитических мероприятий парламента, и опосредованно — через такие институты, как, например, Уполномоченный по правам человека (Омбудсман).

В целом, следует отметить, что необходимость осуществления фундаментальных и прикладных исследований в сфере определения роли и места парламентского контроля в системе сдержек и противовесов при условии реального разделения ветвей, обусловлена динамичным развитием и совершенствованием отношений в сфере государственного и общественного строительства, с целью обеспечения глубокого теоретического обоснования процессов дальнейшего реформирования государственной власти, эффективного взаимодействия ветвей власти друг с другом.



¹ Каримов И.А. По пути преодоления последствий мирового кризиса, модернизации страны и достижения уровня развитых государств. Т. 18. - Т.: Ўзбекистон, 2010 г. - С.124-129.

² Каримов И.А. Доклад на торжественном собрании, посвященном 21-й годовщине Конституции Республики Узбекистан. 6 декабря 2013 г. // Веб-сайт Пресс-службы Президента Республики Узбекистан. Электронный адрес: www.press-service.uz., режим доступа - свободный.

³ Федералист: Политические эссе А. Гамильтона, Дж. Мэдисона и Дж. Джея. - М.: Издательская группа "Прогресс" - "Литера", 1994. - С. 346.

⁴ Платон. Горгий. Соч. в 3 томах. Т. 1. - М., 1968. - С.280.

⁵ Аристотель. Политика. Соч. в 4 томах. Т. 4.- М., 1983. - С. 481, 514.

⁶ Полибий. Всеобщая история в 40 книгах. Т. I.- М., 1890.- С. 40; Т. VI.- М., 1890-1899.- С. 6-7.

⁷ Лильберн Д. Памфлеты. - М., 1937.- С. 110.

⁸ См.напр.: Дробышевский С.А. История политических и правовых учений. Учебное пособие. - Краснояр. гос. ун-т. Красноярск, 2005.; Барнашов А.М. Теория разделения властей: становление, развитие, применение. - Томск: 1988.- С. 23. и др.

⁹ Руссо Ж.-Ж. Трактаты. - М., 1969.- С. 168-169, 378-379.

¹⁰ См.: Федералист: Политические эссе А. Гамильтона, Дж. Мэдисона и Дж. Джея, - М.: Издательская группа "Прогресс" - "Литера", 1994. - С. 334.

¹¹ Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права: учебник. - М., Юристъ, 2004. - С.72

¹² Авакьян С.А. Конституционное право России: Учебный курс: В 2 т. Т. 1. - М.: Юристъ, 2005. - С.353.

¹³ Здоровцева А.А., Зуева К.А. Система сдержек и противовесов как непосредственный элемент принципа разделения властей. // Электронное научное издание "Ученые заметки ТОГУ", 2013, Том 4, № 4, С. 1181 - 1196.

¹⁴ См. там же.

¹⁵ Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации: Учебник для вузов. Издание шестое, измененное и дополненное. - М, Норма. 2007. - С.151.

¹⁶ Конституционное право зарубежных стран: Учебник для вузов / Под общ. ред. чл.-корр. РАН, проф. М.В. Баглая, д.ю.н., проф. Ю.И. Лейбо и д.ю.н., проф. Л.М. Энтина. - М, Норма, 2004. - С.121-125; Энтин Л.М. Разделение властей: опыт современных государств / Л.М. Энтин. - М, Юридическая литература, 1985. - 323 с; Здоровцева А.А., Зуева К.А. Система сдержек и противовесов как непосредственный элемент принципа разделения властей. // Электронное научное издание "Ученые заметки ТОГУ", 2013, Том 4, № 4, С. 1181 - 1196. и др.

¹⁷ Конституционное право зарубежных стран: Учебник для вузов / Под общ. ред. чл.-корр. РАН, проф. М.В. Баглая, д.ю.н., проф. Ю.И. Лейбо и д.ю.н., проф. Л.М. Энтина. - М, Норма, 2004. - С.125.

¹⁸ Здоровцева А.А., Зуева К.А. Система сдержек и противовесов как непосредственный элемент принципа разделения властей. // Электронное научное издание "Ученые заметки ТОГУ", 2013, Том 4, № 4, С. 1181 - 1196.

¹⁹ Ефремова Т. Ф. Новый словарь русского языка. Толково-словообразовательный. - М.: Русский язык, 2000.

²⁰ Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. Издание 22. - М, 1990.

²¹ См. например: Краснов М.А., Кряжков В.А. Толковый словарь конституционных терминов и понятий. Издание 2-е. - М, 2006.

²² Мандрыка Е.В. Реализация конституционного принципа разделения властей на примере России и Украины. Электронный журнал "Политолог", № 52, 2003 г. - С.206-217.

²³ Новгородцев П.И. Об общественном идеале. -М, Пресса, 1991. С.38

²⁴ Философия власти. -М., 1993. С. 177.

Худойқул АЗИЗОВ,
Тошкент давлат юридик университети "Тадбиркорлик ҳуқуқи
(бизнес ҳуқуқи)" кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент

Шербек НАЗАРОВ,
Тошкент давлат юридик университети магистранти

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

- ◆ Мақолада тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонуний ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим устувор вазифалари ёритиб берилган.
- ◆ В статье раскрываются некоторые приоритетные задачи совершенствования организационно-правовых основ правовой защиты деятельности субъектов предпринимательства.
- ◆ The article describes some of the priority tasks of improving institutional framework of legal protection of business entities.

Таянч сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, иқтисодийтни либераллаштириш, молиявий санкция.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, либерализация экономики, финансовые санкции.

Key words: small business, private enterprise and the liberalization of the economy, the financial sanctions.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг мамлакатимизда иқтисодийтни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бу йўлдаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2005 йил 14 июнда давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд томонидан қўлланилиши тартиби жорий этилди.

Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида 2012-2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ҳамда уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароит-

ларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонунни қабул қилинди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда иқтисодийнинг мустаҳкам таянчи, аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг муҳим омилига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийдаги роли ҳамда ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улу-

шини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ҳамда рағбатлар яратиш билан бир қаторда, соҳа тараққиётида янги босқични бошлаб бергани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Фармонга мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича жорий йилда амалга ошириладиган ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланган эди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, 2015 йил 20 август куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ушбу чора-тадбирларнинг мантиқий давоми ва ҳуқуқий асоси бўлди.

Қонун билан давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес юритиш тартиби, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлардан тортиб то уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, жавобгарликни эркинлаштиришга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига дахл қиладиган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартишларда хусусий сектор фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг барча босқичи, жумладан, хусусий тадбиркорлик субъектларининг назорат, ҳуқуқ-тартибот ҳамда бошқа давлат органлари билан муносабатлари сингари муҳим жараёнлар қамраб олинган.

Мазкур Қонуннинг мақсади хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, шунингдек, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлигини ошириш ҳисобланади. Хусусан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйинтовлаш) илк маротаба содир этиб, жиноят аниқ-

ланган кундан 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ҳамда бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи тартиб жорий қилинди. Савдо-сотик қоидалари, савдо ҳамда воситачилик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилганлиги аниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Айрим мансабдор шахсларнинг турли баҳоналарни рўқач қилиб, тадбиркорни ноқонуний равишда овора қилиши, тирноқ остидан кир қидириши бизнесни ривожлантиришга тўсиқ ҳисобланади. Қонунда ана шундай аралашувларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада жавобгарлик чоралари кучайтирилиб, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида тадбиркорга етказилган зарар тўлиқ қопланиши белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодекси тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва ноқонуний аралашуш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилувчи алоҳида боб киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси киритилган 131-бобига хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарликни акс эттирган 192¹-192¹¹-моддалар киритилдики, бу албатта, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга кўмаклашадди.

Шунингдек, Қонун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйишни соддалаштириш ва уларга қўшимча имкониятларни тақдим қилиши билан аҳамиятлидир. Мисол учун, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар, кафолатлар ҳамда ҳуқуқлар ваколатли органларга ва ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органларига, давлат статистика

органларига, банкларга ҳамда бошқаларга) ёзма равишдаги муурожаатсиз берилади. Амалдаги қонунчиликда, албатта, тадбиркорлик субъекти бу ҳақда муурожаат этиши талаб қилинар эди.

Эндиликда кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрида эълон қилинади ҳамда доимий равишда янгиланган борилади.

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорликка тўсик бўлаётган энг катта муаммолардан бири тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашувдир. Текширишлар сони йилдан-йилга камайтирилиб, тадбиркорларнинг фаолиятига аралашувлар кескин қисқараётган бўлса-да, назорат қилувчи органларнинг баъзи ходимлари хануз текширишларни ўтказишда қонунни бузишмоқда. 2015 йилнинг биринчи чорагида назорат қилувчи органлар томонидан 99 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти ноқонуний текширилгани ва бу жараёнда 1200 дан ортиқ ҳолатда тартиб бузилгани аниқланган. Ушбу ҳолатлар юзасидан 36 нафар айбдор шахс жавобгарликка тортилиб, назорат қилувчи органларнинг 23 та ноқонуний қарори бекор қилинган. Шунингдек, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 193 та таъсир чораси қўлланган¹.

Юқоридаги Қонун билан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасига киритилган ўзгартишларга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар эса кўпи билан уч йилда бир марта, фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан ўтказилиши мумкин. Шунингдек, хусусий банк ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-хўжалиқ фаолиятини режали текширишлар эса кўпи билан беш йилда бир марта амалга оширилиши белгиланди.

Эътиборлиси, янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди.

Киритилган ўзгартишларга кўра, текширишлар ўтказиш муддатларининг қисқарганлиги айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш муддатлари ўттиз календарь

кундан ошмаслиги белгилаб қўйилди. Фақатгина алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан узайтирилиши мумкин, лекин бунда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш муддати ҳар қандай ҳолатда ҳам ўттиз календарь кундан ошиши мумкин эмас. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалиқ фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни ўтказиш муддатлари ўн календарь кундан ошмаслигининг белгиланиши тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришга, бизнес иқлимини ривожлантиришга қаратилганлиги билан ўта аҳамиятлидир.

Текшириш жараёнида шуни эътиборга олиш лозимки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ўтказилаётган текширувлари уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун тўсикларни юзага келтирмаслиги керак.

Шу билан бирга, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича текширувлар уларни ўтказишнинг барча босқичларида тадбиркорлик субъектлари томонидан жалб этилган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда (тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу ҳуқуқнинг рад этилиши ҳоллари бундан мустасно) амалга оширилишининг Қонунда белгиланиши тадбиркорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Бунда текшириш бошланишидан олдин, текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига унинг текширишда иштирок этиш учун адвокатни жалб этиш ёки унинг иштирокини рад этиш ҳуқуқи ёзма шаклда тушунтирилади, бу ҳақда баённома тузилади. Адвокат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқининг рад этилиши тадбиркорлик субъекти томонидан адвокатни текширувнинг кейинги босқичларига жалб этиш учун монелик қилмайди.

Қонунда белгилаб қўйилдики, тадбиркорлик фаолияти субъектлари текширув ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текширув ўтказишига йўл қўймаслик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича қўйган талабларини бажармаслик ҳамда текширув предметиға таллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳуқуқиға эға ҳисобланади. Текширувлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилиб, текшириш туғадан кўни унинг бир нусхаси текшириладиган тадбиркорлик фаолияти субъектида қолдирилади.

Ушбу Қонун билан Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам мамлакатда ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришга, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қув-

ватлаш ва бу борадаги қонунчиликни эркинлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Жумладан, кодекснинг 108-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилиб, бунда жариманинг узил-кесил миқдори жариманинг юқори миқдори назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган энг кўп миқдордан ошмаслиги белгилаб қўйилди. Ушбу ўзгартиш қилингунга қадар солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, барча ҳуқуқбузарликлар учун жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўшилиб, уларнинг умумий суммасининг юқори миқдори чекланмаган ҳолда ундирилар эди.

Эндиликда жариманинг узил-кесил миқдори жариманинг юқори миқдори назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган энг кўп миқдордан ошмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Қайд этиб ўтиш лозимки, ушбу қоида Солиқ кодексидаги ҳуқуқбузарликларга тааллуқли бўлиб, бошқа қонун ҳужжатларидаги, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Масалан, Солиқ кодекси 113-моддасининг биринчи қисмига асосан 10 млн. сўм, 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 20 млн. сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 3 млн. сўм миқдорда молиявий жарима қўллаш сўралган бўлса ва бу талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш (қоплаш) орқали 20 млн. сўм миқдорда молиявий жарима қўллаши ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали 15 млн. сўм миқдорда молиявий жарима қўллаши мумкин.

Олий ҳўжалик суди томонидан берилган тушунтиришга кўра, ушбу моддага киритилган норма императив (қатъий) характерга эга. Шу боис, агар молиявий жаримани Солиқ кодексининг бир нечта моддасига асосан қўлланилиши сўралса, судлар барча сўралган моддалардаги жарималарни қўшиш йўли билан санкция қўллашлари мумкин эмас.

Шунингдек, ушбу Қонун қабул қилингунга қадар амалиётда кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида ҳам давлат даромадига ўтказилган, ҳам кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солиниб келинар эди. Эндиликда кодекснинг 114-моддасига киритилган ўзгартишга асосан кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган тақдирда, кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима ундирилмайди. Яъни бу билан битта ҳуқуқбузарлик учун битта жавобгарлик қўлланиши тамойили тўлиқ таъминланди.

Шу билан бирга, илгари ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича тадбиркорлик субъектлари ҳам молиявий жарималарни, ҳам давлат божини тўлаб келган бўлса, эндиликда Солиқ кодексининг 330-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилди.

Қайд этиш керакки, ушбу киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлар мулкрий манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишига, тадбиркорлик, кичик бизнеснинг жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашади. Киритилган норма тадбиркорлар молиявий ҳолатининг ҳаддан ташқари ёмонлашишига йўл қўймасликка қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Солиқ кодексига киритилган энг аҳамиятли янгилеклардан яна бири, қўлланиладиган молиявий санкция ҳуқуқбузарликнинг оқибатларига номуносиб бўлган, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, шунингдек тадбиркорнинг моддий аҳволини инобатга олиб, суд молиявий санкцияни энг кам қисмидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган энг кам миқдорнинг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўллашга ҳақли эканлиги ўз ифодасини топди. Бунда масалан, Солиқ кодекси 113-моддасининг биринчи қисмига асосан 10 млн. сўм, 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 20 млн. сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 4 млн. сўм, жами 34 млн. сўм миқдорда молиявий жарима қўллаш сўралган бўлиб, қўлланиладиган молиявий санкция ҳуқуқбузарликнинг оқибатларига номуносиб бўлса, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олиб, суд молиявий санкция миқдорини камайтириши мумкин. Бунда молиявий санкция қўлланиши сўралган 34 млн.

сўмнинг 25 фоизи, яъни 8,5 млн. сўмдан кам бўлмаслиги лозим. Кўриниб турибдики, буларнинг барчаси мазкур соҳа тараққиётига, тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлашга, назорат органлари масъулиятини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ушбу Қонунда тадбиркорлар учун жуда кўплаб имтиёз ва имкониятлар берилиши билан бир қаторда хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини кучайтириш ҳам назарда тутилган. Хусусан, хўжалик судларига назорат қилувчи органнинг шикоят қилинаётган ҳаракати (қарори) ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилди, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилди.

Шунингдек, Хўжалик процессуал кодексига киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахснинг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги иш қисқа муддатларда, яъни ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилишда хўжалик судларининг алоҳида ўрни мавжуд бўлиб, улар назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига турли аралашувларини камайтириш, улар фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймаслик каби муҳим вазифаларни амалга ошириб келишмоқда. Масалан, 2014 йилда хўжалик судларида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга доир аризаларнинг 700 тасини қаноатлантириш рад эти-

либ, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинган.

Статистик маълумотларга қараганда, 1996 йилда хўжалик судлари томонидан 11 500 тадан ортиқ иш кўриб чиқилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2000 йилда — 33 000 тадан, 2005 йилда — 122 000 тадан, 2010 йилда — 293 000 тадан, 2014 йилда — 263 000 тадан ортиқни ташкил этган.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармонида белгилаб берилган чора-тадбирлар ҳамда 2015 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти янада эркин ривожланишининг, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш имконини беради. Қонун тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашади. Булар эса хусусий сектор фаолиятини кучайтириш ҳисобига республика иқтисодиётининг шиддат билан ривожланишига кучли туртки бериши шубҳасиздир.

Хулоса ўрнида айтганда, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ҳамда механизмларини жорий қилиш, янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ҳамда ғовларни бартараф этиш борасидаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.



¹ Хусусий сектор: Ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланмоқда. <http://huquqburch.uz/uz/article/4064/> 22.07.2015

Хуршид КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи в.б.

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада шахнинг соғлиғига етказилган шикаст билан баданга етказилган шикаст ўртасидаги фарқ, жисмоний ёки руҳий таъсир оқибатида етказилган шикаст даражасини аниқлаш жиноятларни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этиши ёритилган. Мақолада Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларига ўзгартиш киритиш юзасидан таклифлар билдирилган.
- ◆ В статье освещена необходимость при осуществлении квалификации преступлений определения разницы между вредом, причиненным здоровью и телесным повреждением; степени вреда, нанесенного посредством физического либо психического насилия. Предложены изменения в некоторые статьи особенной части Уголовного кодекса.
- ◆ In this article it is justified the importance of the consequences of physical and mental violence for the correct qualification crimes and made suggestions for improving some of articles in Criminal code;

Таянч сўзлар: баданга шикаст етказиш, соғлиққа шикаст етказиш, руҳий зўрлик, тиббий экспертиза.

Ключевые слова: телесное повреждение, вред причиненный здоровью, психическое насилие, медицинская экспертиза.

Key words: bodily harm, mental violence, medical expertise.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш устувор аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш, инсонни кадрлаш ва улуғлашга йўналтирилган.

Миллий қонунчилигимиз инсонпарварлик таъминлари асосида такомиллаштирилиши натижасида фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг мустаҳкам ҳимояси таъминланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, "Хабас корпус" институтига оид нормалар такомиллаштирилиши натижасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, жиноий жазо сифатида ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш имкониятлари кенгайтирилди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 26-моддасида "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас"лиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Шахсни қийноқ, зўравонлик, шафқатсиз ёки кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас"лигини мустаҳкамловчи норма инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кафолатловчи мустаҳкам конституциявий ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишнинг олдини олиш механизмларидан бири мазкур ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарлик нормасининг мустаҳкамланиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасида "Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш" жиноятини содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Мазкур жиноятни зўрлик ишлатиб содир этилиши унинг ижтимоий хавфлилиги юқорилигини

кўрсатади.

Маълумки, зўрлик натижасида содир этилган жиноятларни квалификация қилишда энг аввало, етказилган зўрлик даражасига эътибор қаратилади.

Зўрлик натижасида етказилган шикаст даражалари экспертиза ўтказиш орқали аниқланади. Жумладан, шахсга етказилган азоб-уқубат жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказиш натижасида амалга оширилади. Жисмоний таъсир натижасида шахснинг физиологик ҳолатига зарар етди ҳамда шахснинг тана тўқималари шикастланади. Адабиётларда тан жароҳатларига таъриф берилган бўлиб, "Тан жароҳати — ташқи муҳит омиллари таъсирида, организм аъзо ёки тўқималарининг анатомик бутунлиги ёки физиологик функцияси бузилиши билан ифодаланувчи соғлиққа зарар етказилишидир"¹, дейилган. Яъни жисмоний таъсирни инсон кўзи билан илғаш мумкин ҳамда бу жараёнда соғлиққа етказилган шикаст даражасини экспертиза ўтказиш орқали аниқланиши мумкин. Жароҳатлар жабрланувчининг ҳаёти учун хавфлилиги нуқтаи назаридан, шунингдек, соғлиққа етказилганлигига қараб баҳоланади.

Соғлиққа етказилган зарар даражаси суд-тиббий экспертиза натижасига қараб аниқланади ҳамда жиноятлар квалификациясини тўғри амалга оширишга ёрдам беради. Хусусан, шахсга жисмоний таъсир ўтказиш орқали соғлиққа етказилган шикастлар баданга енгил, ўртача оғир, оғир турларига бўлинади. Лекин, шу билан бир қаторда, шахсга руҳий зўрлик етказилиши натижасида инсон танасининг тўқималари шикастланмаган ҳолда руҳий касалликка чалиниши ҳам мумкин. Соғлиққа етказилган шикастнинг икки турини ажратиш кўрсатиш мумкин. Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, шунингдек, соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш.

Жиноят-процессуал кодексининг 173-моддасида экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатлар назарда тутилган бўлиб, жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини аниқ-

лаш учун экспертиза тайинланиши шартлиги мустаҳкамланган.

Демак, жабрланувчининг руҳий ва жисмоний ҳолати экспертиза натижасида аниқланиши мумкин. Шу ўринда жиноят содир этган шахс томонидан жабрланувчига етказилган руҳий зўрлик оқибатида жабрланувчига етказилган руҳий зўрлик даражаси қандай аниқланади ҳамда айбдорнинг жавобгарлик масаласи жиноят қонунчилиги нормалари билан қандай тартибга солиниши масаласида айрим масалаларни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Рухий азоб даражалари жиноят қонунчилигида аниқ ўз аксини топмаган. Бу эса ўз навбатида, шахсга етказилган руҳий зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятларни квалификация қилиш масаласи кам тадқиқ қилинганлигини кўрсатади.

Шахснинг руҳий ҳолати суд-психиатрик экспертиза тайинлаш орқали аниқланади. Яъни шахснинг ақли расолиги ва норасолиги, муомалага лаёқатли ёки лаёқатсизлиги, бўлиб ўтаётган воқеаларни тўғри идрок этишга қобилиятлиги ва кўрсатма бера оладими ёки йўқми каби масалалар аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 104-моддасининг 1-қисмида содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга шикаст етказиш натижасида шахснинг руҳий касалликка чалиниши баданга оғир шикаст сифатида қайд этилган. Аммо ҳар қандай руҳий касалликка чалиниш фактини баданга оғир шикаст етказиш билан тенглаштириш фикримизча бахсли ҳисобланади. Чунки руҳий касалликнинг ҳам даражалари (сурункали руҳий касаллик, руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилиши ва ҳк.) мавжуд.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жиноят қонунчилигида соғлиққа етказилган зарар сифатида шахснинг руҳий касалликка чалиниши факти баданга оғир шикаст сифатида тан олинмоқда. Аммо руҳий зўрлик натижасида шахснинг тана тўқималарига шикаст етмаган ҳолда, бошқа касалликларга ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам жабрланувчининг соғлиғига руҳий зўрлик натижасида қандай даражадаги зарар етказилганлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Жумладан, инсон юрак касаллигига чалиниши, хотирасини йўқотиши ва шу каби хасталикларга дучор бўлиши мумкин. Демак, экспертиза хулосасида соғлиққа етказилган зарар даражасига қараб, содир этилган ҳуқуқбузарликка тўғри баҳо бериш мумкин.

Соғлиққа етказилган зарар юқорида таъкидланганидек, руҳий азоблаш натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин.

Демак, жиноятларни тўғри квалификация

қилишда руҳий азоб даражасини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Мазкур даражани аниқ билиш халқаро ҳуқуқда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, халқаро ҳуқуқ нормаларида қийноқ ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари тушунчалари қўлланилади.

БМТнинг "Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши" конвенциясида қийноқнинг белгиларидан бири қасддан етказиладиган кучли жисмоний ёки руҳий оғриқ ёхуд азоб сифатида кўрсатилган. Қийноқ тушунчаси билан шафқатсиз муомала тушунчалари бир-биридан етказилган азобнинг даражаси билан фарқланади. Шахсга етказилган оғриқ ва азобнинг даражаси экспертиза натижасида аниқланиши мумкин. Бу эса ўз навбатида, жиноятни тўғри тавсифлаш имкони беради.

Маълумки, Жиноят кодексининг Махсус қисми 1-бўлим, 2-боби соғлиққа қарши жиноятлар деб номланган. Аммо турли моддаларида қасддан баданга оғир шикаст, енгил шикаст, ўртача оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган. Юқорида қайд этганимиздек, инсон соғлиғига шикаст унинг танасига шикаст етказилмаган ҳолда руҳий зўрлик натижасида ҳам етказилиши мумкин. Бундай ҳолда шахснинг баданига ши-

каст етказилмаса-да, аммо соғлиғига шикаст етказилади.

Жиноят кодексининг турли моддаларида баданга оғир шикаст етказиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Жумладан, Жиноят кодексининг 235-моддаси 3-қисмига асосан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида баданга оғир шикаст етказилишига олиб келганлик учун жинойи жавобгарлик белгиланган. Яъни мазкур жиноят нафақат жисмоний, балки руҳий таъсир ўтказиш орқали ҳам содир этилади. Бундай жиноятлар оқибатида ҳамма вақт ҳам инсон танасига шикаст етказилмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, соғлиққа етказилган шикаст баданга етказилган шикаст тушунчасидан кенгроқ ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин. Фикримизча, Жиноят кодексининг қатор моддаларидаги "баданга шикаст" тушунчасини "соғлиққа шикаст" деб ўзгартиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, тергов амалиётида нафақат жабрланувчига етказилган тан жароҳати, балки руҳий азоб даражасини ҳам аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бу жараёнда жиноятларни квалификация қилишда шахс соғлиғига етказилган шикаст даражасини тўғри аниқлаш муҳим ҳисобланади.



¹ Суд-тиббий фанлари. Дарслик. Э.С.Шамсиев умумий таҳрири оситида. 2004 й. 42-бет.

Воҳиджон ТОПИЛДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълим муассасалари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш
Бош илмий методик Маркази доценти, ю.ф.н.

ФУҚАРОЛИК ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ НИСБАТИ ВА БОҒЛИҚЛИГИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

- ◆ Мақолада фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа ҳуқуқий муносабатлар билан нисбати ва боғлиқлиги масалалари илмий таҳлил этилган.
- ◆ В научно проанализировано соотношение и связанность гражданских организационно-правовых отношений с другими правовыми отношениями.
- ◆ Correlation and connection of civil organizational-law relations with other types of relations were scientifically analyzed in the article.

Таянч сўзлар: ташкилий мулкӣ муносабатлар, ташкилий номулкий муносабатлар, ташкилий корпоратив муносабатлар, нисбий ҳуқуқий муносабат.

Ключевые слова: организационно имущественные отношения, организационно неимущественные отношения, организационно корпоративные отношения, относительно правовых отношений.

Key words: property organizational relations, non-property organizational relations, organizational corporate relations, relatively legal relationships.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шароитида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммоларини назарий-методологик ва амалий жиҳатдан таҳлил этиб ўрганиш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Шу боис, фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш истиқболли тадқиқот йўналишлари жумласига киради. Шу маънода фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қонун ҳужжатларининг роли бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур"¹.

Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар-

нинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни бошқа ҳуқуқий муносабатлар билан ўзаро нисбати ва боғлиқлигини таҳлил этиш муҳимдир.

Ҳуқуқий муносабатларни таснифлаш, яъни уларни муайян белгилаб олинган мезонлар асосида алоҳида гуруҳларга бўлиш, нафақат назарий таҳлилни, балки амалий мақсадларни ҳам кўзлайди ҳамда муносабатнинг мазмунини (тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини) аниқлаш, субъектив таркибини, муайян ҳуқуқий муносабатга қўлланиладиган ҳуқуқ нормасини қўллаш имконини беради².

1. Соҳага тегишлилигига кўра, ҳуқуқий муносабатларни конституциявий, меҳнат, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа турларга бўлади.

Ташкилий муносабатлар юқорида таъкидлаб ўтилганидек, турли ҳуқуқ соҳалари: маъмурий, меҳнат, фуқаролик ва бошқа соҳаларда вужудга келади. Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи методини характерловчи асосларга қурилади ва ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг турларидан бири ҳисобланади.

2. Мазмунининг характери бўйича барча ҳуқуқий муносабатлар тартибга солувчи ва қўриқловчи турларга бўлинади. "Тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар — бу ҳуқуқнинг тартибга солувчи вазифаси — статик ва динамиклигидан келиб чиқади. Тартибга солувчи юридик нормалар асосида вужудга келиб, улар субъектив юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди"; "қўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар — бу ҳуқуқнинг қўриқловчилик вазифасидан келиб чиқади, улар қўриқловчи юридик нормалар асосига қурилади ва юридик жавобгарлик чораларини, субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чораларини, давлат мажбуриятининг соддалаштириш воситаларини амалга оширади"³.

Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлардир: улар ҳаётга ҳуқуқ нормалари ва юридик фактлар асосида (ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар ва воқеалар) татбиқ этилади. "Ташкилий муносабатлар тартибга солиш вазифасини нафақат мулк муносабатларнинг вужудга келиш пайтида, балки уларни реализация қилиш жараёнида амалга оширади"⁴.

3. Ҳуқуқ эгасининг манфаатини қаноатлантириш усули бўйича фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар турли хил бўлиб, улар мулк муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш натижаси ҳисобланади ҳамда ашёвий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатларга бўлинади.

Ашёвий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатларининг хусусияти шундаки, ашёвий ҳуқуқлар ўзининг предмети ашё эканлиги, мутлақ тусга эгаллиги, ашё билан боғлиқлиги, унга эргашиши ва ниҳоят ҳуқуқ эгасининг фаоллиги ва ўз навбатида унга қарашиб турганларнинг пассивлигини назарда тутди. Мажбурият ҳуқуқий муносабатлари учун шу нарса хоски, уларнинг предмети сифатида муайян шахс (қарздор)нинг ҳаракати эътироф этилади, улар нисбий ҳисобланади, қарздорга эргашади ва ҳуқуқдор шахс-кредиторга қарши турган қарздорнинг фаоллигини талаб қилади⁵.

Мулк муносабатларида ҳуқуқ эгаси бўлган шахслар бошқа шахсларнинг ижобий ҳаракатларига муҳтож бўлмай, ўз ҳуқуқларини ўзлари бевосита амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Мажбурият-ҳуқуқий муносабатлари нисбий муносабат бўлиб, мулк муносабатлари билан боғлиқ бўлса ҳам, ҳамма вақт моддий нарса (ашё) билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин⁶.

Бошқача қилиб айтганда, ашёвий ҳуқуқий муносабатларида ҳуқуқдор шахснинг манфаатлари уларнинг ўз ҳаракатлари орқали қаноатлантирилади, бошқа шахслар эса субъектив ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилишлари

ри лозим; мажбурият ҳуқуқий муносабатларида эса манфаатдор шахснинг манфаатлари, биринчи навбатда, мажбур шахснинг фаол ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан қаноатлантирилади.

Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар, ҳеч шубҳасиз, ашёвий ва анъанавий мажбурият ҳуқуқий муносабатларидан фарқ қилади: агар фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар номулк муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш натижаси бўлса, ашёвий ва анъанавий мажбурият ҳуқуқий муносабатлар ўз табиатига кўра фақат мулк муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш натижасини ифода этади. Шу сабабли, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни ашёвий ва анъанавий мажбурият муносабатлари билан солиштиришда фуқаролик ҳуқуқи предмети "доирасининг" турли соҳалари, айнан номулк муносабатлар соҳаси ва мулк муносабатлар соҳаси тилга олинади. Мазкур ҳолат ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни ашёвий ҳуқуқий муносабатлар ва асосан, анъанавий мажбурият ҳуқуқий муносабатлар билан узвий алоқадорлигига таъсир кўрсатмайди.

Фуқаролик ҳуқуқи фанида "ташкилий тартибдаги номулк муносабатлар ўзи ташкил топувчи асосий фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар (мулк муносабатлар ва улар билан боғлиқ бўлган шахсий номулк муносабатлар) фақат уларнинг мавжудлиги мажбурият шаклида ифодаланган ҳолларда фарқ қилиши"⁷ ҳақида фикрлар билдирилган.

Мазкур нуқтаи назар муаллифи Б.Н.Мезриннинг таъкидлашича, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш предметининг мустақил тузилишли элементи сифатида фақат шундай ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни эътироф этиш мумкинки, бу муносабатлар фуқаролик қонунчилиги нормаларида мустақамланган, мажбурият сифатидаги ҳуқуқий шаклга эга бўлган муносабатлардир. Бошқа нисбатан мустақил ташкилий муносабатлар ҳақида гапириб, шуни айтиш мумкинки, уларнинг фуқаролик ҳуқуқи предметининг мустақил қисми сифатида эътироф этиш учун етарли асослар мавжуд эмас.

Бошқача айтганда, Б.Н.Мезрин эътироф этган нуқтаи назар бўйича ташкилий муносабатлар ҳақида улар номулк мажбурият шаклига эга бўлганда гапириш мумкин ва фақат ушбу ҳолатда ташкилий муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил элементига айланади⁸.

Номулк мажбуриятларнинг мавжуд бўлиши мумкинлиги масаласи фуқаролик ҳуқуқи доктринасида узоқ ўтмишга эга ва бу ҳолатга нисбатан турлича муносабатлар билдирилган.

Мажбуриятдаги манфаатдорлик мулк бўлиши керакми ёки йўқми, мажбуриятнинг предмети

ти қиймат тусига эга бўлмаган манфаат бўлиши мумкинми каби масалаларнинг баҳслилиги ва турли мазмунга эгаллиги ўтган асрнинг бошларида рус цивилист олими Г.Ф.Шершеневич томонидан қайд этилган эди.

Виндшейд, Иеринг, Козак каби классик цивилистлар томонидан келтирилган мисолларни таҳлил қилиб, Г.Ф.Шершеневич қуйидагиларни билдиради: "Олимлар мажбурият муносабатларида номулкий манфаатдорлик бўлиши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилишади ва айрим давлатларнинг амалиёти бундай ҳулосага келиш учун етарли материални беради", яъни номулкий манфаатдорликда мажбуриятга йўл қўйиб бўлмайди, инчунун "бундай руҳсат мажбурият ҳуқуқий муносабатларининг табиатига зиддир"⁹.

Ўзининг нуқтаи назарини Г.Ф.Шершеневич шу билан асослантирадики, мажбурият ўз-ўзидан юридик аҳамиятга эга бўлади ва уни сақлаб қолади, агар тарафлар "мол-мулкка нисбатан манфаатдорлик уни бажаришдан бош торган шахсга нисбатан мажбурий амалга оширишни юклаш"га нисбатан санкция белгиланган бўлса¹⁰. Бошқача айтганда, мажбурият мулк тусдаги муайян санкция билан таъминланиши лозим, акс ҳолда, мазмунига мажбурият кирадиган, пул, мол-мулк эквивалентида ифодаланмаган мажбурият юридик муносабатлар доирасидан чиқарилади.

Таҳлил этилаётган масалаларга, номулкий мазмунга эга мажбуриятларнинг мавжудлигига нисбатан бошқача муносабат билдириб, И.А.Покровский номулкий мазмунга эга бўлган мажбуриятлар мавжудлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватлайди. Ўзининг "Фуқаролик ҳуқуқининг асосий муаммолари" асарида И.А.Покровский номулкий характерга эга мажбуриятларнинг юридик кучи масаласини қўяди ва номулкий мазмунга эга мажбуриятларга қарши бўлган нуқтаи назарини танқид қилгани ҳолда, номулкий мазмунга эга мажбуриятлар мавжудлигини ва улар фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинишини таъкидлаб ўтади¹¹.

Айнан шундай фикрни бошқа бир рус цивилисти В.И.Синайский билдириб ўтади. Мажбурият муносабатларининг асосий ҳолатларини тадқиқ қилар экан, В.И.Синайский "мажбуриятнинг мазмуни унинг объекти хатти-ҳаракатдан келиб чиқиб, турлича бўлиши мумкин", бироқ "ҳаракатнинг ўзи мажбуриятнинг предмети сифатида аниқ белгиланиши мумкин эмас, уни салбий ҳолат, яъни айнан қайси ҳаракатлар мажбурият объекти бўлиши мумкин эмаслиги асосида аниқлаш мумкинлиги"ни¹² билдириб ўтади. В.И.Синайскийнинг таъкидлашича, мажбурият предмети қуйидаги ҳаракатлар:

- объектив мумкин бўлмаган;
- ҳуқуқ билан тақиқланган (ҳуқуқ йўл қўймай-

диган);

- ахлоққа зид бўлган;
- аҳамиятга эга бўлмаган (кредитор учун жиддий аҳамиятга эга бўлмаган) бўлиши мумкин эмас.

Бошқа барча ҳаракатлар мазкур муаллифнинг фикрича, мажбурият объекти бўлиши мумкин. Бунда номулкий тусга эга бўлган манфаатлар ҳам мажбуриятларнинг предмети бўлиши мумкин¹³.

М.М.Агарков мажбурият моҳиятини тадқиқ қилар экан, қуйидагиларни қайд этади: ҳар қандай мажбурият ўзининг табиатига кўра мулк ҳуқуқий муносабат бўлади, чунки "у ашёларни ўтказиш, ашёлардан фойдаланишга, ашёларни тайинланиш мақсадидан келиб чиқиб уларга нисбатан у ёки бу ҳаракатни амалга оширишга ёхуд ушбу мақсаддаги бошқа мажбуриятни бажаришга қаратилади"¹⁴.

Айнан шундай фикрларни С.Н.Братусь ҳам билдириб ўтади¹⁵.

Бошқача қилиб айтганда, мажбурият предмети ҳар доим муайян мол-мулк ёки ашё билан узвий боғлиқ ҳаракат ташкил қилади.

Ушбу масалага нисбатан Б.Новицкий ва Л.А.Лунц бошқача фикр билдиришади. Уларнинг таъкидлашича, мажбуриятларнинг мазмуни фақат мулк характер белгиси билан чекланмайди ва унинг мазмуни сифатида "ҳуқуқий бўлган, жиддий тусга эга ва ҳимояга муҳтож бўлган ва шахснинг ҳаракатларини ҳимоя қилиш зарур бўлган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқи бўлиши мумкин"¹⁶.

Фикримизча, И.Б.Новицкий ва Л.А.Лунцларнинг позицияси мажбуриятлар нафақат мулк тусга, балки номулкий тусга эгаллигига асосланади, агар унинг мазмуни шахс томонидан номулкий ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилиш ташкил қилса.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқида номулкий тусдаги мажбуриятнинг мавжудлиги тўғрисидаги нуқтаи назар бошқа муаллифлар томонидан ҳам билдирилади¹⁷. Бироқ, ўз позицияларини асослантириш сифатида далиллар келтирар экан, номулкий муносабатларни ажратувчи тадқиқотчилар мажбурият муносабатларининг катта қисмини тарафларнинг мулк муносабатлари ташкил қилишини эътироф этишади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, фуқаролик ҳуқуқида номулкий мажбуриятлар, авваламбор, истисно ҳисобланишини муаллифлар эътироф этишади.

Бугунги кунда ҳам фуқаролик қонунчилигида фуқаролик ҳуқуқи доктринасидаги мажбуриятларнинг мулк тусдаги концепцияси устуворликка эга.

ФКнинг 2-моддаси 1-қисмига кўра, фуқаролик қонун ҳужжатлари иштирокчиларнинг тенглиги, эркинлиги ва мулк мустақиллигига асос-

ланадиган шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек, бошқа мулк хамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиди.

ФКнинг 234-моддасига биноан мажбурият фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу қоидалар асосида мажбурият мулк хуқуқий муносабат бўлиб, қарздорнинг кредитор фойдасига амалга оширадиган ҳаракатларининг барчаси мулк тусга эга бўлади.

Мажбурият тушунчасига берилган легал таърифни ҳисобга олиб, фуқаролик ҳуқуқида ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ва мажбурият ўртасидаги ўзаро нисбат масаласи аниқланиши лозим, деган хулосага келиш мумкин:

а) фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар номулкий ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади, мажбурият эса аксинча, мулк хуқуқий муносабатнинг тури сифатида намоён бўлади;

б) мажбуриятда субъектлар унинг легал таърифидан англашилишича, кредитор ва қарздор ҳисобланади. Тарафларнинг бундай номланиши уларнинг шундай фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда иштирокларини таъминлайдики, бу муносабатлар мажбуриятларни вужудга келтиришга қаратилади.

Агар фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари қарздор ва кредитор деб номланса, бундай номланиш шартли тусга эга ва қисман тўғридир, чунки, уларни биринчи навбатда мажбурият ҳуқуқий муносабатининг тарафи сифатида белгилаш ва номулкий ҳуқуқий алоқадорликда боғлаш мумкин. Бироқ, таъкидлаш лозимки, кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва фарқларга қарамадан, фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар мажбурият муносабатлари билан ўхшаш жиҳатларга ҳам эга. Мажбурият ва ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг умумий жиҳатларига иккала ҳуқуқий муносабат субъектив таркибининг белгиланганлиги, шунингдек, уларнинг динамик характерга эгаллигини кўрсатиш мумкин, ушбу ҳолатлар иккала ҳуқуқий муносабатни ашёвий-ҳуқуқий муносабатдан фарқлайди.

4. Субъектив таркибига кўра, барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мутлақ ва нисбий ҳуқуқий муносабатларга бўлинади.

Мутлақ ҳуқуқий муносабатларда субъектив ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларининг бузилмаслигини ҳар кимдан талаб қила оладилар. Мутлақ

ҳуқуқлар номаълум ҳар қандай кимса томонидан бузилиши мумкин бўлгани сабабли ҳар кимдан кўриқланади. Уларга мулк, муаллифлик ҳуқуқлари, шахсий ҳуқуқ кабилар киради¹⁸.

Нисбий фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мутлақ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилиб, бошқа жиҳатлар билан тавсифланади. Нисбий ҳуқуқий муносабатнинг таркиби ҳуқуқдор шахслар нуқтаи назаридан ҳам мажбур шахслар нуқтаи назаридан ҳам, қатъий белгиланганлиги аниқ бўлади. Нисбий ҳуқуқий муносабатларда мажбур шахс пассив эмас, фаол субъект бўлади. У позитив ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Нисбий ҳуқуқий муносабатларда субъектив ҳуқуқнинг мазмунини муайян хулқ-атворда бўлишни талаб қилиш ташкил қилади¹⁹.

Фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар нисбий ҳуқуқий муносабатлар кўринишида намоён бўлади. Бу ҳолат шу билан белгиланадики, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий муносабат субъектив таркибига кўра аниқ ва белгиланган бўлади. Мавҳум ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар мавжуд бўлмайди. Шу маънода ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий муносабат белгиланган субъектлар ўртасидаги юридик факт асосида вужудга келади, деб ҳисоблаш мумкин. Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ўзининг субъекти бўйича индивидуаллаштирилган бўлиб, бундай ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари аниқ ва номига кўра белгиланган бўлади. Агар ташишни ташкил этиш шартномалари хусусида гапирилса, ФКнинг 722-моддаси 1-қисми қоидаларидан англашилишича, ушбу шартномадан келиб чиқувчи ташкилий-ҳуқуқий муносабат тарафлари келгусидаги ташувчи ва юк жўнатувчи ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг предмети таркибида ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар алоҳида мустақил ўринга эга бўлиб, ўзининг мулк қиймат ҳосил қилмаслиги, муносабат иштирокчиларининг келгусидаги ҳуқуқий алоқалари учун замин яратиши ва мулк хамда шахсий номулкий муносабатлар учун дебоча вазифасини бажариши билан бошқа ҳуқуқий муносабатлардан ажралиб туради. Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар (мулк ва шахсий номулкий муносабатлар) каби тарафлар ўртасидаги иш бажариш, хизмат кўрсатиш, товарни топшириш ёки пулни тўлаш каби ҳаракатларни ўзида ифода этмайди, аксинча бу муносабатлар тарафларнинг келгусида ана шундай ҳаракатларни қилишлари юзасидан тегишли тўхтамга келганликларини назарда тутди. Бундай "назарда тутиш" мулк муносабатлардан фарқли равишда турли воситалар орқали амалга оширилади. Агар мулк муносабатларда тарафларнинг муайян хатти-ҳаракат юзасидан

ўзаро аҳдлашуви шартномалар воситасида белгиланса, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда тарафларнинг (айрим ўринларда иштирокчилар, аъзолар, акциядорлар ва ҳ.к) аҳдлашуви шартномалар билан бирга, қарорлар, баённомалар, ҳамкорлик битимлари каби воситалар орқали мустаҳкамланади. Бундан ташқари, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар мулкӣ муносабатлар учун хос бўлмаган хўжалик юритувини бошқариш (маъмурий бошқариш эмас) функциясини ҳам ифодалайдики, бу ўз навбатида, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўта йирик, аънавий фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга ўхшамаган ва ҳали миллий цивилистикада чуқур ўрганилмаган бир турини — корпоратив-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради.

Ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг яна бир ўзига хос жиҳати сифатида бу муносабатларнинг кенг қамровлиги, ранг-баранглиги ва мулкӣ ҳамда шахсий номулкий муносабатлар каби муайян бир умумийликка бўйсундирилмаганлигини айтиб ўтиш мумкин. Зеро, ташкилий-ҳуқуқий

муносабатлар шартномалар тузишдан олдинги босқичда, юридик шахсларни ташкил қилиш, фаолиятини юритиш, қайта ташкил этиш, тугатиш, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш каби кўплаб бошқа соҳаларда қўлланилади. Лекин бу муносабатлар учун хос бўлган умумий мезонлар ҳали тўлиқ шакллантирилмаган.

Шу жиҳатдан мазкур муносабатлар учун хос бўлган қуйидаги умумий мезонларни таклиф қилиш мумкин:

биринчидан, номулкий ҳуқуқий муносабатлар эканлиги, уларнинг мулкӣ (ашёвий ва мажбурият) ҳуқуқий муносабатларга алоқадорлигини истисно қилади;

иккинчидан, субъектив таркибини белгилаш нуқтаи назаридан нисбий ҳуқуқий муносабат ҳисобланади;

учинчидан, тартибга солувчи ҳуқуқий муносабат: улар ҳаётга ҳуқуқ нормалари ва юридик фактлар (ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар ва ҳодисалар) орқали татбиқ этилади.



¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.: Ўзбекистон, 2010. 50 б.

² Гражданское право. Часть первая. /Под.ред.Т.И.Илларионова, Б.М.Гонгало, В.А.Плетнева (автор этой главы Т.И.Илларионова). -М., Норма-Инфра. 1998. - С.41.

³ Алексеев С.С. Проблемы теории права. Курс лекций в двух томах. Т.1.- Свердловск, 1972. - С.268.

⁴ Мартемьянова А.М. Об организационных отношениях в предмете гражданского право//Частноправовые проблемы взаимодействия материального и процессуального право. Материалы международной научно-практической конференции. -Ульяновск: 2006. - С. 60.

⁵ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. - М., Статут, 1998. - С.223.

⁶ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. - Т.: ТДҶОИ, 2009. - Б.124.

⁷ Мезрин Б.Н. Моделирование гражданско-правовых неимущественных обязательств // Онтология уральской цивилистики. 1925-1989: Сб. статей. - М., Статут, 200. - С.201.

⁸ Ўша ерда.

⁹ Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. 7-е изд. -Санкт-Петербург: Изд. Бр. Башмаковых, 1909. - С. 386-388.

¹⁰ Ўша ерда

¹¹ Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. - М., Статут, 2001. - С.138.

¹² Синайский В.И. Русское гражданское право.-М., Статут, 2002. - С.296.

¹³ Ўша асар. - Б.299.

¹⁴ Агарков М.М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятлар.-М., Юриздат, 1940. - С. 41.

¹⁵ Братусь С.Н. Предмет и система советского гражданского права. -М.: 1963. - С. 73.

¹⁶ Новицкий И.Б., Лунц Л.А. Общие учение об обязательстве.-М., Госюриздат, 1950. - С.59.

¹⁷ Брагинский М.И. Общее учение о хозяйственных договорах. -С.13-14.; Свердлов Г.А. Гражданско-правовое организационное обязательство по заключению планового договора поставки. Дисс. канд. юрид. наук. -Свердловск., 1973.-С.7-12.; Красавчиков О.А. Советское гражданское право: Т.1.//Под. ред. О.А.Красавчикова.-М., Высшая школа, 1972. - С. 343-344.

¹⁸ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: ТДҶОИ, 2009. - Б.123.

¹⁹ Яковлев В.Ф. Структура гражданских правоотношений// Онтология уральской цивилистики. 1925-1989: Сб. статей. - М., Статут, 2001. - С.385.

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д., профессор

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ЎРГАНИШ, УНИ СОДИР ЭТИЛИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада жиноятчиликка қарши кураш, унинг сабаб ва шароитларини бартараф қилиш, жиноятчиликнинг олдини олишнинг айрим масалалари ёритилган.
- ◆ В статье раскрываются некоторые вопросы борьбы с преступностью, устранению ее причин и условий, предупреждения преступности.
- ◆ The article describes some of the issues of combating crime, eliminate its causes and conditions of crime prevention.

Таянч сўзлар: жиноятчилик, криминология, жиноятчиликнинг олдини олиш, криминологик мониторинг.

Калит сўзлар: преступность, криминология, предупреждение преступности, криминологический мониторинг.

Key words: crime, criminology, crime, criminological monitoring.

Криминология жиноятчиликнинг ижтимоий салбий ҳодиса сифатида жамиятда мавжудлиги, унинг ўзгариб бориши билан боғлиқ бўлган кенг доирадаги ижтимоий ҳодиса, воқеа ва жараёнларни ўрганиш билан бирга, жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари ҳақидаги илмий билимлар тизимини ҳам ўз ичига олади. Жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш, айниқса, унга таъсир қилувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун унинг моҳияти, келиб чиқиш тартиби ва кўри-нишлари, ривожланиш қонуниятлари ва тарихий келажаги ҳақида чуқур илмий асосланган билимга эга бўлиш лозим.

Жиноятчиликка қарши курашда самарали натижаларга эришиш, унинг миқдорини энг паст даражагача тушириш, салбий оқибатларини камайтириш учун жиноятчиликнинг жамиятда бўлишини, ривожланишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи, таъсир қилувчи, сабаблари сифатида ҳаракат қилувчи ҳодиса, воқеа ва жараёнларни, улар ўртасидаги салбий боғланишни ўрганиш

керак. Жамиятдаги жиноятчиликнинг сабабларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан излаш керак эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Жиноятларнинг олдини олиш жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги энг муҳим, самарали ва инсонпарвар йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов "Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак" асарида бу борада: "Биз инсон улғайиб, фаол турмушга киришиб, жиноят қилганда ёки қонунни бузгандагина у содир этган ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан муваффақиятли кураша бошлаймиз. Вақт ўтгач, бундай салбий ҳолатга қарши курашгандан кўра, аввал-бошдан бундай қонун бузилишларининг олдини олган яхши эмасми?"¹ — деган фикрни билдирган.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, авваламбор, унинг сабаб ва шарт-шароитларини тўлиқ аниқлаш ва бартараф қилиш, кучсизлантириш учун керакли бўлган мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Демократик жамият-

да жиноятчиликка қарши кураш фақат жиноий-хуқуқий чоралар орқали эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш, унинг сабаб ва шароитларини бартараф қилиш, кучсизлантириш, уларга тўсқинлик қилиш чора-тадбирларини комплекс қўллаш орқали амалга оширилади.

Бундай вазифани амалга ошириш эса жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари ҳақидаги барча масалаларни чуқур илмий асосланган ҳолда таҳлил қилишни, жамиятда жиноятчиликни озиқлантириб турувчи ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ҳодиса, воқеа ва жараёнларни аниқ билишни талаб қилади.

Инсоният ўз ривожланишининг энг дастлабки босқичларидаёқ жиноятчиликни фақатгина жазо ёрдамида ушлаб туриш мумкин эмаслигига тушуниб етган. Жиноятнинг олдини олиш уни содир қилгандан кейин жазолашдан афзал эканлиги ҳақидаги тушунча пайдо бўлди. Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақидаги дастлабки тушунча ва ғоялар инсоният тарихининг илк босқичларидаёқ шакллана бошлаган.

Юнон файласуфи Афлотун қонун чиқарувчиларга мурожаат қилиб, уларни жиноят содир қилиши мумкин кишиларни жиноятдан жирканишга олиб келадиган қонунлар яратишга чақирган. Яъни қонун чиқарувчилар шундай қонунлар ишлаб чиқсинларки, бу қонунлар таъсирида кишилар ўзларини жиноят содир қилишдан тийсинлар, деган фикрни билдирган. Афлотуннинг шогирди Арасту шундай деган: "Жиноятларнинг олдини олиш — бу авваламбор, бузук ва ақлга зид бўлган одатлар билан курашишдир, яъни жамиятни шундай қуриш керакки, у ақлга зид бўлган, бузилган ахлоқ, урф ва одатларга қарши курашсин"².

Машҳур француз мутафаккири, ҳуқуқшунос ва файласуф Шарль Луи Монтескье ўзининг "Қонунлар руҳи ҳақида"ги фалсафий-хуқуқий асарида шундай фикрни билдирган: "Ақилли қонун чиқарувчи жиноят учун жазо ҳақида эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш учун қайғуради. У жиноят учун жазолаш эмас, балки ахлоқни яхшилаш учун ҳаракат қилади"³.

Жиноятчиликка қарши кураш, унинг сабаб ва шароитларини бартараф қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақидаги фалсафий аҳамиятга эга бўлган ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган фикр ва ғоялар Шарқдаги энг қадимий қонунлар, диний-хуқуқий таълимотларда ҳам мужассамлашган. Зардўштийлик динининг асосий манбаи "Авесто"да, ислом динининг асосий манбалари Қуръон, Ҳадис, Ижмо, Қиёсларда диний ахлоқий қоидалар билан бирга оилага доир, жиноят ва жазо каби масалаларга оид қоидалар билан бирга жиноятга олиб келадиган сабаб ва шароитлар ҳам битилган.

Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур

ўз "Тузуклар"ида давлатни бошқаришда ҳуқуқнинг тутган ўрни, унда ҳуқуқ-тартиботни сақлашнинг, ҳуқуқбузарликнинг, адолатсизлик ва ахлоқсизликнинг олдини олишнинг аҳамияти ҳақида жуда бой ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган фикр ва ғояларни билдирган ҳамда салтанатни бошқаришда бевосита татбиқ этган⁴.

Шариат қонунлари илоҳият қонунлари билан бир вақтда инсон ҳақ-ҳуқуқларига, дунёвий масалаларга тегишли қонун-қоидаларни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Шариат тизимини мукамал бир бутун тарзда жамлаган китоб Бурхониддин Марғиновичнинг "Ҳидоя" асаридир. Бу тарихий бой манбаларда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш масалаларига доир фикр ва ғоялар мавжуддир.

Жумладан, жамият ижтимоий ҳаётида ижтимоий муносабатлар қанчалик соғлом бўлса, бу муносабатлар ҳуқуқ ва ахлоқ, умуминсоний нормалар асосида шу ҳудудда яшовчи халқ урф-одатлари, анъаналарини ҳисобга олган ҳолда тартибга солинса, давлат органлари, мансабдор шахслар қонун асосида иш юритиб, шу жамият аъзоларининг, уларнинг миллатидан, ирқидан ижтимоий ўрнидан қатъи назар, яхши ҳаёт кечирish учун шароит яратиб бериш бўйича иш юритса бундай жамият доимо ривожланишда бўлади, халқи фаровон ҳаёт кечирилади, унда адолат, ҳуқуқ-тартибот, тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. Адолат, ҳуқуқ-тартибот ўрнатилган жамиятдаги кишилар тинч, осойишта, фаровон ҳаёт кечириши мумкинлиги қайд қилинган⁵.

Криминология, шунингдек жиноят ҳуқуқи фани давлатнинг жиноятга оид сиёсати, жиноят қонунларининг, унга асосан содир қилинган жиноят учун белгиланадиган жазоларнинг, айниқса, бу жазолар адолатли, инсонпарварлик принципи асосида тайинланиши жиноятларнинг олдини олишдаги аҳамиятини очиб беради.

Жиноятчилик жамиятда ижтимоий негатив мазмун тариқасида, жамият ҳаётида амалга ошириладиган ислохотларга салбий таъсир қилувчи омиллар тизимига киради. Криминоген жараёнларнинг таъсири ошқора характер тусини олиб, ҳар бир шахсда, ўзи ва яқинларига нисбатан хавф ва безовталаниш ҳиссиётини келтириб чиқаради ва жамоатчиликда ижтимоий-психологик ноқулайликни юзага келтиради. Бундай вазият эса, ўз-ўзидан жиноятчиликка қарши курашни амалга оширишга йўналтирилган давлат органларининг мавқеига таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига мувофиқ, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири — инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ

ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиботини сақлаш, жиноятларни фош этиш ва олдини олишдан иборат. Бу вазифаларни бажариш учун давлат томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш учун комплекс чоралар кўрилади, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича давлат ва идоралараро дастурлар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги "Адолат — қонун устуворлигида" маърузасида: "Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунуш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади"⁶, деб қайд қилган.

Қайд қилинган чораларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши жиноий хусусиятга эга бўлган ҳаракатларга нисбатан фаол қарши туриш имконини берди. Бунинг натижаси ўларок, бугунги кунда, статистик маълумотларга кўра, умумий жиноятчилик, шу жумладан, муқаддам судланганлар, вояга етмаганлар томонидан, спиртлик ичимлик истеъмол қилган ҳолда, ишламайдиган ва ўқимайдиганлар томонидан жиноят содир қилиш камайган.

Бироқ жиноятчилик структураси, айрим жиноятларни содир қилиш усулларининг ва уларнинг ижтимоий оқибатлари оғирлашаётганини, янги жиноят турлари пайдо бўлаётганини инкор этиб бўлмайди. Ўзининг домига янги қурбонларини тортиб олаётган ва уларни физиологик, психологик ва моддий қарамликка солиб қўяётган наркотик воситалар муомаласи билан боғлиқ жиноятлар, одам савдоси каби жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган ва муаммо бўлиб турган жиноятлар шулар жумласидандир. Бундай жиноятлар турига, ўзининг криминал изига эга бўлган ва давлатлараро глабаллашаётган, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларига таъсирини ўтказиб юзган жиноятчилик ва бошқа жиноятлар ҳам киради.

Шунинг учун жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлат ва жамоатчилик кучи ва воситалари жалб қилинган ҳолда қатъиятлик билан ислохотлар ўтказилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, уларни профилактика қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги поғонага кўтарилиши лозим.

Кўрилаётган муаммонинг долзарблиги ва аҳамиятлиги шундаки, ҳозирги даврдаги жиноятчилик статистикаси юзасидан амалга ошири-

лаётган кузатувлар ва уларнинг таҳлили, жиноятчилик тенденцияси ва қонуниятларини тўлиқ очиб бера олмайди. Жиноятчилик статистикаси асосан жиноятчиликнинг юқори қисми, яъни умумий жиноятчилик, унинг турлари ҳақида маълумот беради, унинг қуйи қисми, яъни латент жиноятчилик эса, таъсирсиз ва рўйхатга олинмай қолади. Жиноий ҳаракатларнинг тўлиқ очилмай қолиши жиноят учун жазонинг муқаррарлиги таъминланмай қолишига ва натижада янги жиноятлар, айрим ҳолатларда уларнинг оғир турлари содир қилинишига имкониятига олиб келади.

Бу борада мамлакатмиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг "Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ"⁷, деган фикрларини эслаш лозим.

Жиноятчиликнинг олдини олишнинг ҳамма тизими — ҳуқуқий, инфорацион, ижтимоий-иқтисодий ва таъминлаш ресурслари — жиноятчиликнинг статистик характеристикасига асосланади. Фақат статистикага асосланиш эса, жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасининг олдинроқ юриш хусусиятини бирмунча сусайтиради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эса жиноятларга нисбатан чора кўриш билан чегараланиб қолдилар.

Шу сабабли, жиноятчилик, унинг характеристикаси устидан махсус кузатиш тизимини ишлаб чиқиш долзарб ва аҳамиятлидир. Шундай экан, жиноятчиликка қарши курашувчи органларнинг жиноятларнинг олдини олиш, профилактика қилиш самарадорлигини баҳолаш тизимини тубдан ўзгартириш ва уларга ижтимоий критерияларни киритиш лозим, чунки ҳар бир давлат органининг самарадорлиги, улар томонидан фойдаланиладиган ижтимоий механизмлар контекстидагина тан олиниши мумкин. Ҳеч бир давлат органи яхши йўлга қўйилган ижтимоий механизмларсиз самарали фаолият кўрсата олмайди.

Ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги ва аҳамияти яна шундан ҳам келиб чиқадики, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар жараёнида, амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳуқуқий ислохотлар, жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида чуқур ўзгаришларни кўзда тутати. Бу вазифанинг жорий этилиши эса, биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ.

Бугун жиноят содир қилган шахсни, бундан 20-30 йил олдин жиноят содир қилган шахс билан тенглаштириш мумкин эмас. Улар томонидан жиноят содир қилишда фойдаланилаётган воситалар ҳам ўзгача, ўқотар қуроллар, автомашиналар, компьютер ва бошқа тезкор техноло-

гиялар ёрдамида жиноят содир қилиш кузатилмоқда. Кечаги кундаги восита ва усуллар билан уларга қарши курашиш мумкин эмас. Шундай экан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши туришнинг замонага мувофиқ келадиган самарали усуллари ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Шу билан бирга, криминологик изланишлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш жараёнида жамоатчилик фикридан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш масалаларини ҳам ҳал қилиш лозим. Шу сабабдан, жиноятчиликнинг олдини олишда, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга тааллуқли ҳолда, махсус жамоатчилик фикри фаолият кўрсатиши билан боғлиқ қатор муаммоларни мукамал ўрганиш лозим. Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш жараёни ва ижтимоий амалиётга оид жамоатчилик фикрини ўрганиш концепциясини ишлаб чиқиш муаммоси долзарб ва аҳамиятли ҳисобланади.

Криминологик изланишлар тарзида жиноятчилик, унинг олдини олиш тизимини комплекс илмий ўрганиш зарурияти давр талаби, бундай зарурият ҳозирги замон жамоатчилигини характерловчи хусусияти ҳисобланади ва жиноятчиликка таъсир қилувчи, унинг ижтимоий оқибатларини олдиндан билиш ва тушуниб етиш зарурияти, жамоатчилик жараёнининг мураккаблашуви билан белгиланади.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишига оммавий ахборот воситалари ҳам жалб қилиниши лозим, улар нафақат жиноятчилик, унинг олдини олиш ва профилактика қилишни, балки ижобий хулқ-атворни, қонунларга итоаткорликни ҳам ташвиқот қилишлари ва оммалаштиришлари лозим. Криминал материаллар тематикаси йўналиши содир қилинган ҳуқуқбузарликни оммага етказиш билан чегараланилмасдан, уларнинг сабабларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш чоралари ҳақидаги таклифларга ҳам қаратилиши лозим. Шафқатсизлик, жоҳиллик, уларни ҳаётда қўллаш учун шароитлар яратиш билан боғлиқ ахборотлардан қочиш лозим. Профилактик иш аниқ, маълум гуруҳ шахслар томонидан ахборотни ўзлаштириш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим.

Айнан ОАВ жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда аҳолидан ёрдам олишда алоқа канали (воситаси) вазифасини бажариши лозим. Бундай алоқа, миллий хавфсизлик мақсадларига эришиш, жиноятчиликдан инсонни ҳимоя қилиш, аҳолининг ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга йўналтирилиши лозим. Бу билан жамиятнинг антикриминал потенциали оширилади.

Аҳолини жиноятчиликнинг олдини олишга фаол жалб қилиш учун, жамоатчилик онгида ҳар бир

шахснинг шахсий хавфсизлиги умумий жиноятчиликнинг олдини олишнинг самарали тизимсиз таъминланиши мумкин эмаслиги принципини шакллантириш ва мустақамлаш зарур. Бунинг учун эса, давлатнинг кучи, инсонда қонунга итоаткорлик руҳи шаклланишига ва уни рағбатлантиришга, рағбатлантирувчи нормалардан рационал фойдаланиш ва мажбурлашдан қочишга қаратилиши лозим. Виктимологик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни аҳолига етказиш зарур. Бу билан инсонга нисбатан жиноий ҳаракат содир қилиниши учун шароитлар ўзгартирилади ва унинг жиноят қурбони бўлиши эҳтимолининг олди олинади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримов "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да "Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир", деб бежиз қайд қилмадилар⁸.

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш механизмида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, уларнинг бошқарилиши юзасидан жамоатчилик фикри ҳам эътиборга олинishi лозим. Бунинг учун аҳоли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақида тўлиқ ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиши лозим, криминологик изланишлар доирасида улар ҳақида, уларга нисбатан аҳолининг муносабати ва баҳоси, ижобий ва салбий фикрлар тўғрисидаги жамоатчилик фикри юзасидан мақсадли сўровлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4636-сон Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2014 йил 15 августдаги 111-сон буйруғи билан тасдиқланган Бош прокуратуранинг "Матбуот хизмати" янги тузилмасининг асосий вазифаларидан бири сифатида оммавий ахборот воситалари кўмагида прокуратура органлари ҳақида жамоатчиликнинг объектив фикрини шакллантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий жамоатчиликни прокуратура органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш белгиланди.

Криминологик изланишлар предмети ҳар хил аспектлар бўлиши мумкин — жиноятларни фош этиш даражаси таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиёти муаммолари, жиноятчилик даражасига таъсир қилувчи факторларни ўрганиш ва ҳ.к. Жиноятчилик, унинг олдини олиш субъектлари фаолияти,

унинг келажакдаги ҳолатини олдиндан башорат қилишни криминологик ўрганиш усуллари жуда кенг ва ҳар хилдир. Бундай ўрганишларнинг натижалари назарий хулосаларни асослаш учун ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлиши лозим.

Криминологик изланишлар натижаларидан фойдаланиш криминологияда янги билимларга эга бўлиш жараёнини рағбатлантиради. Криминологик изланишларнинг методологияси ва методикаси соҳасида илмий изланишлар ўтказиш ишининг заруриятининг асосини авваламбор, илмий хулосаларни асослаш учун криминологик изланишлар натижаларидан фойдаланиш ва қарорлар қабул қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш ташкил қилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш самарадорлигини ошириш учун криминологик мониторинг тизими яратилиши лозим. Криминологик мониторинг — бу шундай кузатув олиб бориш тизимики, у орқали жиноятчилик ҳолати ўрганилади ва кузатиб борилади, улар-

нинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш учун унинг салбий тенденциялари олдиндан башорат қилинади ҳамда қайд қилинган соҳада давлат ва жамоатчилик фаолияти баҳоланади ва назорат қилинади.

Унинг мақсади жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини кузатиб бориш (жиноят сабабларини ўрганиш, жиноятчиликнинг реал параметрларини аниқлаш в.х.к.) ва баҳолашдан иборат. Унинг вазифаси, жиноятчиликнинг латентлиги ва олдиндан башорат қилиниш даражасини аниқлаш, жиноятчиликнинг олдини олишнинг мувофиқ келадиган ва замонавий чораларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан ижтимоий назоратни амалга ошириш, улар фаолиятини такомиллаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш жамоат моделини шакллантириш асосларини белгилашдан иборат. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда криминологик мониторинг билан шуғулланувчи махсус илмий Марказ тузилиши мақсадга мувофиқ бўларди.



¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. "Адолат — қонун устуворлигида" Т.10, - Т.: Ўзбекистон, 51-б.

² З.Зарипов., И.Исмаилов. Криминология. Дарслик . - Т.: 1996,

³ Шу ерда.

⁴ Шу ерда.

⁵ Шу ерда.

⁶ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Иккинчи қаҳириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидани "Адолат — қонун устуворлигида" - Т.: Ўзбекистон, т.10, 28б.

⁷ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Иккинчи қаҳириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидани "Адолат — қонун устуворлигида" - Т.: Ўзбекистон, т.10, 36б.

⁸ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. 27-б.

Абдуғаффор ОРТИҚОВ,
«ALSKOM» суғурта компаниясининг жинойи фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга
қарши курашиш хизмати бошлиғи, и.ф.н., доцент

МОЛИЯВИЙ РАЗВЕДКА: МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ ВА УНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

- ◆ Мақолада молия, солиқ ҳамда валюта муомаласи соҳаларида содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш жараёнида молиявий разведканинг аҳамияти ёритиб берилган.
- ◆ В статье раскрывается значение финансовой разведки в борьбе с преступлениями совершаемые в сфере финансов, налогов, а также валютных обращений.
- ◆ The article reveals the importance of financial intelligence in the fight against crimes committed in the area of finance, taxes and currency circulation.

Таянч сўзлар: молиявий разведка, хуфиёна иқтисодиёт, иқтисодий хавфсизлик, очиқ (легал) ахборот манбалари.

Ключевые слова: финансовая разведка, теневая экономика, экономическая безопасность, открытые (легальные) информационные источники.

Key words: financial intelligence, the shadow economy, economic security, public (legal) sources of information.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни модернизация қилиш, тизимли ва таркибий жиҳатдан янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, давлат ва назорат тузилмаларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, маъмурий ислохотларни амалга ошириш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида залворли ютуқларга эришилди. Бу йўналишлардаги ютуқлар, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ҳамда мамлакатимизнинг ҳар йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва янги йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида таъкидланган.

Концепция ҳамда маърузаларда белгиланган масалаларни ҳал этиш, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиб,

янги марралар сари изчил ҳаракат қилиш нафақат давлат бошқарув тузилмаларидан, балки барча ташкилот, корхона, хўжалик субъектларидан ва албатта, ҳар бир фуқародан масъулиятни ҳис этиб самарали иш юритишни, мамлакатнинг миллий, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бора-бора узлуксиз фаолият юритишни талаб этади.

Миллий иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, барқарор ва мутаносиб макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги бир қатор муҳим вазифаларни ҳал этиш бугунги кунда тараққиёт одимларига салбий таъсир этиб келаётган, хусусан, лавозимни суиистеъмол қилиш, коррупция ва жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш каби муаммоларнинг ечимини топишни тақозо этади. Реал ҳаётимизда ҳали чуқур илдиз отмаган бу тоифадаги муаммолар, биринчидан, уларнинг моҳиятини чуқур ўрганишни, иккинчидан, уларни юзага келтирувчи сабабларни, шарт-шароитларни аниқлашни ҳамда уларни илмий, методологик нуқтаи назардан тадқиқ қилишни, учинчидан, юқорида зикр этилган муаммоларни бартараф этишнинг муқобил йўл-йўриқларини ишлаб чиқишни ва амалиётга жорий этишни талаб этади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида мавжуд бўлган хуфиёна иқтисодий ўзининг "бўсаға" нуқтасига етиб, иқтисодий хавфсизликка таҳдид соладиган даражага борди ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳажмда путур етказмоқда¹. Дунё мамлакатлари миқёсида хуфиёна даромадларнинг ҳажми, мутахассисларнинг фикрича, бир йилда яратилаётган ялпи ички маҳсулотга нисбати 14-16 фоиз даражадан (баъзи ривожланаётган мамлакатларда бу фоиз 55-60 фоизни ташкил қилади) ҳам ортиб кетди ва жаҳон ҳамжамияти олдига қатор муаммоларни қўймоқда. Бу муаммолар тизимида муайян даражада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юзага келишига сабаб бўлган, давлатларнинг бюджет тизими ривожига салбий таъсир кўрсатиб келаётган муаммо бу жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муаммосидир.

Бизнинг мамлакатимизда бу каби муаммолар кескин тус олмаган бўлса-да, Президентимиз ташаббуси билан уларни бартараф этиш бўйича тадқиқотларнинг амалий чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, реал иқтисодийга кенг жорий қилинмоқда.

Бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарали бўлиши учун бугунги кунда хуфиёна даромадлар юзага келтирадиган манбаларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олинган хуфиёна, криминал даромадларни легаллашиб, "ювилиб" расмий муомалага киритишнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиши лозим. Бу мураккаб вазифани самарали ҳал этишда молиявий разведкага эътибор қаратилиши тегишли ҳужжатларда эътироф этилган².

Иқтисодийнинг молия, валюта муомаласи ҳамда солиқ ва солиққа тортиш соҳаларида содир этилаётган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунлар ижросини бажаришда молиявий разведкани тўғри ташкил этиш, унинг натижасида тўпланган ахборотларни реал баҳолаш, уларни жамлаб, ахборотлар базасини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий разведка бу ўз хавфсизлигини таъминлаш, рақиб корхона, фирмалар олдида ўз устунлигини сақлаб қолиш мақсадида рақиб, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти хусуси-

да иқтисодий, молиявий ахборотларни жамлаш, ўрганиш ва улардан фойдаланишнинг амалиёти ва назариясидир. Молиявий разведка ахборотларни легал (очик) ҳамда нолегал (яширин) ҳолда тўплаш усулларида фойдаланишга асосланади.

Молиявий разведкада фойдаланиладиган очик (легал) ахборот манбалари куйидагилардир:

— очик оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ҳисоботлар, нашр этилган маълумотлар (интернет, газета, журналлар, тарқатилган пресс-релиз ва бошқалар). Бу манбаларда эълон қилинган ахборотлар, маълумотлар тўлиқ бўлмаса-да, муайян аҳамиятга эга бўлиб, улардан фойдаланувчиларга қўл келиши мумкин;

— рақиблар билан шахсий мулоқот ўрнатилиб, улар билан ўтказилган суҳбатларда, улар иштирокидаги семинар, анжуман, форумлар, тадқиқотларда олинган ахборотлар. Рақобатчи корхона ходимларидан олинган проспектар, рисоалар, прайс-листлар ҳам керакли маълумотларни бериши мумкин;

— корхона, фирмалар томонидан тайёрланган молиявий ҳисоботлар;

— корхона, фирмаларнинг фаолияти хусусидаги давлат бошқаруви органлари базасида мавжуд ҳамда очик эълон қилишга мўлжалланган маълумотлар;

— очик савдога чиқарилган рақиб корхоналар маҳсулотларининг таҳлили натижалари;

— турли ташкилий-ҳуқуқий кўринишга эга бўлган, ихтисослашган агентликлар (хусусан, рейтинг агентликлари) томонидан тайёрланган, корхона, фирманинг молиявий ишончлигини баҳолаш борасида тайёрланган маълумотлар;

— ихтисослашган, корхона, фирмаларнинг молиявий ҳолати, барқарорлиги, ишончлигини баҳоловчи агентликлар. Бундай агентликлар томонидан тайёрланган:

а) корхона, фирма хусусидаги умумий маълумотлар (манзили, раҳбарияти, таъсисчилари, корпорация тарихи ва бошқалар)да;

б) молиявий маълумотлар (йиллик молиявий ҳисобот, ишлаб чиқариш ҳажми, ташқи иқтисодий алоқаларининг ҳажми)да;

в) корхона, фирма фаолияти таснифида;

г) алоҳида аҳамиятга молик воқеа, фактлар (расмий чора-тадбирлардаги иштироки, арбитраж ва бошқа суд муҳокамаларида қатнашуви)да;

д) бир неча йил давомида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотларда ҳам корхона, фирма хусусида фойдаланиш учун яроқли ахборотлар мажмуини топиш мумкин.

Нолегал (яширин) ахборотларни жамлаш де-ганда тезкор-қидирув фаолияти орқали, агентларни ёллаш ҳамда ахборотларни "ўғирлаш" во-

ситасида улардан расмий ёки норасмий мақсадларда фойдаланиш тушунилади. Ушбу разведканинг объектига саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа, транспорт, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларнинг молия, пул-кредит тизимлари киради. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириб, разведка мақсадларига мос ахборотларни олишлари, жамлашлари ва улардан фойдаланишлари мумкин.

Молиявий разведка бир неча босқичда амалга оширилади:

- ◆ разведка ахборотини тўплаш, жамлаш;
- ◆ ахборотларни таҳлил қилиш;
- ◆ жамланган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган ахборотларни манфаатдор томонларга етказиш ва улардан фойдаланиш.

Разведка натижасида тўпланган ахборотлар таҳлилчилар томонидан баҳоланади, турли фактлар умумий маҳраж асосида бир бутун тизимга солинади. Сўнг бу ахборотлар аҳамиятлилиги ҳамда зарурлиги нуқтаи назаридан интерпретация босқичидан ўтади. Бу босқичда олинган ахборотларнинг ҳаққонийлиги баҳоланади. Разведка натижасида олинган ахборотларнинг барчаси аҳамиятсиз ёки аҳамиятли бўлишидан қатъи назар, зарур ҳисобланади. Масаланинг бундай қўйилиши сабаби, ҳар қандай ахборот муайян ҳолатда, объект тўғрисидаги бошқа ахборотлар билан умумлашганда, уйғунлашганда муайян аҳамият касб этади, муҳим қарор қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Молия разведкаси воситасида тўпланган ахборотлар аниқлиги ҳамда тўлиқлиги каби кўрсаткичлари бўйича ҳам фарқланади. Шу билан бирга, ахборотлар қанчалик ҳаққоний бўлмасин, вақт ўтиши билан улар ўз қийматини, аҳамиятини йўқота боради. Бундай ҳолат, ўз навбатида, аксарият разведка ахборотларини доимий янгиланган, тўлдириб туришни тақозо этади.

Молиявий разведка амалиёти шундан далолат берадики, олинаётган разведка маълумотларини баҳолашда оддий ва қулай тавсифлаш усуллари билан фойдаланилади. Биринчидан, ҳар қандай маълумот, ахборот юзага келаётган манбага тааллуқли ҳамда "тоза" бўлиши лозим. Маълумотларнинг мутлақ ишончли, аниқ бўлиши маълумотларга эга бўлган субъектнинг айнан шу маълумотлар базасида фаолият юртишига боғлиқ. Иккинчидан, ахборотларнинг узатилиши, яъни улардан фойдаланувчиларга етказилиши бўйича улар бирламчи, иккиламчи ва ҳоказо даражада бўлиши мумкин. Фойдаланувчига етиб борган маълумотларнинг юқори даражадан паст даражага ёки "қўлдан қўлга" ўтиши уларнинг "тозалик" даражаси пасайи-

шини англатади.

Молиявий разведка ахборотлари муайян даражада сифат талабларига ҳам жавоб бериши лозим. Бундай талабларга қуйидагилар киради:

- ахборотларнинг тўлиқлиги (ахборотларнинг молиявий разведка мақсадларига мос келиши);

- ахборотларнинг релевантлиги (relevant англизча сўз бўлиб — ишга тааллуқли, ўринли маъносини англатади). Релевантлик бу очик ёки яширин манбалардан олинган барча ахборотлар таркибида фойдаланувчи учун керакли, зарур, ўрганилаётган объект (субъект) фаолиятига тааллуқли маълумотлар бўлишини англатади.

Молиявий разведкада ахборотлар қимматлилиги, қадрлилиги ва долзарблиги бўйича ҳам тавсифланади.

Ахборотлар қиймати (қадр, баҳоси) уларни олиш билан боғлиқ устама харажатлар ҳажмига тенг бўлади. Ахборотларнинг долзарблиги эса уларнинг лойиҳа учун муҳимлиги билан белгиланади. Маълумки, муайян вақт (баъзи ҳолатларда соат, дақиқа) ўтиши билан ахборотларнинг қадр йўқолади, долзарблиги пасаяди. Шу боисдан, молиявий разведкада (контрразведкада) ахборотлар доимий равишда янгиланиб борилиши лозим.

Мутахассислар оператив, тезкор ахборотлар кунига тахминан 10 фоиздан, тактик характерга эга бўлганлари ҳар ойда 10 фоиз ва стратегик аҳамиятга эга бўлганлари эса йилига 15 фоиздан қадрсизланиб боришини эътироф этадилар. Шу сабабли ахборот ҳамда аналитик ҳужжатларда разведка маълумотларини муайян вақт интервали оралиғида ҳаққонийлигини кўрсатиш мақсада мувофиқдир.

Шунингдек, молиявий разведка ўтказишнинг методи (усули, услуби)ни тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий разведкани ўтказувчиларда уни ўтказиш билан боғлиқ тугалланган, ўз таркибига ахборотларни танлаш, уларни олиш, жамлаш, тавсифлаш, ҳаққонийлигини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўз ичига олувчи дастур бўлиши тақозо этилади. Бу ерда қайд этилган ҳаракатларни амалга ошириш молиявий разведканинг цикли (босқичлари) деб юритилади. Бу циклнинг стратегик, тактик ҳамда тезкор даражалари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Разведка циклининг даражалари билан бир қаторда, унинг босқичларини ҳам ўрганиш, тадқиқ этиш лозим. Разведка циклининг қуйидаги беш босқичини алоҳида кўрсатиш лозим:

1. Режалаштириш, мақсадни аниқлаш. Молиявий разведка тизими самарали бўлиши учун уни амалга оширувчи қандай манба асосида, қай

кўринишда қарор қабул қилиш кераклигини тасаввур қилиши лозим. Бунинг учун разведка режаси тузилиши лозим. Уни тузишда разведка фаолиятини режалаштиришнинг учта муҳим принципига риоя қилиш керак:

— разведка фаолиятини амалга ошириш мақсадини аниқлаш;

— ушбу мақсадга эришиш учун иқтисодий фаолият субъектига қандай ахборотлар мажмуи зарурлигини аниқлаш;

— керакли ахборотлар манбаини аниқлаш.

Ўз навбатида ушбу принциплар асосида амалга оширилган разведка уни ўтказувчи субъектга зарур, қадрли, долзарб ахборотларни етказиб бериши мумкин.

2. Маълумотларни йиғиш, тўплаш. Маълумотларни йиғиш, тўплаш ахборот-қидирув ишлари жараёнида олинади. Корхона раҳбарларини қизиқтирувчи маълумотларни тўплаш разведка сўровини ўтказиш, турли маълумотномаларни топиш, объектни кузатиш, ишончли ёрдамчиларни бу ишга жалб этиш, зарурият туғилганда ходимни ўрганилаётган хўжалик субъекти тизимига киритиш (вақтинчалик ишга йўллаш) орқали амалга оширилади.

3. Разведка маълумотларига ишлов бериш, ахборот даражасига кўтариш. Олинган, аммо системалаштирилмаган маълумотлар, уларга ишлов бериш, мақсадга йўналтириш орқали ахборот даражасига келтирилади. Олинган маълумотларга ўта эҳтиёткорлик, синчковлик нуқтаи назаридан ёндашиш керак. Сабаби, разведка ахбороти даражасига кўтарилаётган маълумотларнинг ҳар бири истемолчи учун муҳим бўлиши мумкин.

4. Разведка ахборотларини таҳлил қилиш, умумлаштириш, уларни разведка "маҳсулоти" ҳолатига келтириш. Турли манбалардан олинган, системалаштирилмаган ахборотларга ишлов беришда илмий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиладиган аналитик, таҳлил қилиш усулидан

фойдаланилади. Бу усул бўйича таҳлил ўтказилганда, ахборотларнинг барчаси ҳисобга олинади. Зарурлари танланади, ҳаққонийлиги ўрганилади, сўнгра улар ишончилиги, олинган вақти, аниқлиги бўйича умумлаштириб, баҳоланади. Шу йўсинда олинган разведка ахборотлари қўйилган вазифаларни самарали ҳал этишга, рақиблар хусусида тўлиқ ахборот олишга асос яратади.

5. Разведка ахборотларини разведка билими даражасига келтириш, хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш. Разведка циклининг охириги босқичи амалга оширилган разведка фаолияти натижалари бўйича хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдир. Бу жараён бир-биридан фарқланувчи икки босқични ўз ичига олади: разведка маълумотлари, ахборотларни таҳлил қилиш ҳамда таҳлил натижаларини умумлаштириш, яъни разведка ахборотини ундан фойдаланса бўладиган, буюртмачи талабларига мос разведка билимлари даражасига етказиш. Мисол учун, рақиб тўғрисидаги мавжуд ахборотларни таҳлил қилиш жараёнида унинг фаолиятида бўлаётган ўзгаришларнинг сабабларини ҳам очиб бериш лозим. Бошқача айтганда, рақиб фаолиятида бўлаётган ўзгаришларни сабаб-оқибат боғлиқлигида олиб бориш лозим.

Молиявий разведка натижасида олинган ахборотлар бўйича қисқа, тушунарли шаклда тайёрланган хулоса ҳамда тавсиялар манфаатдор томонларга, буюртмачига етказилади.

Юқорида қайд этилган тартибда олинган разведка ахборотлари тегишли лавозимдаги, корхона фаолиятини режалаштириш ҳамда муайян масъулиятли қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган раҳбарларга етказилади. Улар эса ўз навбатида, долзарб, ишончли ҳамда тўлиқ разведка ахборотларига таяниб, оптимал, ўз корхоналарининг келажагини, барқарор ривожланишини таъминловчи, кучли рақобат кураши шароитида самарали фаолиятни ташкил қилишга қаратилган қарорни қабул қиладилар.



¹ Хуфиёна иқтисодиёт — жамиятда муайян сабаблар таъсирида юзага келадиган норасмий иқтисодий муносабатларни ўз ичига олувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқелик бўлиб, энг аввало, жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва гурӯҳий манфаатларини қондириш, яъни катта миқдорда қўшимча даромад олишни кўзлаб, давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, иқтисодий бойлик, тадбиркорлик қобилиятидан жиний йўл билан фойдаланишдир // Ортиқов А.А., Исоходжаев А.Т., Шестаков А.В. Хуфиёна иқтисодиёт. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. 25-б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

Фирюза МУХИТДИНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
"Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи"
кафедрасининг доценти, ю.ф.д.

ҚОНУНЧИЛИК ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- ◆ Мақолада Абу Наср Форобийнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари асосида қонунчилик ва уни такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган.
- ◆ В статье проанализировано законодательство и вопросы его совершенствования на основе политико-правовых учений Абу Наср Фаробий.
- ◆ The article analyzes the legislation and the issues of its improvement on the basis of political and legal doctrines of Abu Nasr Farabi.

Таянч сўзлар: Абу Наср Форобий, таълимот, маънавий мерос.
Ключивые слова: Абу Наср Фаробий, учение, духовное наследие.
Key words: Abu Nasr Farabi, teaching, spiritual heritage.

Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий меросининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу таълимотларда бундан минг йиллар бурун бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири, яъни ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни жамиятда юксалтириш масалалари ўз ифодасини топган. Бу ҳақда Ислом Каримов: "Бундан минг йил бурун яратилган Форобийнинг фозил одамлар шаҳри асарини қўлга олиб кўрайлик, унда бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган долзарб масалалар учрайди", — деган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Форобий сиёсий-ҳуқуқий таълимотида қонунчилик ва уни такомиллаштириш масаласи таҳлил этилган. Жумладан, алломанинг тўлиқ исм-шарифи Абу Наср Мухаммад ибн Мухаммад ибн Тархон ибн Ўзлуғ ал-Форобий ат-Туркий бўлган. Форобий 873 (ёки 874) йилда Арис сувининг Сирдарёга қуйилишидаги Фороб деган жойда таваллуд топган. Тадқиқотларга кўра, бу ерда асосан туркий қабилалар яшаган. Маълумки, Форобий ҳаётининг кўп қисми ўша вақтларда Аббосийлар халифалигининг пойтахти ҳисобланган Бағдод шаҳрида ўтган. Бағдодда турли илмларни ўқиш-ўқитиш билан бирга, юнон, хинд, форс тилларидаги илмий асарлар араб тилига кўплаб таржима қилинган.

Айнан шу шаҳарда Форобий ҳам ўз билимини

такомиллаштирган ҳамда серқирра ва чуқур билими, антик юнон олимлари — Арасту ва Афлотуннинг кўплаб асарларини мукамал билгани боис ўз даврида Шарқда ал-муаллим ас-соний, яъни "Иккинчи муаллим", "Шарқ Арастуси" унвонларига мушарраф бўлган.

Абу Наср Форобийнинг "Қонунлар ҳақида китоб", "Бахт-саодатга эришув сабаблари ҳақида рисола", "Халқ ва шаҳарларнинг бошланиши ҳақида сўз", "Фозил, жоҳил, фосих, ўзгартирилган ва адашганлар шаҳри ҳақида китоб", "Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб", "Ҳийлалар ва қонунлар ҳақида китоб", "Афлотун қонунлари моҳияти", "Шаҳарларни ўрганиш ҳақида китоб", "Шаҳарни бошқариш", "Фуқаролик сиёсати" каби асарлари жамият ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ қилиш натижасида чиқарган илмий хулосаларини том маънода умумлаштирувчи асарларидир.

Мазкур асарлар таҳлили шуни кўрсатадики, Форобийнинг қонунларнинг табиати ва вазифаларига нисбатан қарашларини кузатсак, мутафаккир мустаҳкам ва барқарор "тартиб" тарафдори экани яққол кўринади. Айнан шундай тартибгина фаровонликка эришиш имкониятини беради. Форобийнинг фикрича, қонун ушбу тартибни ўрнатиш воситаси сифатида ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлмоғи, руҳий жиҳатдан қабул қилишга лойиқ,

обрўли, оддий одамлар (бўйсунувчилар) учун тушунарли, мазмунли, манткили, адолатли ҳамда энг муҳими — ижро этилиши мумкин ва мажбурий бўлмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, қонун ёрдамида тартибга эришишда қонун ҳокимиятининг обрўсидан ташқари унинг устуворлиги ҳам шарт. Қонун ўрнатувчининг фаолиятини баҳолаш мезони сифатида зарур бўлган универсал хусусиятларни чиқаришга уриниш тарзида қабул қилиш мумкин бўлган унинг сифатлари таърифи ҳам қизиқш уйғотади. "Бир санъат эгалари учун лаззатбахш (нарса) бўлган бошқа санъат эгалари учун лаззат бермайди", дея барча мезонлар ҳам ижтимоий муносабатларнинг турли тармоқларига татбиқ этилиши мумкин эмаслигини таъкидлар экан, Форобий бу мезонларни "тўғри", "гўзал" ва "адолатли" деб атайди. Яхши ва ёмонни фарқлаш учун билим ва ақл кераклигини айтиб ўтади: "...Нарсани мукамал билиш фақат, агар унинг моҳиятини, яхши ва юксак сифатларини, кейин эса ундаги ёмон ва номаъқул томонларни билгандагина мумкин". Бошқача қилиб айтганда, гап предметнинг методологияси, назария ва амалиёт ўртасида боғлиқлик зарурлиги хусусида бормоқда. Шу билан бирга, билим эзгулик ва ёвузлик каби этик категориялар билан бевосита боғлиқликда кўрсатилади. Бунда қонун асосида уйғун тартиб ётиши кераклигини кўрсатишга уриниш намоён бўлади. Айнан уйғунликда, тизимлиликда ва илм, ахлоқ ва амалий кўникмалар бирлигида тартиб ўз мазмунига эга бўлади. Шундай қилиб, моҳиятни, хусусиятларни билиш ва амалиёт қонун чиқаришнинг асоси, унинг самарадорлиги гарови бўлмоғи шарт.

Форобий қонун ўрнатувчилар мукамал эгалашлари шарт бўлган абстракт тафаккур тизими ҳақида гапираётгани, шубҳасиз. Ўзининг мулоҳазалари билан Форобий қонунчиликка мана шундай ёндашувда ўрнатилган кўрсатилгандек бўлади ва яна бир бор қонунларни фақат абстракт тафаккурли кишилар яратиши мумкин деб таъкидлар экан, таҳлил қилинаётган муаммонинг жиҳатларини чуқурлаштирмайди. Қолаверса, Форобий бу тушунчани бевосита атамаган ҳолда қонун ўрнатувчи, энг аввало, тадқиқотчи (ёки файласуф) бўлиши шарт, дер экан, айнан абстракт тафаккур хусусиятларини тарғиб қилади. Бу нарса — инсон ақлидир. Форобий учун қонун чиқарувчи тадқиқотчи ва сиёсатчи бўлиши керак. Акс ҳолда, қонунни шакллантириш ва амалга ошириш жуда қийин. Шу билан бирга, Форобий қонунларнинг доимий эмаслиги ва ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг ўзгариши сабабли ўзгариши мумкинлигига эътибор қаратади. Бу Форобийнинг ўша даврдаги ҳуқуқ ҳақидаги ҳукмрон таълимотга қарши илғор фикр соҳиби эканлигини кўрсатади.

Форобийнинг фикрича, қонун чиқариш узлуксиз жараён бўлиб, у ёки бу қонунга бўлган эҳтиёж ўзининг ижтимоий мазмунини ва аҳамиятини йўқо-

тади, яъни унинг табиати ўзгарганда ўзининг қонунлик хусусиятини йўқотади. "Қонунларнинг ҳақиқий эмаслиги ва уларнинг йўқолиши, — деб ёзади Форобий, — икки сабаб билан изоҳланади, биринчидан, уларнинг амал қилиш муддати тугайди; иккинчидан, жаҳонда рўй берадиган халқларга офат келтирувчи сув тошқинлари, вабо сингари оммавий фалокатлар натижасида бўлиши мумкин".

Форобий кишиларнинг бир-бирларига, маданиятга, санъатга, ахлоқий меъёрларнинг урф-одатлар таъсирида ўзгаришига бўлган муносабатларининг ижтимоий эволюциясини ёритар экан, дунё тараққиётининг шарт-шароитлари ва омиллари кишиларнинг ўзлари томонидан яратиладиган қандайдир объектив қонунларга бўйсунган ҳолда такомиллашиб боради, деган фикрни келтиради. Ижтимоий муносабатларнинг тадрижий ривожланиши мураккаб бўлиб, ўзининг ижобий ва салбий жараёнларига эга. Жамиятни ривожланишнинг янги поғонасига олиб чиқар экан, тараққиёт ва таназзул (регресс) навбат билан алмашади, бунда, мисол учун, худди кон қазिश, дарахт кесиш, устахоналар ва уйлар қурган сингари йўқолган санъатларни қайтадан тиклашга тўғри келади. "Фақат булар ўрганувчилар учун унча қийин эмас, — дейди Форобий, — кишилар ўзларининг нима мақсадда яшётгани ҳақида фикрлай бошлайдилар ва санъат воситаларини билиш даражасига етишадилар". Форобий урф-одатлар ҳақида гапирар экан, уларда конституциявий-ҳуқуқий хусусиятларни кўрсаткич мумкин эмас. Одамларни ижтимоий ўзини-ўзи англашлари ривожланиши орқали боғловчи урф-одатлар, Форобийнинг фикрига кўра, охир-оқибат: "биринчи навбатда турли турмуш тарзига эга бўлган кишиларни, катта эътиборли оилалар аъзоларини, катталар ва фарзандларни бирлаштириб, уларга эзгулик келтирувчи умумий қонун яратишга мажбур қилади". Бу ерда "эзгулик" сўзини айтилган гапларнинг мазмунини бузмаган ҳолда "ҳуқуқ" тушунчасига алмаштириш мумкин, чунки Форобий бу асаридан нима ҳақда гапирмасин, ўз олдида қандайдир ўзгармас, барқарор меъёрларни, ҳар бир кишига худди ҳуқуқдай хос бўлган маълум қоидаларни аниқлаш мақсадини кўяди.

Форобий ижтимоий-иқтисодий соҳаларни тартибга солувчи қонунлар ҳақида ҳам эслаб ўтади. "Қонунчилар аҳоли ўртасида ер тақсимлар эканлар, қонун лойиҳасидаги улар киритмоқчи бўлган бўлимларини аҳолидан яширмасликлари керак". Кўрганамиздек, қонунлар ва қонун лойиҳаларини барча билиши, эҳтимолки, муҳокама қилиш зарурлиги қайд этилмоқда. Ер соҳаси билан боғлиқ қонунчиликдан ташқари Форобий мулк ва тижорат, ер кадастри, қишлоқ хўжалиги ва сувга, шунингдек, статистика хизматида тегишли нормаларни эслаб ўтади. Шу муносабат билан тақиқловчи чоралар ҳам эсланади: "...қонунчи барча тарбияли ва ақлли кишилар учун бойликдан фойдаланишни тақиқла-

ши керак, буни қоидалардан бирига киритиб, халқ уни бузмаслиги учун унинг мазмунини англатиши, қонунларга қандай риоя қилиш кераклигини тушунтириш керак".

Шундан кейин Форобий қонун ўрнатувчи унинг ёрдамида одамлар ўлчаш имкониятига эга бўлишлари, савдода ҳеч кимга зарар етмаслиги учун вазн ва ўлчовлар тўғрисида қонун чиқариши зарурлигини таъкидлаб, ҳозирги тил билан айтганда, стандартизация соҳасидаги қонунлар ҳақида фикр юритади.

Форобий давлат бошқаруви соҳаларини тартибга солувчи маъмурий ҳуқуқ масалаларига батафсил тўхталади. Бу соҳадаги қонунчилик бир жойда тўхтаб қолмаслиги, балки муттасил такомиллаштирилиши зарурлигини таъкидлайди. Қонунларни чиқариш учун Форобий "ҳаёт тажрибасига ва яхши ахлоққа" эга кишиларни жалб этишни назарда тутди, бунда у давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич шакллантириш хусусида мулоҳаза юритади: "Кишилар орасида тартиб ўрнатгач, уруш эҳтимолига қарши стратегларни, уларнинг ҳарбий саркардаларини тайинлаш керак... Эҳтимол, бирданига мутлақо тўғри тартиб ўрнатилмаслиги ҳам мумкин". Эътиборга сазовор томони шундаки, давлат бошқаруви тизимининг босқичма-босқич ривожланиши ислохотлар жараёнига ўхшаб кетади. Жумладан, Форобий "давлат қурилиши"нинг "эски" ва "ёш" шаҳарлар каби объекларини эслаб ўтади. Нима бўлганда ҳам, гап ўзининг консервативлигига қарамай, қонунчилик тажрибаларига эга қадимги шаҳарни ўзгартириш ва такомиллаштириш ҳақида бораётгани аниқ. Янги, қурилиши эндигина бошланган шаҳар эса, қонун чиқариш тажрибасига эга бўлмаса-да, анча ғайратли ва янгиликлар учун бағри очикдир.

Давлат бошқаруви тизимини шакллантириш ҳақида гапирар экан, Форобий қонун ўрнатиш билан машғул ҳокимиятда сиёсий рақобат зарурлиги ҳақида фикр юритади. Бу рақобатда яшилар ютиб чиқиши ва бунинг учун барча имкониятларга эга бўлишлари керак. Қонун чиқарувчиларнинг фаолияти доимий ўтказиладиган умумий йиғилишлар, маслаҳатлашувлар шаклида бўлиши зарур. Бу жараён аҳоли учун очик бўлиши ва муносиб даражада олиб борилиши шарт. "(Раҳбарларнинг) дастлабки қадр-қиммати, ғурури очик кўнгиллик ва ҳурмат, иккинчиси — эзгулик, учинчиси — хушмуомалалик, тўртинчиси — обрў-эътибор бўлмоғи керак".

Шу муносабат билан инсонпарварлик ҳуқуқи тилга олиб ўтилади. Унга мувофиқ, қуллар ва қувғинлар тенг ҳуқуққа эга бўлишлари керак. Давлатдаги тартиб ва ижтимоий муносабатларнинг барқарорлиги худди шунга боғлиқдир. "Тенглик — ҳар кимга ўзига яраша берилган даражадир. Бу тенглик меҳр-муҳаббат ва дўстликни дунёга келтиради". Шу билан бирга, жамиятда табақалашув

(иерархия) бўлиши керак, акс ҳолда омма орасидаги ҳар ким бошлиқ ролига даъво қилиши мумкин, бу эса, шубҳасиз, фуқаролар урушига олиб келади. Форобийнинг "Фозил шаҳар одамларининг қарашлари ҳақида китоб" асари мутафаккир ижодидаги энг яхши асарлардан биридир. Кўпчилик манбаларда таъкидланишича, бу асар 942 йилда Бағдод ва Дамашқда ёзилган "Фуқаролик сиёсати" номли матнга асосланган асарининг манتيқий давоми ва илмий мунтазамлашуви тариқасида 948 йилда Мисрда яратилган.

Шуниси диққатга сазоворки, бу Шарқ олимнинг кўпгина фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Айниқса, турлича тарихий даврларда ўзига хос тарзда талқин қилиниши мумкин бўлган қатор муҳим фикрлар мавжуд. У Афлотуннинг ғайритабиий образларидан мустақил ҳолда ижтимоий муносабатларнинг илмий тузилишини яратганининг ўзи етарлидир. У мавжуд нарсаларга улар ҳақиқатда қандай бўлса, шундай қарайди. Жанговар диний фундаментализм даврида диний фанатларнинг босқинидан ўз ҳаётини сақлаган ҳолда, илм йўлида ва илмни сақлаш мақсадида шарҳлаш йўлини танлагани учун уни кўркмасдан биринчи файласуф-ҳуқуқшунос позитивист дея аташ мумкин. У кишиларга ҳар кунлик амалиётида керак бўладиган билимларни излашга ҳаракат қилган ва оламни билиш мумкинлигига ишонган. Унинг учун фикрлашнинг имкони бўлмаган ҳеч нарса йўқ. Жумладан, Форобийнинг қонунларни такомиллаштириш лозимлиги қайд этилган фикрларини ёдга солсак:

- ◆ Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради.
- ◆ Қонунларни ўрганиш зарур ва тўғри. Чунки қонунларни билмаган ва уларга бўйсунмаганлар қонунларни бемаъни деб атаб қоладилар.
- ◆ Сиртдан тазйиқ ўтказиб, сингдириладиган кўнгил ғазабини бостириш учун инсоннинг ўзи билан олиб борадиган ҳақиқат излаш борасидаги курашда қонуннинг фойдаси катта.
- ◆ Эзгулик, яхшилик фақат қонун бўлгандагина ва у қонун яхши ишлагандагина амалга ошиши мумкин.
- ◆ Қонунлардаги ҳар бир амру талаблардан қанчалик улкан фойда борлигини тушуниш керак.
- ◆ Қонунга шубҳа билан қараш ҳамда қонун устидан арз қилиш энг осон ишдир.
- ◆ Қонун ҳайвоний куч эмас, балки таҳсинга сазовор кучни ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарур.
- ◆ Қонун мақсадга чиройли ва покиза йўл билан эришиш имконини беради.
- ◆ Янги қонунда мамлакатлардаги барча табақалар ва авлодларга, барча вилоятларнинг аҳолисига бахт-саодат, шоду хуррамлик келти-

риши ҳисобга олиниши керак.

◆ Қонунда одамларнинг барча хислатларидан фарқ қилувчи туғма хислатлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

◆ Қонун турли-туман феъл-атвордаги, турли-туман хислатли одамлар хайрихоҳлик билан кутиб олишга арзийдиган бўлиши керак.

◆ Агарда яхшилик, эзгуликка оид қонун мавҳум бўлса, соҳиби қонунлар ва уларнинг пандларини ёзиб борувчилар ва шоирлар уларнинг сўзларидаги хатоларни тушунтириш учун жиддий эътибор беришлари керак.

◆ Қонунлардаги ҳар бир кўрсатмадан моҳиятига қараб фойдаланиш зарур. Рақс ва най чалишнинг ўрнини алмаштириб бўлмаганидек, қонун кўрсатмаларини ҳам алмаштириб бўлмайди.

◆ Фаровонлик келтирмайдиган ва бахт сари олиб бормайдиган қонунни қандай қилиб маъқуллаш мумкин.

◆ Агар қонунлаштириш эркинлик билан иштиёрий амалга оширилса, у ҳолда бўйсунуш ва итоат ҳам фуқаро томонидан хайрихоҳлик ва қувонч билан қабул қилиниб, узоқ муддатга давом этади.

◆ Бошқарув қонунларининг сони қонунларнинг сонига муносибдур, чунки ҳокимият қонунларга бўйсунди, улардан ҳосил бўлади ва улардан асос олади.

◆ Бошқарув ҳам қонунларнинг сони ва қадриятига боғлиқ. Яхши бошқарув яхши қонунларга боғлиқ, ёмон бошқарув ёмон қонунларга, етук бошқарув етук қонунларга боғлиқ.

◆ Қонунлар икки хил бўлади. Биринчи хил қонунларга, ҳар қайси соҳиби қонунга қонунларни жорий этишда, давлат аҳволи ва вақт зиклигидан шошма-шошарликка хос бўлган ҳолдагилари киради. Бошқа бир хили ўзгармайдиган ва асл ҳолини сақлайдиганлари — бу табиий қонунлардир.

◆ Қонунларнинг асосий қоидалари ва соҳиби қонун бу ишнинг ҳеч бир томонига бефарқ қарамаслиги, уларга риоя қилинишига ғамхўрлик қилишидир.

Қонуннинг асосий қисмини такомиллаштириб бориш зарур, — дея таъкидлаган фикрларининг ҳуқуқшунослар томонидан ўрганилиши, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида ўқитилиши ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади, — деган ҳулосадамиз. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, "Масалан, Форобийнинг машҳур "Фозил одамлар шаҳри" асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларини топа олади".

Форобий сиёсий ва моддий аҳволдан қатъи назар жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзини-ўзи ма-

даный такомиллаштириши ва ақл-заковатини ўстириши мумкин деган фикрни ривожлантиради. Бироқ ижтимоий-тарихий доиралар исканжасидаги мутафаккир ижтимоий-ҳуқуқий тенгсизлик зарурлиги ва абадийлиги, мулкни кўпайтириш беҳудалиги, меҳнат тақсимои ўзгармаслиги тўғрисидаги фикрни асослашга ҳаракат қилади.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқ тармоқлари билан бирга Форобий ҳарбий қонунчилик, ирригация билан боғлиқ, мансаб, қулларга ва уй ҳайвонларига тегишли, солиқ қонунлари, байрамлар ва спортга тааллуқли, назорат ва мерос ҳуқуқлари хусусида сўз юритади. Шунингдек, ҳозирги замон тили билан айтганда, ҳуқуқнинг бир қанча тармоқларини эслаб ўтади.

Форобийнинг назарида қонун чиқариш ўзида сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт назарияси, руҳшунослик, жамиятшунослик, тарих, шеърят, риторика, этика, фалсафа сингари фанларни жамлаган мураккаб тизимдир. Айнан мана шундай жамликда қонунларнинг амал қилиши ва самарали таъсир кўрсатиши таъминланади.

Форобийнинг қонунчилик борасидаги фикрига кўра, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда мамлакатда амалда бўлган қонунлар миқдори эмас, балки уларнинг сифати ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Қонунларнинг сифати эса кўп жиҳатдан қонуншуносларнинг тафаккур қобилиятлари, билимлари савиясига боғлиқ бўлади. Қонунларга риоя қилиш барчанинг муқаддас бурчидир. Агар ҳукмдор ўзи чиқарган қонунларга риоя қилмаса, у бошқа мансабдор ва фуқаролардан уларга риоя қилишларини талаб қилишга ҳақсиздир.

Шуниси диққатга сазоворки, бу Шарқ олимнинг кўпгина фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Зеро, қадимдан Ўзбекистонда шаклланган интеллектуал салоҳият ҳозирги кунга келиб, ўзининг ривожланиш даражаси жиҳатидан, инновацион кашфиётлар, имкониятлари билан жаҳондаги кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан илгарилаб кетган. Фан, илмий изланишлар жиҳатдан ҳам ривожланган мамлакатлардан қолишмайди. Чунки, бундай ютуқ ва обрўга айтиш мумкинки, фанимиз, ақл-заковат салоҳиятимизга бундан кўп асрлар муқаддам пойдевор солинган.

Мамлакатимизда ҳуқуқшунослик фани жуда қадим замонлардан юксала бошлагани, унинг чуқур ва қудратли илдишлари борлиги билан фахрлана оламиз.

Узоқ ўтмишдаёқ ўзбек халқининг илғор мутафаккирлари амалга оширган тадқиқотлари ва кашфиётлари жаҳон, умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хазинасида бутун дунёга машҳур. Ана шундай меросни ёш авлодга етказиш, бўлажак юридик кадрларни маънан қуролантириш каби вазифамизни унутмаслигимиз лозим.

Вахабжан КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари ўқитувчиси, ю.ф.н.

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ АЙРИМ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада тезкор-қидирув фаолияти назарияси ва амалиётининг долзарб йўналишларини ривожлантириш масалалари ёритилган.
- ◆ В статье рассмотрены вопросы развития наиболее важных направлений теории и практики оперативно-розыскной деятельности.
- ◆ The article discusses the development of the most important areas of theory and practice of operational and investigative activities.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув, конспирация, давлат-ҳуқуқий шакли мақоми, тезкор-қидирув тадбирлари.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, конспирация, оперативно-розыскные мероприятия.

Key words: operatively-search activity, conspiracy, operational-search activities

Ҳозирги тез ўзгарувчан замонда ҳаётимизнинг барча соҳаларига турли хил янгиликлар, шу жумладан, илғор илмий-техника воситалари ва замонавий технологияларнинг кириб келиши натижасида жиноятчиликка қарши курашиш анча мураккаблашиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида жиноятчиларнинг фаолияти юқори даражада ташкил қилинаётганлиги ва конспирацияси кучайганлиги, шунингдек, кўзланган мақсадларга эришиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш механизмлари йўлга қўйилганлиги ҳамда ўзларига нисбатан олиб борилаётган кураш усул ва услубларидан етарлича хабардорлигидир.

Бундай вазиятда, шубҳасиз, жиноятчиликка қарши фақат жиноят-процессуал воситалари орқали курашишнинг етарли эмаслигини таъкидлаш лозим. Жиноятчиликка қарши курашни самарали ташкил этишга фақат тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларининг уйғунлиги билан эришилиши мумкин. Яъни жиноят содир этаётган шахсларнинг яширин, ниқобланган ва уюшган ҳаракатларига нисбатан шунга мос

бўлган махсус чораларни қарши қўйиш лозимки, токи улар жиноий қилмишларни ўз вақтида, тезкор йўллар билан олдини олиш ва фош этиш имконини берсин. Тезкор-қидирув фаолияти (кейинги ўринларда — ТҚФ) айнан шундай кенг махсус чоралар тизимига эгадир.

Муқаддам ТҚФ, мазкур фаолиятни амалга оширувчи органларнинг ёпиқ хусусиятга эга бўлган идоравий норматив ҳужжатлари (буйруқлар, йўриқномалар, қўлланмалар) билан тартибга солиниб келган. Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш тизимида бошқа қонун лойиҳалари қаторида "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилган эди¹.

Ушбу муҳим соҳани қонун доирасига киритиш мақсадида ТҚФни амалга оширувчи органлар ва бошқа соҳа ҳуқуқшунос олимлари, амалиёт ходимлари томонидан бир қатор изланишлар олиб

борилди. Уларнинг натижаси ўлароқ, 2012 йил 25 декабрда мазкур қонун қабул қилинди ва унинг амал қилиниши билан боғлиқ масалалар кўлами улканлиги эътиборга олиниб, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач, яъни 2013 йил 25 декабрда кучга киритилди.

Қонуннинг қабул қилиниши иккита муҳим вазифани ҳал этиш имконини берди: биринчидан, ТҚФга жиноятчиликка қарши курашнинг давлат-ҳуқуқий шакли мақомини берган бўлса, иккинчидан, унинг ҳақиқий ҳуқуқий асосларини вужудга келтирди.

Қонунда акс эттирилган қуйидаги хусусиятлар ТҚФнинг давлат-ҳуқуқий шаклда эканлигидан дарак беради: а) фақат ваколатли давлат органлари ва уларнинг тезкор бўлинмалари томонидан амалга оширилиши; б) жиноятчиликка қарши курашга қаратилганлиги; в) қонун томонидан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланганлиги. Демак, бу хусусиятлар тезкор ишларнинг фақат давлатга хослигини етарли даражада тўлиқ ифода эта олади. Ушбу талаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида ўз ифодасини топган.

"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, маълум маънода бу соҳанинг ҳуқуқий асосларини тартибга солишни илмий жиҳатдан ишлаб чиқишни анча фаоллаштирди. Сўнгги йилларда соҳа олимлари томонидан ТҚФнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган бир қатор илмий мақолалар ва ўқув қўлланмалари чоп этилди.

Шу билан бирга, ТҚФнинг ҳозирги замон талаблари асосида тартибга солиниши бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди ва уни барча йўллар билан такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу масаланинг қулай ечими сифатида мазкур қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этиш мумкин бўлиб, фикримизча, бунда қуйидаги асосий қоидалар эътиборга олиниши шарт:

1. ТҚФнинг қонунчилик тушунчасини аниқлаштириш зарур. Бу тушунча мазкур фаолиятнинг янги, ҳозирги замон даражасидаги мазмун-моҳиятини тўлиқ акс эттириши лозим.

Мазкур фаолиятнинг қонунда берилган тушунчасига кўра, "ТҚФ қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир". Яъни бу ҳолда фаолиятнинг мазмуни, махсус ваколат берилган субъектлар томонидан фақат тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш билан чекланган.

Фикримизча, ТҚФнинг қонунда берилган тушунчаси мукамал эмас ва аниқлаштиришни

тақозо этади. У фақат бу фаолиятнинг мазмунини қисман ифода этади ва умумэтироф этилган аломатларини киритмайди. Хусусан, қонунда берилган тушунчадан келиб чиқадиган бўлсак, унда тезкор-қидирув тадбирлари қаторига кирмайдиган, лекин фаолиятнинг асосий йўналишларини ўз ичига олувчи ҳаракатларни ўтказиш назарда тутилмаган.

Шубҳасиз, тезкор-қидирув тадбирлари фаолиятнинг ўзагини ташкил этади. Аммо, тан олиш лозимки, улардан ташқари ТҚФни амалга оширувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашда бир қатор бошқа (тезкор-қидирув тадбирлари рўйхатига кирмаган) имкониятлари ҳам мавжуддир. Булар ташкилий-бошқарув чоралари, ташкилий-тактик чоралар (ахборот таъминоти, ахборот-таҳлилий ишлар, башорат қилиш, режалаштириш, ҳамкорлик қилиш, махфийлик асосида кўмаклашиш истагини билдирган шахслар билан пуллик ва бепул ҳамкорлик ўрнатиш ("ТҚФ тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси); ТҚФ усуллари, воситалари ва ҳоказолар.

Шу муносабат билан, таъкидлаш жоизки, ҳозирда ТҚФнинг тушунчасини аниқлаштириб олиш зарурияти мавжуд бўлиб, унга қўшимча равишда мазкур фаолиятнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ ифода этувчи хусусий белгиларини киритиш мақсадга мувофиқ. Хусусий белгиларнинг асосийлари қаторига, фикримизча, қуйидагиларни киритиш мумкин: ТҚФнинг давлат-ҳуқуқий тавсифдалиги; вазифаларнинг махсуслиги; махсус норматив-ҳуқуқий тартибга солиниши; муайян принциплар асосида амалга оширилиши; фаолиятнинг нафақат тезкор-қидирув тадбирлари, балки махсус воситалар, усуллар ва ташкилий-тактик шаклларни қўллаш билан боғлиқ бошқа тезкор-қидирув ҳаракатлари орқали амалга оширилиши; махсус ваколатга эга субъектлар томонидан амалга оширилиши; фаолиятнинг махсус тактикаси мавжудлиги; махсус молиявий ва моддий-техник таъминоти; фаолият устидан махсус назорат ўрнатилганлиги.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, тезкор-қидирув фаолиятининг тушунчасини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: "Тезкор-қидирув фаолияти — қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ҳал қилиш мақсадида ошкора ва ноошкора усуллар ва воситалар уйғунлигида амалга ошириладиган фаолият туридир".

Яъни ушбу тушунчанинг хусусий белгилари сифатида: а) фаолиятнинг қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан (қонуннинг 10-моддаси); б) фақат тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал қилиш мақсадида (4-модда); в) ошко-

ра ва ноошкора усуллар ва воситалар уйғунлигида (9-модда) амалга оширилишини келтириш мумкин.

2. Қонунда фойдаланилган тезкор-қидирув тадбирларига тушунча бериш орқали уларни ёритиш, уларнинг рўйхатини қайтадан кўриб чиқиш, уларни ўтказиш асослари ва шартларига тегишли ўзгартишлар киритиш зарурияти мавжуд.

Ҳозирги кунда соҳа мутахассислари орасида тезкор-қидирув тадбирларининг мазмун-моҳияти, тушунчаси, асосий белгилари ва тузилишини аниқлаштириш хусусида ягона нуқтаи назар шакллантирилмаган (масалан, муаллифлар А.К.Закурлаев ва Ю.С.Пулатовлар томонидан 2014 йилда чоп этирилган "Тезкор-қидирув фаолияти" ўқув қўлланмаси², 2015 йилда ИИВ Академияси олимлари томонидан тайёрланган "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунга илмий-амалий шарҳлар³ ва бошқа нашрлардаги мавжуд ҳар хиллик ва тафовутлар бунга яққол мисол бўла олади). "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунда ҳам уларга тегишли тушунча берилмаган. Шу сабабли, уларнинг турли хил томонларини кўриб чиқиш, авваламбор, тезкор-қидирув тадбирларининг моҳиятини аниқлаштириш масаласига бевосита боғлиқдир.

Айрим муаммолар ушбу тадбирларнинг қонунда ифодаланган номлари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли аниқлаштиришни тақозо этади. Шунинг учун алоҳида тадбирларни, фаолиятнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Масалан, "Сўров"ни — "Тезкор сўров", "Маълумотлар тўплаш"ни — "Тезкор йўллар билан маълумотлар тўплаш", "Қиёсий текширув учун намуналар йиғиш"ни — "Тезкор текширув учун намуналар йиғиш" деб аташ мумкин.

ТҚФни амалга оширувчи органларнинг амалиёт тезкор ходимлари фикрларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда тезкор-қидирув тадбирларининг мазмун-моҳиятини аниқлаш, уларни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларида ҳам бир қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Чунки уларнинг айримлари бир-бирини такрорлайди, алоҳида ҳолларда эса уларни ўтказиш ва прокуратура билан келишиш масалаларида қийинчиликлар ва баҳсли ҳолатлар юзага келади.

Шу муносабат билан, тезкор-қидирув тадбирларининг рўйхати, уларни ўтказиш учун келишиш ҳамда уларнинг натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш билан боғлиқ томонларини такомиллаштириш лозим.

Юқоридаги ҳолатлар тезкор-қидирув тадбирларининг тўлиқ рўйхатини қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этади. Масалан, "Текшириш учун харид қилиш" ва "Назорат остида олиш" тезкор-қидирув тадбирлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, биринчи тадбирнинг мақсади шахснинг қонунга хилоф фаолиятга алоқадорлигини даст-

лабки текшириш ва келгусида иккинчи тадбирни ўтказиш учун асос яратиш ҳисобланади. Яъни уларни бир тадбирнинг таркибий қисмлари ёки ўтказишнинг турлича тактик усуллари, деб аташ мумкин.

"Текшириш учун харид қилиш" тадбирини ташкил қилиш ва ўтказиш тактикаси ТҚФни амалга оширувчи органларнинг идоравий норматив ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлиб, уларга кўра, бу тадбирда предметлар ёки товарлар харид қилиниб, сотувчи билан ҳисоб-китоб қилиниб, текширилганда уларнинг ноқонуний фаолиятга алоқадорлиги аниқланганидан сўнг яқунланган ҳисобланади (масалан, олинган қуқунда гиёҳванд моддалар мавжудлиги аниқланганда)⁴. Яъни бунда яққол жиноят аломатлари мавжуд ҳолда, ушбу тадбир натижалари "Назорат остида олиш" тадбирини ўтказиш учун асос бўлади.

Ушбу бўлиниш амалий камчиликларга эга. Чунки такрорий тадбирда ҳамма вақт ҳам ноқонуний модда ёки воситаларни харид қилишнинг имконияти бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда илгари харид қилинган ноқонуний моддалар бўйича бирор-бир ҳуқуқий ечимга келинмасдан, ушбу жиноят ҳисобдан яширилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бу тадбирлар прокурор билан келишган ҳолда ўтказилиши лозимлигини эътиборга оладиган бўлсак, бунда ҳам айрим муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонун қабул қилингунга қадар бу икки тадбир ТҚФнинг усуллари билан бири бўлган "Назоратли харид" доирасида, унинг алоҳида тактик усуллари сифатида ўтказиб келинган. Мазкур соҳадаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу каби тезкор-қидирув тадбири, бизнинг қонунчилигимизга яқин бўлган МДХ давлатларининг ТҚФга оид қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, улар ягона тезкор-қидирув тадбири доирасида ўтказилади. Масалан, Россия Федерацияси ва Беларус Республикасида "Проверочная закупка", Қозоғистонда "Оперативный закуп", Озарбайжонда "Получение товара в порядке контроля" ва ҳ.к.

Шу муносабат билан ушбу икки тезкор-қидирув тадбирини бирлаштириб, уларни бир тадбир доирасида ўтказиш ва уни "Назорат остида олиш" деб аташ мақсадга мувофиқ. Чунки бу ҳолда предмет, товар олди-сотдиси ёки хизмат кўрсатишдан ташқари айирбошлаш, ҳада қилиш, гаров ёки ижарага бериш каби турларини қўллаш мумкин.

Шунингдек, қонундаги "Тезкор киритиш" ва "Ниқобланган операциялар" тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилиш тартиби бўйича ҳам юқоридаги фикрни билдириш мумкин. "Тезкор киритиш" тадбирининг мақсади, бу ТҚФ субъектини тезкор қизиқиш туғдирувчи объектга муваф-

фақиятли киритиш бўлса, "Ниқобланган операциялар" тадбирининг мақсади объектга муқаддам киритилган субъектнинг имкониятларидан ТҚФ вазифаларини ҳал этиш учун фойдаланиш ҳисобланади⁵. Яъни ушбу икки тадбир ҳам бир-бирини такрорлайди. Аслида эса қонун қабул қилингунга қадар бу икки тадбир ТҚФнинг муайян усули доирасида ўтказилиб келинган. Шу сабабли уларни бир тадбирнинг икки марта ўтказилиш усули сифатида қўллаш мумкин бўлиб, шу йўл билан тезкор бўлинмаларга юклатилган вазифаларни ҳал этишнинг узлуксиз жараёни таъминланади.

Бу каби тезкор-қидирув тадбири МДХ давлатларининг аксариятида ягона тезкор-қидирув тадбири доирасида ўтказилади. Масалан, Россия Федерацияси ва Беларус Республикасида "Оперативное внедрение", Қозоғистонда "Внедрение", Озарбайжонда "Вхождение в преступные группы или криминогенные объекты" ва ҳ.к.

Шу сабабли, ушбу икки тезкор-қидирув тадбирини бирлаштириб, уни "Тезкор киритиш" деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мазкур соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ўрнатиш масаласида ҳам ҳозирги кунда айрим муаммолар кўзга ташланади. "Прокуратура тўғрисида"ги ва "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунларда мазкур фаолият устидан прокурор назоратини ўрнатиш масаласи муайян моддаларда ўз аксини топганлигига қарамасдан ҳозирги кунгача тўлиқ ўз ечимини топмаган. Яъни бунда биринчидан, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида тезкор-қидирув фаолияти соҳасида прокурор назорати предмети аниқ белгиланмаган. Иккинчидан, прокуратура ва тезкор бўлинмалар ходимлари тезкор-қидирув фаолияти устидан назорат қилиш предмети турлича талқин қилишади. Ушбу ҳолатлар ўзаро боғлиқ бўлиб амалий фаолиятда айрим тортишувлар ва тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Назорат қилувчи прокурорга тақдим этиладиган тезкор-хизмат ҳужжатларининг рўяхати айнан назорат предметидан келиб чиқиб белгилашни эътиборга олиб, бу соҳадаги назорат

предметини Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги ҳамда "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар талабларидан келиб чиқиб белгилаш лозим.

Мазкур соҳадаги хориж тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксариятида тезкор-қидирув фаолияти қонун доирасига киритилган бўлиб, қабул қилинган қонунлар талаблари асосида тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш масалалари бўйича идоравий норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Жумладан, 2007 йил 21 декабрда Россия Федерацияси Бош прокурорининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Федерал Қонунининг ижро этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида"ги 207-сон (янги таҳрирдаги) буйруғи қабул қилинган. Бу каби норматив ҳужжатлар бошқа МХД ҳам мавжуд. Қозоғистон Республикаси Бош прокуратурасида эса тезкор-қидирув фаолияти устидан назоратни ташкил этувчи Департамент ташкил этилган.

Шу муносабат билан айна пайтда юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилиши устидан прокурор назоратини таъминлаш ва мазкур соҳадаги назорат предметини, назоратни амалга оширувчи ваколатли прокурорларни аниқ белгилаш ҳамда назорат тадбирларини ўтказиш тартибини ўрнатиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишчи идоравий норматив ҳужжат қабул қилиш зарурияти мавжудлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан тасдиқланадиган "Ўзбекистон Республикаси "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ижро этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида"ги Иўриқномани ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, юқорида тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

¹ И.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. 25-б.

² Қаранг: Закурлаев А.К., Пулатов Ю.С. Тезкор-қидирув фаолияти: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДЮУ, 2014. - Б. 32-64.

³ Қаранг: Ҳамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н. Научно-практический комментарий к Закону Республики Узбекистан "Об оперативно-розыскной деятельности" / Отв. Редактор Ш.Т.Икрамов. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015. - Б. 66-98.

⁴ Қаранг: Научно-практический комментарий к Закону Республики Узбекистан "Об оперативно-розыскной деятельности" - С. 73-75.

⁵ Қаранг: Научно-практический комментарий к Закону Республики Узбекистан "Об оперативно-розыскной деятельности" - С. 89-95.

Азизхон АХМЕДОВ,
Тошкент давлат юридик университети
"Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқ" кафедраси
мустақил изланувчиси, ю.ф.н.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

- ◆ Мақолада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар жараёнида инновацион фаолиятнинг ўрни, аҳамияти ва долзарблиги ёритилган.
- ◆ В настоящей статье изучены и проанализированы различные научные точки зрения о роли инноваций в гражданском праве.
- ◆ In this paper has been researched and analyzed various scientific points of views about the role of innovations in civil law.

Таянч сўзлар: фуқаролик ҳуқуқи, инновацион фаолият, мулкӣ ва номулкӣ муносабатлар.

Ключевые слова: надзор, закон, нормативно-правовой акт, управление, прокурорский надзор, административный надзор, санитарный надзор.

Key words: supervision, law, norm-lawful document, management, prosecutor supervision, administrative supervision, sanitary supervision.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада инновацион фаолият аҳамиятининг юқорилиги унинг турли жаҳаларини тадқиқ этишни, бунда ҳуқуқнинг турли соҳалари нормаларидан, авваламбор, фуқаролик ҳуқуқи меъёрларидан фойдаланишни тақозо этади. Шу билан бир вақтда, инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида мавжуд қонунчилик тажрибаси инновацион муносабатларни амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш ушбу ҳуқуқ соҳаси нормаларига камроқ даражада асослашни кўрсатади. Мазкур нормалар қўлланилган ҳолларда эса, "фуқаролик-ҳуқуқий соҳасига хос бўлган воситалар тўпламидан эмас, балки айрим нормалар ва институтлардангина фойдаланилади"¹.

Шу сабабли тадқиқ этилаётган соҳада инновацион фаолият жараёнида юзага келувчи муносабатларнинг ҳуқуқ билан тартибга солинган муносабатлар тизимидаги ўрнини аниқлаш билан боғлиқ муаммо методология муаммосидан кейин иккинчи ўринда туради. Ушбу муносабатларни мавжуд ҳуқуқ тизими доирасида лозим даражада тартибга солиш мумкинми, деган са-

волга жавоб топиш айти шу муаммони ечишни тақозо қилади. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, инновацион фаолиятни тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқи энг яқин ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади.

Айтиш жоизки, инновацияларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари бўйича концептуал ишланмалар бўлиши зарурлигига қарамай, ушбу мавзуга бағишланган юридик ишлар сони унча кўп эмас. Бунда уларнинг бир қисми қонун чиқарувчининг амалга оширилган ташаббусини шарҳлаш ва назарий жиҳатдан оқлаш инерциясига асосланган мавжуд инновацион қонунчиликни назарий тавсифлашга бағишланган². Шу тариқа тадқиқот предмети фақат амалдаги қонунчилик маълумотлари доираси билан чегараланади. Айтиш жоизки, ушбу ишлар таъсирида инновацион муносабатларни тартибга солиш йўллари ва воситалари ҳақида амалий жиҳатдан ноёб ахборотни тўплаш жараёни бошланди. Бироқ бундай кўринишда фан фақат цивилистик тафаккурнинг қонунчилик нормаларини қўллаш амалиётига таъсир кўрсаткичи сифатида хизмат қилиши мумкин. Ваҳоланки, илмий та-

факкурнинг қиммати самарали қонунчилик фаолияти учун зарурий назарий замин яратиш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Айнан шу ерда ҳуқуқда хусусий ҳуқуқ асослари ва принципларига татбиқан инновацион мавзуга оид тадқиқотлар ўтказишга эҳтиёж пайдо бўлади.

Фуқаролик ва тадбиркорлик ҳуқуқи фанида инновацион фаолиятни ушбу фаолият доирасида юзага келувчи юридик фактлар ва амаллар нуқтаи назаридан ҳуқуқий тартибга солишга нисбатан умумий методологик ёндашувни шакллантиришга бағишланган монографик тусдаги махсус ишлар ҳозирча мавжуд эмас. Инновацион жараёни ҳуқуқий таъминлаш кўпинча солиқ ва кредит сиёсати тадбирларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билангина амалга оширилади. Олимлар эътибори интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми, уларга бўлган ҳуқуқларнинг тақсимланиши билан боғлиқ айрим масалаларгагина қаратилгани илмий салоҳиятни сезиларли даражада заифлаштиради³.

Айтиш жоизки, инновацион мавзуда улуши катта бўлган ушбу турдаги ҳуқуқларнинг фуқаролик муомаласи муаммоси фуқаролик ҳуқуқи таълимотида жиддий тадқиқ этилгани йўқ. Ҳозирча уларнинг динамикасини белгиловчи айрим юридик конструкцияларгина тадқиқотчилар эътиборини тортган⁴, интеллектуал мулк соҳасидаги мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабатларнинг назарий муаммолари эса ўз тадқиқотчисини ҳали топганича йўқ.

Ҳозирги давр воқелиги интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик муомаласидаги иштироки ўз аҳамияти ва қийматига кўра фуқаролик муомаласида моддий бойликларнинг иштироки билан тенг эканлигидан далолат беради. Қонун чиқарувчи интеллектуал мулк тўғрисидаги меъёрларнинг фуқаролик қонунчилиги умумий қоидалари (субъектлар, битимлар, даъво муддатининг ўтиши, вакиллик, шартномалар ҳақидаги қоидалар) билан нисбати тўғрисидаги масалани амалда ечганига қарамай⁵, бунинг учун назарий асослар яратилмаган.

Кўпгина мамлакатларда инновацион муносабатларни тартибга солиш борасида катта тажриба тўпланган. Турли ҳуқуқий тизимларга хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, чет эл инновацион қонунчилигининг айрим қоидаларини миллий ҳуқуқ тизимига самарали жорий этиш мақсадида, ушбу тажрибани таҳлил қилиш ва ҳар томонлама ўрганиш талаб этилади. Бунда қуйидаги омилларни эътиборга олиш зарур.

Биринчидан, инновациялар муҳим ижтимоий ходиса деб эътироф этилиши ўз-ўзидан ҳуқуқ фа-

нида таркибий ўзгаришлар юз беришига олиб келади, бироқ фаннинг ушбу соҳасида "ҳуқуқ" ва "инновация" сингари ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисалар ўзаро алоқасининг методологик асослари ҳали ишлаб чиқилгани йўқ.

Иккинчидан, ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг таркибий элементлари ишга солинган инновацион тартиб-таомиллар соҳасига тааллуқли бўлган илмий-назарий қоидалар ҳозирги замон фуқаролик ҳуқуқи фанида ишлаб чиқилмаган.

Учинчидан, интеллектуал меҳнат ва интеллектуал мулк сингари тушунчалар билан муштарак бўлган ҳуқуқий ҳодисалар "билимлар иқтисодиёти" марказида туради. Ҳуқуқий воқеликнинг ушбу соҳаси иқтисодий фанларнинг намояндлари томонидан биринчи навбатда интеллектуал махсулотнинг иқтисодий қиммати нуқтаи назаридан фаол ўзлаштирила бошлади. Бу ерда интеллектуал мулк институтига нисбатан унга ҳуқуқнинг фақат экспертлар гуруҳи тушунадиган тор соҳаси сифатида қараб, одатдаги ёндашувни енгил имконини берадиган интеграциялашган ёндашув зарур.

Тўртинчидан, инновацион фаолият муаммосига фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назардан ёндашиш ҳозирги вақтда интеллектуал фаолиятнинг муҳофаза қилинадиган натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг муомалада бўлиши соҳасида тартибга солиш қай даражада оптимал эканлигини баҳолаш имконини беради.

Инновациялар назариясини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш борасида пешқадамлик иқтисодий фанлар томонида эканлигини рад этмаган ҳолда, ҳуқуқ фани намояндлари инновациялар соҳасида ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ механизмини яратиш иқтисодий ислохотларнинг зарурий омили эканлигини таъкидлайдилар. Инновациялар муаммосининг муҳимлигига қарамай, унинг ҳуқуқий жиҳатлари жуда кам ўрганилган, бунда мазкур муаммога қаратилган илмий ишларнинг бир қисми мавжуд инновация қонунчилигини назарий тавсифлашга бағишланган⁶. Шу тариқа тадқиқот предмети доираси амалдаги қонунчилик маълумотлари билан чекланган. Ваҳоланки, илмий тафаккур қиммати самарали қонунчилик фаолияти учун зарурий назарий асосларни яратиш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

Инновацион фаолиятга бағишланган нормалар формал аниқлик, тегишли ижтимоий алоқаларни тўлиқ қамраб олиш мезонларига жавоб бермаслигининг асосий сабаби ҳам шунда бўлса керак. Бу соҳада ҳуқуқий параметрлар аниқ эмас, инновацион жараёни юридик

таъминлаш эса амалда солиқ ва кредит сиёсати тадбирларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасигача торайтирилган. Тадқиқотчиларнинг асосий эътибори интеллектуал мулк объектлари фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг айрим жиҳатларига, уларга бўлган ҳуқуқларнинг тақсимланишига⁷ ёки уларнинг динамикасини белгиловчи айрим юридик конструкцияларга⁸ қаратилгани ҳам инновацион мавзуга оид илмий салоҳиятни сезиларли даражада камайтиради.

Инновация назарияси соҳасида иқтисодиёт фанининг мақсади инновацион фаолиятнинг моҳияти, инновацияларнинг шакллари, омиллари ва қонуниятлари, уларни тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш усуллари хусусидаги билимлар тизимини шакллантириш, инновацияларнинг иқтисодий ходиса сифатидаги моҳиятини макро ва микро даражаларда тушунтиришдан иборат⁹. Ҳуқуқ объектив-ҳуқуқий маънода ҳуқуқий нормалар тизимидир. Кундалик ҳаётда у қаршимизда ҳуқуқатворга таъсир кўрсатувчи айрим нормалар ва амрномалар кўринишида намоён бўлади¹⁰. Ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамияти унинг мавжуд ижтимоий тизимни ривожлантириш, унга норматив асосларни киритиш қобилияти билан белгиланади. Шу туфайли ҳам ҳуқуқшуносларнинг вазифаси турли ижтимоий ҳодисаларга тавсиф бериш билан бир қаторда, уларнинг ҳуқуқий режимини белгилаш, ҳуқуқий белгилари ва хоссаларини таҳлил қилиш, шунингдек ушбу ҳодисаларни белгиловчи муносабатларни тавсифлашдан иборат.

Муайян субъектни инновацион фаолият иштирокчиси деб, фаолиятнинг ўзини эса инновацион деб ҳисоблаш учун мазкур фаолиятнинг иқтисодёт фанида яратилган таърифидан фойдаланишнинг ўзи камлик қилади. Ҳуқуқий тартибга солишнинг бош вазифаси айнан муайян фаолият соҳасида юзага келувчи муносабатларни норматив ҳужжатларда аниқ акс эттириш ва шу тариқа улар (айни ҳолда — инновацион фаолият жараёнида юзага келувчи муносабатлар) умумий иқтисодий маконда амал қилиши учун қулай ҳуқуқий шароит яратишдан иборат. Бинобарин, фуқаролик ҳуқуқининг вазифаси инновацион фаолият соҳасида амал қилувчи муносабатларни цивилистика нуқтаи назаридан англаб етиш, уларни ҳуқуқий тартибга солиш шакллари ва усуллари тўғрисида қонун чиқарувчига илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Инновацион фаолиятга иқтисодий фаолият сифатида қарайдиган бўлсак, унинг иштирокчилари (ҳуқуқий муносабатлар потенциал субъек-

тлари)нинг ҳуқуқ субъекти мақоми тўғрисидаги меъёрлар фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида ётади ва у ерда фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари жисмоний шахслар, юридик шахслар ва оммавий-ҳуқуқий тузилмалар бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Ҳуқуқий муносабат субъекти моддий ва номоддий неъматларга бўлган ҳуқуқларга эга эканлиги субъект, ФКнинг 83-моддасида келтирилган фуқаролик ҳуқуқлари объектларига нисбатан ҳуқуқларга эгаллиги туфайли, алоҳида мақомга эга бўлиши тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Шу сабабли ҳуқуқий муносабатлар доирасида ҳуқуқий тартибга солишнинг иккинчи томонини ҳуқуқий фаолият объектлари ташкил этади.

Бу борада россиялик олим М.М.Агарковнинг ёзишича, фуқаролик ҳуқуқида тасарруф этиш мумкин бўлган нарсаларнигина объектлар деб, тан олиш тўғридир. Шундан келиб чиқиб, муаллиф объектлар қаторига энг аввало ашёларни, сўнг ижодий интеллектуал фаолиятнинг объектив шаклда ифодаланган натижаларини ва ҳуқуқларни киритган¹¹.

Таъкидлаш керакки, инновацион фаолият натижасида юзага келадиган муносабатларнинг хусусиятлари, энг аввало, ушбу муносабатлар объектларининг хусусиятлари билан белгиланади. Мазкур фаолият натижалари моддий ва номоддий бўлиши мумкин. Ижодий натижаларни яратиш жараёнида юзага келувчи муносабатлар ҳақида гапирганда, моддий объектлар сифатида ишлар, хизматлар ва интеллектуал ҳуқуқлар амал қилиши мумкин¹². Иккинчи ҳолатда гап кўпинча мулк хусусият касб этадиган интеллектуал ҳуқуқларнинг бир тури ҳисобланадиган мутлақ ҳуқуқлар ҳақида боради.

Айтиш жоизки, ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш усуллариининг соф юридик тавсифи нуқтаи назаридан ҳуқуқнинг тартибга солиш ва қўриқлаш функцияларига ажратилиши барчага маълум. Тартибга солиш функцияси иқтисодиёт соҳасида айниқса яққол намоён бўлади. Ушбу соҳада юзага келадиган, одатда мулк хусусият ва шахсий номулкий муносабатлар деб аталадиган ижтимоий муносабатлар қонун билан фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш предметига киритилган экан, инновацион фаолият жараёнида юзага келувчи муносабатларни ҳам фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига киритсак, хато бўлмайди. Тартибга солиш вазифалари етакчилик қиладиган бу ҳуқуқ соҳаси иштирокчилари кўпинча ўзаро келишув ҳолатида бўладиган ижтимоий-фойдали ҳодисаларни бел-

гилашга қаратилган бўлиб, айнан шу сабабли фуқаролик ҳуқуқидан асосан мулкӣ муносабатлар ва товар-пул алоқаларини ўрнатиш ва ижобий тартибга солиш, жамиятда иқтисодий муомалага оид нормал муносабатларни белгилаш учун фойдаланилади.

Мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солиш воситалари инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш учун ҳам ўринли, чунки иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий механизм сингари, мулкӣ муомала ҳам ягонадир. Яна шуни ҳам инобатга олиш лозимки, тарихий ўзгаришларга қарамай, ижодий фаолият соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш кўп жиҳатдан цивилистик принципларга асосланган ҳамда ҳуқуқ реал воқеликни абстракт тушунчалар воситасида акс эттирганлиги сабабли "инновация" тушунчасининг юридик ва иқтисодий талқинлари

мос келмайди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, инновацион фаолиятни интеллектуал элементни ўз ичига олган фаолият сифатида амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқий шакллари йиғиндиси сифатида эътироф этган ҳолда, куйидаги масалалар ҳал қилиниши лозим:

— миллий қонунчилик тизимида инновациялар ва инновацион фаолиятнинг қонуний негизларини қабул қилиш;

— инновацияларнинг интеллектуал фаолият натижаларидан тижорат мақсадларида фойдаланишнинг хусусиятлари ва юридик тавсифини белгилаш;

— инновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормалари ҳуқуқ ва қонунчилик тизимидаги аҳамиятини аниқлаш;

— инновацион фаолиятни мажбурият ҳуқуқи нуқтаи назаридан тадқиқ этиш.



¹ Яковлев В.Ф. Системное применение права // Законодательство. 2007. №5.

² Евсеева Л.А. Правовое регулирование инновационной деятельности: Дис. канд. юрид. наук. - М., 2005; Звездкина А.С. Инновационная деятельность в России: проблемы правового регулирования: Дис. канд. юрид. наук. - М., 2005.

³ Усольцева С.В. Результаты интеллектуальной деятельности как правовая категория: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - Томск, 1997; Богатова Л.Ю. Права авторов произведений науки, литературы и искусства: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 1998; Калятин В.О. Право использования произведения: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 1999; Дельцова И.В. Объекты интеллектуальной собственности: система признаков и система правового регулирования: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - Самара, 2004; Ли А.А. Государственное регулирование инновационной деятельности и опыт зарубежных стран // Жамият ва бошқарув. - 2013, №2. - Б. 65.

⁴ Павлов А.В. Договорные отношения по использованию прав на изобретение в РФ: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 1997; Перина О.В. Лицензионные договоры на объекты интеллектуальной собственности и информацию: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 1997; Маркеев А.И. Договорные отношения по использованию изобретений в РФ: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 2002.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова; 1996 й., 11-12-сон, 1-модда.

⁶ Евсеева Л.А. Правовое регулирование инновационной деятельности: Дис. канд. юрид. наук. - М., 2005; Звездкина А.С. Инновационная деятельность в России: проблемы правового регулирования: Дис. канд. юрид. наук. - М., 2005.

⁷ Усольцева С.В. Результаты интеллектуальной деятельности как правовая категория: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - Томск, 1997; Богатова Л.Ю. Права авторов произведений науки, литературы и искусства: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 1998; Калятин В.О. Право использования произведения: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 1999; Дельцова И.В. Объекты интеллектуальной собственности: система признаков и система правового регулирования: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - Самара, 2004 ва бошқ.

⁸ Павлов А.В. Договорные отношения по использованию прав на изобретение в РФ: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 1997; Верша О.В. Лицензионные договоры на объекты интеллектуальной собственности и информацию: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 1997; Буй Данг Хъеу. Гражданско-правовой договор в российском законодательстве. Договор на объекты интеллектуальной собственности: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 1998; Маркеев Л.И. Договорные отношения по использованию изобретений в РФ: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 2002 ва бошқ.

⁹ Гупин В.П., Киселев И.И., Ляпина С.Ю. Теория инноваций и практика инновационной деятельности: проблемы и направления развития // Инновации в науке, образовании и производстве: Труды СПб ГТУ № 492 / под ред. В. Г. Колосова, И. Л. Тутекея. - СПб.: Изд-во политехнич. ун-та, 2004. - 79-б.

¹⁰ Протасов В.И. Что и как регулирует право: Учеб. пособие. - М.: Юрист, 1995.

¹¹ Агарков М.М. Избранные труды по гражданскому праву. - М., 2003. Т. 1. - 188-197-б.

¹² Мозолин В.П. О дальнейших путях развития гражданского права // Журнал российского права. 2007. № 3.

Бекзод МУСАЕВ,
Тошкент давлат юридик университети
"Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи"
кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ МЕҲНАТИНИ КОЛЛИЗИОН ТАРТИБГА СОЛИШ ТУШУНЧАСИ, ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА ТАСНИФИ

- ◆ Мақолада Ўзбекистонда чет эл фуқароларининг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари ёритиб берилган.
- ◆ В статье раскрываются теоретические и практические проблемы регулирования трудовых правоотношений иностранных граждан в Узбекистане.
- ◆ The article describes the theoretical and practical problems of regulation of labor relations of foreign citizens in Uzbekistan.

Таянч сўзлар: меҳнат муносабатлари, халқаро хусусий ҳуқуқ, коллизия нормалар.

Ключевые слова: трудовые отношения, международное частное право, коллизионные нормы.

Key words: labor relations, private international law, conflict of laws rules.

Чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатлари, халқаро ҳуқуқ нормаларидан ташқари давлатнинг ички қонунчилиги билан ҳам тартибга солинади. Турли давлатларнинг қонунчилиги ва амалиётида, шунингдек, халқаро келишувларда меҳнат муносабатлари соҳасида турли коллизия нормалардан фойдаланилади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган коллизия тамойиллар меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг таркиби ва уларнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда ўзига хос тамойиллар гуруҳини ташкил қилади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган халқаро меҳнат муносабатларида "чет эл элементи" ушбу муносабатларнинг субъекти сифатида (чет эл фуқароси саналган ходим, чет эл давлатига тегишли бўлган иш берувчи) ва объекти сифатида (чет эл давлатида амалга ошириладиган меҳнат фаолияти) ҳам намоён бўлиши мумкин¹.

Халқаро хусусий ҳуқуқ назариясида коллизия норма деганда, одатда тегишли чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларга нисбатан қайси давлат ҳуқуқининг қўлланилиши-

ни белгилаб берувчи норма тушунилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ назариясида коллизия нормаларнинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, ушбу нормаларнинг ҳаволаки эканлиги билан тавсифланади. Қайд этиш лозимки, коллизия норма вужудга келган масалани бевосита ҳал қилишга қаратилмайди, ушбу норма билан вужудга келган муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилмайди. Балки, ушбу коллизия нормада аниқ бир тоифадаги муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ваколатли давлатнинг ҳуқуқи (ҳуқуқий тартибот) кўрсатилади. Иккинчи навбатда эса, коллизия норма ҳавола қилинаётган давлатнинг моддий нормалари билангина қўлланилади².

Халқаро хусусий ҳуқуқ назариясида коллизия нормаларнинг тузилиши юзасидан деярли бир хил ёндашув шаклланган бўлиб, унга кўра, коллизия норма икки қисмдан, яъни ҳажм ва боғловчидан иборатдир.

Коллизия норманинг ҳажми ушбу коллизия нормалар татбиқ қилинадиган тегишли ҳуқуқий муносабатни белгилаб берса, боғловчи эса ушбу

муносабат турига нисбатан қўлланиладиган давлат ҳуқуқини (ҳуқуқий тизим) белгилаб беради.

Халқаро хусусий ҳуқуқ назариясида ташқи коллизия нормаларни яратиш усулидан келиб чиққан ҳолда икки асосий — миллий ва унификация қилинган (халқаро) категория ажратиб кўрсатилади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган миллий коллизия нормалар алоҳида давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизими доирасида мустақил ишлаб чиқилади ва бир томонлама тартибга солиш характерига эга.

Халқаро (унификация) қилинган коллизия нормалар икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги натижасида яратилиб, халқаро шартнома ва конвенцияларда акс эттирилади.

Юқоридаги тушунчаларга берилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда, биринчи гуруҳ коллизия нормаларни биз бир томонлама халқаро коллизия нормалар, деб қабул қилсак, иккинчи гуруҳ коллизия нормалар эса — халқаро кўп томонлама коллизия нормалар гуруҳини ташкил қилади, деб қайд этиш мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг назарий қарашларида чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи бир қатор коллизия тамойиллар қайд этилади. Жумладан, ҳуқуқни эркин танлаш (*lex voluntatis* — эрк мухторияти); меҳнат жойи мамлакати ҳуқуқини қўллаш (*lex loci laboris*); байроқ қонуни (*lex flagi*); иш берувчининг фуқаролик қонунчилиги (*lex patriae, lex nationalis*); меҳнатга ёллаш шартномаси тузилган давлат қонунчилиги (*lex loci contractus*) ва бошқалар³.

Халқаро бир томонлама коллизия нормалар қонун чиқарувчи томонидан мамлакатимиз ҳудудида чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига нисбатан Ўзбекистон фуқаролик ва меҳнат қонунчилигида бевосита мустақамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг VI бўлими халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилинишига бағишланган бўлиб, мазкур бобда чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларга нисбатан ҳуқуқни қўллашга доир коллизия нормалар белгиланган.

Қайд этиш лозимки, гарчи чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солувчи коллизия тамойиллар қонунчилигимизда мавжуд бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва меҳнатга оид бошқа қонунчилигимизда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган меъёрлар ва коллизия боғловчилар етарли даражада мустақамланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси нормаларига эътибор қаратадиган бўлсак, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган нормалар алоҳида махсус модда тариқасида баён қилинмаган. Меҳнат кодексининг Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши номли 11-моддасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади, деб белгилаб қўйилган⁴.

Ушбу нормадан келиб чиқадики, Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш ҳеч қандай истисноларсиз Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади, деган бир томонлама коллизия норма баён қилинган.

Шу билан бирга, Меҳнат кодексининг 12-моддасида чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилади, деган қоида ўрнатилганлиги Ўзбекистон ҳудудидаги барча меҳнат муносабатларини тартибга солиш Ўзбекистон ҳуқуқига бўйсундирилганлигини англатади.

Эътибор қаратиш лозимки, юқоридаги Меҳнат кодекси моддаларидан бошқа нормаларда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қоидалар назарда тутилмаган. Ушбу нормалар ўзбекистонлик иш берувчига тегишли корхона, муассаса, ташкилотларда меҳнат қилаётган чет эл фуқароларига, шунингдек, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарда меҳнат қилаётган Ўзбекистон ва хорижий давлатлар фуқароларига ҳам татбиқ қилинади. Ушбу қоида меҳнат жойи мамлакати ҳуқуқи коллизия тамойилини (*lex loci laboris*) ўзида ифодалайди. "*lex loci laboris*" — ушбу тамойил асосида меҳнат жойига мамлакат ҳуқуқи қўлланилади. Бунда меҳнаткашларнинг меҳнат фаолияти олиб борилаётган давлатнинг ҳуқуқини қўллаш назарда тутилмоқда⁵. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1190-моддаси 3-қисмида "*lex loci laboris*" тамойилига асосан норма белгиланган бўлиб, унга кўра, "ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатиб ўтилмаган шартномаларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, бундай шар-

тноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони амалга ошираётган тараф таъсис этилган, турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлла-нилади"⁶.

Меҳнат муносабатларига нисбатан қўлланиладиган экстерриториаллик мезони ходим ва иш берувчи (чет элда хизмат қиладиган дипломатик вакиллар) фуқароси саналган давлатнинг ҳудудидан ташқарида амалга оширадиган меҳнат фаолиятига нисбатан фақат ўз давлати қонунларига бўйсуниб ҳуқуқини назарда тутати. Бизнингча, ушбу коллизия нормаларни меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни дифференциация қилиш натижасида юзага келган қоидалар сифатида баҳолаш мумкин.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Меҳнат кодексида чет эллардаги дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасаларида, шунингдек, савдо ваколатхоналарида меҳнат қиладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат фаолиятини тартибга солишга қаратилган нормалар назарда тутилмаган.

Бу борадаги коллизия нормаларни Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида шакллантириш борасидаги тақлифларни ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

М.В.Лушникованинг фикрича, энг кенг тарқалган коллизия нормаларга муқобил коллизия норма сифатида бугунги кунда *lex voluntatis* — эрк мухторияти (тарафларнинг ўз хоҳиш-иродасига биноан меҳнат шартномасига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни англаши) тамойили кенг тарқалмоқда⁷.

Бунда тарафлар қонунчиликни эрк мухторияти тамойиллари асосида ўз ихтиёрлари бўйича ҳуқуқ тизимини танлашлари ва шартнома мазмунини белгилаб олишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1189-моддасида юқоридаги тамойилнинг умумий қоидаларини кузатишимиз мумкин. Жумладан, мазкур моддада "шартнома, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кўра танланган мамлакат ҳуқуқи билан тартибга солинади"⁸.

Аммо, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларининг хусусиятлари ҳамда оммавий-ҳуқуқий характерини ҳисобга олган ҳолда *lex voluntatis* — эрк мухторияти тамойилининг татбиқ қилиниши кўплаб давлатларда чекланган⁹. Ушбу чекланиш айниқса, чет эллардаги дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасаларида, савдо ваколатхоналарида меҳнат қиладиган шахсларнинг, шунингдек, денгиз, ҳаво ва темирўл транспортида меҳнат қиладиган шахсларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солишда яққол намоён бўлади. Ушбу шахсларнинг меҳнат фаолияти уларнинг шахсий қонуни саналган

давлатларнинг қонунчилигига биноан бир томонлама коллизия нормалар асосида тартибга солинади. Бу ерда махсус коллизия нормалар ҳақида сўз юритилмоқда.

Шу билан бирга, қайд этиб ўтилган бир томонлама характердаги коллизия тамойиллар чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни тўлиқ ҳал қилиш имкониятини яратмайди.

И.Я.Киселев таъкидлаганидек, давлатларaro чет эл элементи билан мураккаблашган халқaro меҳнат муносабатларининг кенгайиб бориши, мазкур соҳада жиддий қонун ижодкорлик ишларини амалга оширишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда¹⁰.

Шу билан бирга, хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатлари махсус халқaro хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунлар ёрдамида (Австрия, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия ва бошқалар) ёки Фуқаролик кодекси (Албания, Германия, Канада ва бошқалар) билан тартибга солинади¹¹.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон миллий қонунчилигида чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган коллизия нормалар етарли даражада назарда тутилмаган. Миллий қонунчиликни ўрганиб чиққан ҳар қандай шахс юқорида таҳлил қилинган коллизия тамойиллар қонун нормаси шаклида белгилаб берилмаган, деган хулосага келиши мумкин.

Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тақлиф ва мулоҳазаларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг VI бўлими "Халқaro хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш" деб номланган бўлиб, ўзида чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи коллизия нормаларни белгилаб берган бўлса-да, лекин меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи коллизия нормаларни белгилаб бермайди. Бундай ҳолатларда ушбу коллизия нормаларни аналогия қоида-сига риоя қилган ҳолда тармоқларaro соҳа саналган халқaro меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилишни унчалик мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайман.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан фарқли равишда меҳнат муносабатлари хусусий ва оммавий хусусиятларни ўзида умумлаштирган бўлиб, меҳнат муносабатларининг ажралмас хусусияти сифатида ходимнинг меҳнат ҳуқуқларининг муҳофазасини таъминлашни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган коллизия нормаларни назарда тутувчи ўзгартиш ҳамда қўшимчаларни киритиш орқали ҳал қилиш талаб қилинади;

Иккинчидан, халқаро меҳнат муносабатлари меҳнат шартномаси асосидаги индивидуал шаклда ҳам, жамоавий шаклда ҳам вужудга келиши мумкин. Шу билан боғлиқ равишда, халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги кўплаб мутахассислар қайд этишича, мулкӣ ва мажбурият муносабатларига йўналтирилган замонавий халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий категорияларидан бири саналган халқаро меҳнат муносабатлари чет эл элементи иштирокидаги жараёнлардан ўтган ҳолда, янги мазмун касб этиб бойиб бормоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тақлиф қилинган қонунчилик ташаббусида қўшимча ва махсус коллизия норма сифатида ҳуқуқни эркин танлаш (*lex voluntatis* — эрк мухторияти); байроқ қонуни (*lex flagi*); иш берувчининг фуқаролик қонунчилиги (*lex patriae, lex nationalis*); меҳнатга ёллаш шартномаси тузилган давлат қонунчилиги (*lex loci contractus*), хизмат сафарига юборилган давлат қонунчилиги (*lex loci delegationis*) ва бошқаларни назарда тутиш имкониятини кўриб чиқиш лозим;

Учинчидан, бизнингча, бугунги кунда амалдаги Меҳнат кодексига махсус "Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш" деб

номланган бўлимни киритиш учун барча ҳуқуқӣ ва ижтимоӣ-иқтисодӣ асослар мавжуд. Ушбу бўлим камида уч бобни, хусусан, "Умумий қоидалар" (чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини ҳуқуқӣ тартибга солувчи режимлар: миллий режим, камситишларга йўл қўймаслик, энг кўп қулайлик яратиш, ўзаролик режими; императив нормаларни қўллаш; оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ ва бошқалар); "Меҳнат шартномасига асосланган индивидуал меҳнат муносабатларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ"; "Жамоавий меҳнат муносабатларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ" каби бобларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, миллий қонунчилигимизда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига нисбатан қўлланиладиган эрк мухторияти тамойилини чекланган тарзда, яъни тарафлар томонидан танланган давлатнинг ҳуқуқи, агар меҳнат шартномасида ҳуқуқ танланмаган тақдирда қўлланиладиган давлатнинг императив нормалари билан ўрнатилган ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини чекламаган ёки ёмонлаштирмаган тақдирда қўлланилади, деган шарт билан татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Агар тарафлар меҳнат шартномасида қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаб олишмаган бўлса, бундай ҳолатларда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига нисбатан меҳнат фаолияти амалга ошириладиган давлат қонунчилиги (*lex loci laboris*) ёки бошқа махсус коллизия тамойиллар татбиқ қилиниши мақсадга мувофиқ.



¹ Киселев И. Я. Труд с иностранным участием (правовые аспекты). М., 2003. - С. 7; Шестерякова И. В. Международно-правовое регулирование труда. Саратов, 2004. - С. 18.

² Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. -М.: Норма: ИНФРА-М, 2012. - 704 с.; Ануфриева Л. П. и др. Международное частное право / Отв. ред. Г. К. Дмитриева. М., 2005. - С. 117.

³ Халқаро хусусий ҳуқуқ // Ҳ.Р. Раҳмонқулов ва бошқ. -Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. - 448 б.; Проблемы международного частного права. // Под ред. Н.И.Марышевой. - М.: 2000. - 218 с.; Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. -М.: Норма: ИНФРА-М, 2012. - 704 с.; Скачкова Г.С. Труд иностранцев в России: правовое регулирование: Научно-практическое пособие. М., 2006. Киселев И.Я. Труд с иностранным участием (правовые аспекты). М., 2003.; Ерпылева Н.Ю., Гетьман-Павлова И.В. Проблемы кодификации российского законодательства по международному частному праву / Адвокат, 2008. № 1. - С.24.; Федосеева Г.Ю. Международное частное право. Учебник, Eckto Education, М., 2005. - С.239.; Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3 т. -М.: Спарк, 2002. - 1007 с.; Международное частное право / Под ред. Г. К. Дмитриевой. М., 2000. - С. 514, 515.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова.

⁵ Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. -М.: Норма: ИНФРА-М, 2012. - 704 с.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 11-12.

⁷ М.В.Лушникова. Коллизийный метод регулирования трудовых отношений с иностранцами // "Законодательство и экономика", 2008, - № 7. - С. 7-9

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 11-12.

⁹ Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. -М.: Норма: ИНФРА-М, 2012. - 704 с.

¹⁰ Киселев И.Я. Труд с иностранным участием: Правовые аспекты. -М.: МЦФЭР, 2003. - 302 с.

¹¹ Трудовое и социальное право зарубежных стран. (Под ред. Э.Б.Френкель). - М.: Юристъ, 2002. - 687 с.

Миркомил НУРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
Божхона текширувлари ва суриштирув бошқармаси
бош инспектор-суриштирувчиси

БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

◆ Мақолада "божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" жинояти ва уни квалификация қилишнинг ўзига хос айрим жиҳатлари таҳлил қилинган бўлиб, қонун нормаларини амалиётда қўллаш бўйича мулоҳазалар баён қилинган.

◆ В статье анализируется состав преступления "нарушение таможенного законодательства" касательно применения на практике, а также рассматриваются некоторые вопросы квалификации данного преступления и высказаны мнения по дальнейшему совершенствованию практического применения законодательства.

◆ The article analyzes the elements of offense "violation of customs legislation" on the application in practice, as well as discusses some issues to the offence qualification and gives proposals for the further improvement of practical application of the legislation.

Таянч сўзлар: божхона, декларация, иқтисодиёт, товар, божхона назорати.

Ключевые слова: таможня, декларация, экономика, товар, таможенный контроль.

Key words: Customs declaration, the economy, the goods, the customs control.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш ва ички ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида товар-моддий қимматликларнинг Республикага олиб кирилиши ва ундан олиб чиқилиши тартиб-қоидалари белгиланади.

Шу билан биргаликда, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда экспорт-импорт қилиш орқали мўмайгина ноқонуний даромад топишга уринадиган жиноий элементлар ҳам топилиб туради. Бундай элементларнинг фаолиятига чек қўйиш, айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишлар самарадорлигини доимий равишда ошириб бориш талаб этилади.

Кейинги вақтларда бундай жиноятларни содир этиш усул ва услубларининг ўзгариб бориши, бу жараёнда янги технологияларнинг қўлланилиши қонунни тўғри талқин қилиш, ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни юридик тўғри баҳолаш ва жиноятларни тўлиқ фош қилишда қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Шунга кўра, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятига ҳамда ушбу жиноят

таркиби элементларига тўғри ҳуқуқий тавсиф бериш ҳуқуқбузарлик ҳолатларини тўғри малакалаш ва шу орқали жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддасида, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, моддий қимматликка эга бўлган ашёларни Ўзбекистон божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ равишда содир этиладиган жиноят ва уни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур қонуннинг диспозитив нормасига кўра, жиноят формал таркибли жиноят ҳисобланади, яъни жиноят тугалланган деб топилиши учун бирор оқибат юз бериши талаб этилмайди, фақат қонун нормасида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Шунга асосланган ҳолда, адабиётларда мазкур жиноятнинг объекти тариқасида товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказишнинг белгилаб қўйилган тартиби ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг

асослари ҳисобланиши кўрсатилади¹.

Бу жиноят натижасида зарар етказиладиган ижтимоий муносабатларни кўриб чиқадиган бўлсак, жиноятни содир этиш натижасида:

— божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга қўйилган божхона тўловлари давлат бюджетига келиб тушмаслиги;

— божхона тўловлари ундирилмаган товарларнинг ички бозорда арзон (тўланмаган божхона тўловлари ҳисобига) нархларда сотилиши натижасида миллий товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлиги тушиши;

— мамлакатдан олиб чиқилиши тақиқланган, шу жумладан стратегик аҳамиятга эга бўлган (масалан буғдой, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, рангли металллар, нефт маҳсулотлари ва ҳ.к.) товарларнинг Республика ҳудудидан чиқиб кетиши;

— мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва иқтисодий сиёсатдан кўзланган мақсадларга эришишда қийинчиликлар вужудга келтириши мумкин.

Кейинги пайтларда мамлакатимиз ҳудуди орқали транзит ҳаракатланишда товарлар ёки бошқа қимматликларни тегишли йўл-юк ҳужжатларида кўрсатмасдан олиб ўтиш ҳолатлари учрамоқда.

Бир қарашда, транзит ҳаракатланишда товарларга тегишли ҳужжатлар бор-йўқлигининг Ўзбекистон Республикаси учун аҳамияти йўқдек кўринади. Бу эса, бундай ҳолатда жиноят аломати йўқ деган фикрни ҳосил қилади.

Шундай бўлса-да, товарларни ҳужжатларда кўрсатмасдан транзит олиб ўтилишига йўл қўйилиши уларнинг Республика ички ҳудудида тушириб қолинишига йўл очиб беради. Бу ўз навбатида, ноқонуний импорт, мамлакат учун юқорида кўрсатилган оқибатларни келтириб чиқариб, товарлар ҳужжатларда кўрсатилмаганидан сўнг уларнинг йўл-йўлакай тушириб қолинганлигини исботлаш имкониятини ҳам чеклайди.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг предметлари товарлар ёки бошқа қимматликлар бўлиб, уларнинг қиймати ҳуқуқбузарликни квалификация қилишда аҳамиятга эга.

Божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товарлар қийматини аниқлашда ушбу товарларнинг жиноят содир этилган вақтдаги бозор қийматидан келиб чиқилиши лозим².

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришига мувофиқ³, муқаддам божхона расмийлаштирувидан ўтказилган товарлар юзасидан содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича баҳоланиши лозим бўлган товарлар амалда мавжуд бўлмаган ҳолатларда жиноят предметлари қиймати сифатида муқаддам расмийлаштирилган декларацияларда кўрсатилган уларнинг бож-

хона қиймати тан олинади. Амалда мавжуд бўлмаган товарлар қийматини бошқача усулда аниқлаш мумкинлиги эса, Олий суд Пленумининг тушунтиришларида ҳам, илмий адабиётларда ҳам кўрсатилмаган. Фикримизча, амалда мавжуд бўлмаган товарлар қийматини Олий суд Пленуми тушунтиришидан бошқача усулда аниқлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Маълумки, жиноятни квалификация қилувчи асосий белгилар, ЖКнинг тегишли диспозитив нормаларда қайд этилган. Жумладан, объектив томондан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти ЖК 182-моддаси диспозицияларида назарда тутилган 9 та усулда содир этилиши мумкин.

Хусусан, қуйидаги ҳаракатларни содир этиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликни вужудга келтиради:

— божхона назоратини четлаб товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

— божхона назоратидан яшириб товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

— божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

— товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан декларациясиз ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

— бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса.

Шунингдек, қуйидаги ҳаракатларни содир этиш ЖК 182-моддасининг 2-қисми билан жиноий жавобгарликни вужудга келтиради:

— божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса;

— божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш чегарани бузиб ўтиш, яъни товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонун меъёрларини бузган ҳолда очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан содир этилган бўлса;

— божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

— божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса.

ЖК 182-моддасининг яна бир жиҳатига тўхталиш жоиз бўлиб, у ҳам бўлса модда 2-қисмининг 1-қисмига боғланишидир. Модданинг 1-қисми диспозициясида "божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" тушунчасига таъриф берилмаган, товарлар ёки бошқа қимматликларни божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиш усуллари кўрсатилган. Модданинг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи 2-қисмида эса "божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" жумласидан фойдаланилган бўлиб, унинг мазмуни очиб берилмаган. Бу эса, мазкур жумлани кенг талқин қилиш имкониятини беради. Шунга мувофиқ, мисол учун қилмишни ЖК 182-моддаси 2-қисми "а" банди (жуда кўп миқдор) билан квалификация қилиш учун божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳар қандай усулда (модда 1-қисмида назарда тутилганидан ташқари ҳам) жуда кўп миқдорда содир этилиши талаб қилинади деган фикрни ҳосил қилади.

Шунга кўра, мазкур норма талабини талқин қилишда турлича ёндашувлар бўлмаслиги учун ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми диспозициясидаги "божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" сўзларини "ўша ҳаракатлар" жумласи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, ЖК 182-моддаси диспозицияларида жиноят деб топиллиши лозим бўлган аниқ ижтимоий хавфли қилмишлар рўйхати келтирилган бўлса-да, қўлланилган баъзи юридик атамалар мазмунига тўхталиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, товарларни божхона назоратидан яшириш деганда, божхона назоратидан ўтказиш давомида уларни топишни қийинлаштириш ёхуд уларнинг асл хусусияти ёки миқдорини яширишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар тушунилади.

Товарларни топишни қийинлаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларга:

— товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш учун махсус тайёрланган ёки мослаштирилган хуфия жойларга жойлаштириш,

— жиноят предметларини одам танасида яшириш тушунилади.

Хуфия жойлар деганда чемоданлар, сумкалар, транспорт воситалари, контейнерлар ва бошқа ташиш воситаларининг конструкциявий (тузилиш) хусусиятига кўра, ашёларни сақлаш ёки ташишга мўлжалланмаган бўшлиқлари, деворлари (рамалари) оралари тушунилади.

Махсус тайёрланган жойлар деганда, транспорт воситалари, контейнерлар, чемоданлар, сумкалар ва бошқа ташиш воситаларининг конструкциявий тузилишига ўзгартиришлар киритиш орқали ушбу воситаларни товарларни яшириш мосламалари билан жиҳозлаш тушунилади.

Товарларнинг асл хусусияти ёки миқдорини яширишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларга:

— товарларга бошқа товарларнинг кўринишини бериш;

— товарларни бир-бирининг ичига жойлаштириш киради.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний шахслар томонидан товарлар ёки бошқа ашёларни уларни ташишга мўлжалланган ва божхона органи мансабдор шахсига божхона назоратидан ўтказиш учун тақдим қилинган предметларда, кийимида, қўл юкида уларни топишни қийинлаштирмаган ҳолда божхона чегарасидан ўтказилиши ўз мазмунига кўра божхона назоратидан яшириб ўтказиш деб ҳисобланмаслиги зарур.

Қонун нормасининг ўзбекча матнида, божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш жумласи келтирилган бўлиб, жумла қонуннинг рус тилидаги матнида бироз бошқача берилган. Яъни рус тилидаги жумла "ҳужжатлар ёки божхона воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланиш" тариқасида таржима қилиниши мумкин. Шунга кўра, қонун нормасининг рус ва ўзбек тилидаги матнларини бирхиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Декларацияламаслик ҳамда бошқа ном билан декларациялаш жумлалари бироз вақт давомида мунозарага сабаб бўладиган жумлалар ҳисобланган бўлиб, Олий суд Пленумининг юқорида келтирилган қарори қабул қилиниши бундай мунозараларни тўхтатди.

Товарларни декларацияламасдан божхона чегарасидан ўтказиш товарларни олиб кириш ёки олиб чиқиш (чиқариш), уларни танланган божхона режими остига жойлаштириш, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган товарлар ҳақидаги маълумотларни божхона декларациясида қасддан баён қилмасликни назарда тутди.

Бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб товарларни божхона чегарасидан ўтказиш деганда, божхона декларациясида ёки декларациялашнинг бошқа белгиланган шаклида товарлар (номланиши, сифати ва хусусиятларини ўзида акс эттирувчи маълумотлар, шу жумладан, уларнинг ТИФ ТН кодлари⁴), божхона режими тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни акс эттириш тушунилади⁵.

ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми "г" бандида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир эт-

ганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Олий суд Пленумининг юқорида келтирилган қароридан, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини ўз хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этган мансабдор шахс деб, хизмат бурчига кўра божхона чегараси орқали ўтказилаётган товарлар устидан божхона назоратини (ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш, оғзаки сўров, божхона кўриги, божхона қиёслаши, товарлар ҳисобини юритиш) амалга оширишга мажбур шахс топилиши лозимлиги тушунтирилган. Фикримизча, тушунтиришда бундай шахсларнинг доираси чеклаб қўйилган.

Кўриб чиқилаётган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, юқорида кўрсатилганидек, ушбу жиноят махсус субъектлар томонидан ҳам содир этилиши мумкин.

ЖКнинг 182-моддасида назарда тутилган жиноят субъектив томондан қасддан содир этилади.

⁵ Проведённый нами социологический опрос подтверждает это. Так, на вопрос "Приходилось ли вам в своей профессиональной деятельности сталкиваться с анализируемым преступлением?" респонденты - предприниматели, представители банковского бизнеса, сотрудники правоохранительных органов - ответили следующим образом: 64% предпринимателей с той или иной периодичностью сталкиваются с рассматриваемым явлением, между тем, как только 35% опрошенных сотрудников ПО анализируемые деяния попадали в поле профессиональной деятельности. На вопрос "Как бы Вы поступили, если бы анализируемое преступление было совершено в отношении Вас или представляемой Вами фирмы?" предприниматели ответили так: 54% опрошенных обратились бы туда за помощью и соответственно 46% разобрались бы "своими силами" или воспользовались услугами частных детективных и охранных предприятий или представителей преступных группировок. Таким образом, около половины опрошенных предпринимателей не стали бы обращаться в правоохранительные органы, ведь в случае, если дело получит огласку в ходе следствия и суда, фирма или банк может окончательно подорвать свою деловую репутацию, увеличив тем самым причиненный ущерб.

⁶ Несколькими месяцами ранее Международная федерация автоспорта (FIA) рассмотрела дело о промышленном шпионаже, по которому в качестве обвиняемых проходили сотрудники команды "Формулы-1" McLaren. Вердикт FIA является беспрецедентным в истории спорта: McLaren лишен всех очков, полученных в Кубке конструкторов, и оштрафован на \$100 млн. Впрочем, команда может считать, что еще легко отделалась. Ведь ей грозило исключение из числа участников чемпионата. Коммерческий шпионаж: самые известные скандалы последних лет. 11.04.2011. <http://www.rb.ru/inform/44717.html>.

⁷ Принимая во внимание все виды промышленного шпионажа, представители американской разведки предположительно оценивают потери в продажах из-за незаконного присвоения технологий и бизнес-идей в \$100-250 млрд в год. General Motors, Ford, General Electric, Intel и Boeing входят в число американских компаний, пострадавших от промышленного шпионажа, хотя никто не хочет лишиться раз обсуждать детали. В Европе озабоченность по поводу потери технических ноу-хау привела к тому, что от комиссии ЕС в Брюсселе потребовали создать группу для мониторинга иностранной инвестиционной активности. Коммерческий шпионаж: самые известные скандалы последних лет. <http://www.rb.ru/inform/44717.html>.

⁸ Из наиболее известных пострадавших - Google. В прошлом году компания стала объектом сложной хакерской атаки в Китае: нападавшие присвоили некоторые коды поисковика Google, важную составляющую интеллектуальной собственности компании. Google позднее уведомила более десятка других компаний, что они также стали жертвами атаки. Позднее сторонние исследователи пришли к выводу, что атаке подверглись более 100 компаний, в том числе большой инвестиционный банк, производитель высокотехнологичного оборудования, производители программного обеспечения и военные подрядчики. Среди тех, на кого обратили внимание китайцы, - Symantec, Adobe Systems и Northrup Grumman. Во всех случаях целью атак была интеллектуальная собственность, в том числе коды программного обеспечения, дизайн микропроцессоров и т. д. См. подробнее: Ефремов А. А. КиберФемида и принципы правосудия// ИнфоБизнес online. 2000. 4 окт. <http://www.ibo.ru/online/legal-deal/4688>; Ефремов А. А. Правовые аспекты применения информационных технологий при осуществлении правосудия Российской Федерации// Третья всероссийская конференция "Право и Интернет: теория и практика". - М., 2000. - С. 58-60.

⁹ Прим. автора: По оценкам психологов, до 25 % всех служащих фирм, стремясь зарабатывать средства любыми способами и любой ценой зачастую в ущерб интересам своей фирмы, ожидают удобного случая для разглашения коммерческих секретов, их продажи.

¹⁰ Иванченко Р. Б. Уголовно-правовая защита коммерческой, налоговой и банковской тайн: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2003. - С. 28.

¹¹ Куликов А. О коммерческой и служебной тайне // Хозяйство и право, 2002. - № 11.

¹² Шлыков В.В. Комплексное обеспечение экономической безопасности предприятия. - СПб: "Алетейя", 1999, - С. 78-82.

¹³ Закон РФ "О частной детективной и охранной деятельности в Российской Федерации" // Ведомости СНД РФ и ВС РФ, 1992. - № 17. - Ст. 888.

¹⁴ Семь мифов о коммерческой разведке. 06.03.2011. <http://lemgen.livejournal.com/7879.html>.

Икром ФАЗИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
катта илмий ходим-изланувчиси

ОДАМ САВДОСИ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИГА ОИД АЙРИМ МУАММОЛАР

- ◆ Мақолада одам савдоси объектив томонига доир айрим муаммолар таҳлил қилинган. Уларнинг ечимлари бўйича илмий асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган.
- ◆ В статье анализируются проблемы, касающиеся уголовно-правового определения объективная сторона торговли людьми, сформулированы научно обоснованные предложение по их разрешению.
- ◆ The article deals with the problems of criminal legal characteristics of objective side of human trafficking and grounded proposals and conclusions are elaborated on their solution.

Таянч сўзлар: одам савдоси, одам савдосининг объектив томони, одам савдоси объектив томонининг жиноят-хуқуқий тавсифи.

Ключевые слова: торговля людьми, объективная сторона торговли людьми, уголовно-правовое определение объективная сторона торговли людьми.

Key words: human traffic, objective side of human trafficking, criminal legal characteristics of objective side of human trafficking.

Ҳар қандай жиноят таркиби каби одам савдосининг объектив томони деганда, "жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи ҳолатини тавсифловчи белгилар йиғиндиси"¹ни тушуниш мумкин.

Объектив томонининг тузилиши бўйича одам савдоси формал таркибли жиноят ҳисобланади². Ҳар қандай формал таркибли жиноятнинг объектив томони зарурий белги сифатида қандайдир жиний оқибатларни эмас, балки ижтимоий хавфли қилмишни назарда тутуди³.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддаси 1-қисмининг диспозициясига кўра, одам савдосининг объектив томони қуйидаги муқобил ижтимоий хавфли қилмишларда намоён бўлади: 1) одамни олиш-сотиш; 2) одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш; 3) одамни ундан фойдаланиш мақсадида ташиш; 4) одамни ундан фойдаланиш мақсадида топшириш; 5) одамни ундан фойдаланиш мақсадида қабул қилиш; 6) одамни ундан фойдаланиш мақсадида яшириш.

Одам савдосининг объектив томонини ташкил қилувчи 1-5-қилмишлар фақат ҳаракат орқали, 6-қилмиш эса ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик (жабрланувчини озод қилишни рад этиш) орқали содир этилиши мумкин. Шунингдек, одам

савдосининг объектив томонини ташкил қилувчи ижтимоий хавфли қилмишларнинг бир нечтаси бир вақтнинг ўзида ҳам содир этилиши мумкин.

Таҳлилларнинг далолат беришича, жиноят қонунда одам савдосининг объектив томонини ташкил қилувчи қуйидаги қилмишлар учун жавобгарлик белгиланмаган: 1) одамга нисбатан қонунга хилоф битимларни амалга ошириш; 2) одамни эксплуатация қилиш мақсадида сақлаш.

Жиний таъқиб доирасидан четда қолаётган одам савдосининг объектив томонини ташкил қилувчи ушбу қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддаси 1-қисмининг диспозициясидаги "одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш" деган сўзларни "одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш" деган сўзлар билан алмаштиришни, шунингдек, ушбу модда 1-қисмининг диспозициясини "одамни эксплуатация қилиш мақсадида сақлаш", деган сўзлар билан тўлдиришни таклиф этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддаси 1-қисмининг диспозициясидаги "одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш" деган сўзларни "одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш" деган сўзлар билан

алмаштириш таклифи қуйидагилар билан асосланади:

биринчидан, ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чоралари самарадорлигини оширишнинг янги шакл ва усулларини излаб топишга мажбур этмоқда. Бироқ ўтмиш тажрибасини ҳам унутмаслик лозим, чунки тўпланган кўпгина тажрибалар ҳамон ўз қимматини йўқотмаган. Ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш лозим. Ўтказган тадқиқотларимизнинг гувоҳлик беришича, Ислом динининг кириб келишидан то чор Россияси босқинигача бўлган даврда қул ва чўрилардан 15 га яқин битимларнинг предмети сифатида фойдаланилган (олиш-сотиш, ҳадя, ижара, қарз, мерос, гаров, алмашиш, айирбошлаш, тўлов предмети, вақфга бериш, никоҳ маҳри, қалини ёки сепига қўшиб бериш, садақа қилиб бериш ва бошқалар). Бугунги кунда ҳам амалиётда ушбу битимлардан аксариятининг содир этилиши кузатилмоқда.

Одам савдосига қарши кураш амалиётини ва илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида одамга нисбатан амалга ошириладиган қонунга хилоф битимларнинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин: а) одамни олиш-сотиш; б) одамни ҳадя қилиш, масалан, фарзандсиз оилаларга яқинлари фарзанд туғиб совға қилиши; в) одамни ижарага бериш, масалан, қўшмачилар фоҳишаларни бир-бирига ижарага бериши ёки уларни алмашиши; одам савдоси билан шуғулланувчилар жабрланувчиларнинг кўникма ва маҳоратларидан фойдаланиши, порнографик маҳсулот тайёрлаш, фоҳишаликда ёки бошқа шахвоний амалиётда фойдаланиш, тиламчилик қилиш учун бошқа шахсга вақтинча фойдаланиш учун бериши; г) одамни томонлар ўртасидаги бирор битим мажбуриятларини бажаришнинг кафолати сифатида қолдириш, масалан, гаров, ушлаб қолиш, жарима тўлови; д) одамни мерос қилиб қолдириш; е) одамдан тўлов предмети сифатида фойдаланиш, масалан, одамни қарзи эвазига бериш ёки қарзга бериш; ё) одамни топшириш ҳисобига бирор шахсий ёки мулкӣ шаклда фойда олиш, масалан, хизматда кўтарилиш, қарздан кечиш; ж) одамни моддий бойликка алмашиш; з) одамларни айирбошлаш, масалан, ўзаро келишув асосида бир ёки бир неча одамни бошқаларига айирбошлаш, икки оила ўртасида фарзандларни айирбошлаш.

Модомики, айбдор жабрланувчини қонунга хилоф равишда ҳар қандай битимнинг предмети сифатида бировга топшириши ёки бировдан қабул қилиши мумкин экан, юқорида келтирилган битимларнинг рўйхати тугал ҳисобланмайди. Бироқ, одамга нисбатан тузиладиган қонун-

га хилоф ҳар қандай битимни "одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш" тушунчаси ўз ичига қамраб олади.

Юқоридагиларга асосланиб, одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш деганда, одамни бошқа инсонга ёки моддий бойликка алмаштириш ёхуд одамни олиш-сотиш, ҳадя, ижара, гаров, мерос, қарз ёки бошқа ғайриқонуний битимнинг предмети сифатида ўзга шахсга топшириш ёки ундан қабул қилиш тушунилади, деган хулосага келиш мумкин;

иккинчидан, амалдаги жиноят қонунда одамга нисбатан амалга ошириладиган қонунга хилоф битимларнинг биттаси, яъни одамни олиш-сотиш учун жавобгарлик белгиланган. Одамга нисбатан амалга ошириладиган қонунга хилоф бошқа битимлар, масалан, одамни ижара, гаров, ҳадя, мерос, қарз, алмашиш, айирбошлаш ёки бошқа битимнинг предмети сифатида бировга топшириш ёки бировдан қабул қилиш эксплуатация қилиш мақсади билан қамраб олинмаса, Жиноят кодексининг 135-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқмайди. Бу эса "энг олий кадрят — инсон" ҳеч бир ҳолатда битим предмети ("тирик товар") бўлмаслиги керак, деган умумэтироф этилган қоидага мувофиқ келмайди. Жиноят кодекси 135-моддаси 1-қисмининг диспозициясида одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш учун жавобгарлик белгиланса ва у эксплуатация қилиш мақсади билан чеклаб қўйилмаса, одамни ҳар қандай қонунга хилоф битимнинг предмети сифатида бировга топширган ёки бировдан қабул қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш имкони юзага келади;

учинчидан, юқоридаги таклиф Жиноят кодекси 135-моддаси 1-қисмининг диспозициясини ҳалқаро талабларга тўлиқ мувофиқлаштирилишига хизмат қилади. Жумладан, "Қуллик тўғрисидаги конвенция (1926 йил 25 сентябрь)"нинг 1-моддасида⁴, "Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча конвенция (1956 йил 7 сентябрь)"нинг 7-моддасида⁵ "қул савдоси" тушунчасига берилган таърифларда ушбу тушунча ўз ичига тутқунни бировдан олиш ёки бировга бериш (сотиш, алмаштириш) билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни қамраб олиши таъкидланган. Шунингдек, "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига таллуқли факультатив протокол (2000 йил 25 май)"нинг 2-моддасида "бола савдоси" тушунчасига берилган таърифда ушбу тушунча ўз ичига болани бировга бериш воситаси бўладиган ҳар қандай акт ёки битимни қамраб олиши белгиланган⁶;

тўртинчидан, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни аниқлаш ва уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш — одам савдоси учун жавобгарлик белгилловчи нормаларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Илғор хорижий тажрибалар таҳлилининг кўрсатишича, одамни олиш-сотиб ёки унга нисбатан бошқа битимларни содир этиш — Беларусь (ЖК 181-м.)⁷, Қирғиз Республикаси (ЖК 124-м.)⁸, Қозоғистон (ЖК 128-м.)⁹, Украина (ЖК 149-м.)¹⁰, Россия (ЖК 127.1-м.)¹¹ жиноят қонунда одам савдосининг объектив томонини ташкил этувчи қилмишлардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддаси 1-қисмининг диспозициясини "одамни эксплуатация қилиш мақсадида сақлаш", деган сўзлар билан тўлдириш таклифи қуйидагилар билан асосланади:

биринчидан, одамни эксплуатация қилиш мақсадида сақлаш ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, одам савдосининг объектив томонини ташкил этувчи бошқа қилмишларга муқобил қилмиш ҳисобланиб, эксплуатация қилиш учун мўлжалланганлигини ёки эксплуатация қилинаётганлигини била туриб, ўзга шахсни муайян жойга жойлаштириш, тутқунликда ушлаб туриш ёки ўша жойда бўлишини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатларда намоён бўлади;

иккинчидан, илғор хорижий тажрибалар таҳлилининг далолат беришича, Озарбайжон (ЖК 144-1-м.)¹², Чехия (ЖК 232а-м.)¹³, Сербия (ЖК 388-м.)¹⁴, Черногория (ЖК 444-м.)¹⁵ жиноят қонунда одамни эксплуатация қилиш мақсадида сақлаш (тутқунликда ушлаб туриш) — одам савдосининг объектив томонини ташкил этувчи қилмишлардан бири сифатида белгиланган бўлса, Қозоғистон (ЖК 128-м.)¹⁶ жиноят қонунда одамни эксплуатация қилиш мақсадида бошқа қилмишларни содир этиш — одам савдосининг объектив томонини ташкил этувчи қилмишлар сафига киритилган.

Одам савдосининг тамом бўлиш вақти содир этилган қилмишни хатосиз квалификация қилинишига тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги "Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 12-сон Қарорининг 7-бандига кўра, "Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган жиноят таркиби формал бўлиб, жиноят одамни олиш-сотиб битими тузилган пайтдан ёки қонуннинг мазкур моддасида кўрсатилган бошқа қилмиш содир этилган пайтдан тугалланган ҳисобланади. Шу билан бирга, қилмишда айрим квалификация белгилари мавжуд бўлганда жино-

ятни тугалланган, деб топиш учун қонунда белгиланган оқибатлар (масалан, жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар) келиб чиққан бўлиши керак. Шунининг олдига олиш лозимки, айрим ҳолларда жиноятнинг тугалланиш пайти эксплуатация тугаган (масалан, жабрланувчи қочиб кетган, жиноятга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан барҳам берилган, жабрланувчи айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар томонидан озод қилинган ва ҳ.к.) вақт билан боғлиқ бўлади"¹⁷.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назариясига оид адабиётларда¹⁸ ҳам мазкур ёндашув ўз ифодасини топган.

Фикримизча, ушбу таърифда одамни олиш-сотиб шаклидаги одам савдоси одамни олиш-сотиб битими тузилган пайтдан тамом бўлиши белгиланганлигини маъқуллаб бўлмайди:

биринчидан, агарда сотувчи ва харидор ўртасида одамни олиш-сотиб тўғрисида келишилган (жиноий келишув тузилган), бироқ уларга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра режалаштирилган битим амалга оширилмаган бўлса, уларнинг қилмиши одамни олиш-сотиб шаклидаги одам савдосига тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши лозим (ЖК 25-м. 1-қ., 135-м.).

Чунки, ушбу ҳолатда одамни олиш-сотиб шаклидаги одам савдосини келгусида содир этиш учун шарт-шароит яратилади. Мисол учун, ҳомиладор аёл билан туғилажак фарзандини сотиб олиш ҳақида келишиш ёки аёл билан ҳомиладор бўлиб, бола туғиб сотиши ҳақида келишиш; иккинчидан, қуйидаги ҳолларда қилмиш одамни олиш-сотиб шаклидаги одам савдосини содир этишга суиқасд, деб баҳоланиши лозим (ЖК 25-м. 2-қ., 135-м.):

— агар, сотувчи жабрланувчини харидорга топширган, харидор эса ўз навбатида жабрланувчининг эвазига келишилган миқдордаги ҳақни сотувчига тўлиқ ёки қисман бермаган бўлса;

— агар, харидор жабрланувчининг эвазига келишилган миқдордаги ҳақни сотувчига берган, сотувчи эса ўз навбатида, жабрланувчини харидорга топширмаган ёки харидор жабрланувчини қабул қилмаган бўлса.

Чунки, ушбу ҳолатларда одамни олиш-сотиб шаклидаги одам савдосининг содир этилиши бошланган бўлса-да, айбдорларга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлади.

Афсуски, тергов-судлов амалиётида сотувчи жабрланувчи учун келишилган миқдордаги ҳақни тўлиқ ёки қисман олмаган бўлса-да, содир этилган қилмиш тугалланган жиноят сифатида баҳоланаётган ҳолатлар ҳам кузатилаётган;

учинчидан, одамни олиш-сотиб ягона қилмиш — жабрланувчини харидорга топшириб,

ҳақ олишни англатади. Шу боис, сотувчи жабрланувчини харидорга топшириб, унинг эвазига келишилган миқдордаги ҳақни олган пайтдан бошлаб, одамни олиш-сотиш шаклидаги одам савдосини тамом бўлган деб ҳисоблаш лозим.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, одамни олиш-сотиш шаклидаги одам савдосининг тамом бўлиш вақтини ҳуқуқни қўллаш амалиётида нотўғри талқин этиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса Жиноят кодексининг 58-моддасида белгиланган тамом бўлмаган жиноят (жиноятга тайёргарлик кўрганлик, жиноят содир этишга суиқасд қилганлик) учун тайинланадиган жазонинг муддати (миқдори)га оид талаблар бузилаётганлигидан далолат беради. Чунки, жиноят-ҳуқуқий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар¹⁹ натижасида тамом бўлган жиноятга нисбатан тамом бўлмаган

жиноят учун тайинланадиган жазонинг миқдори (муддати) камайтирилди. Яъни Жиноят кодексининг 58-моддасига кўра, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида одамни олиш-сотиш шаклидаги одам савдосининг тамом бўлиш вақти тўғри тушунилишини таъминлаш нақадар жиддий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Ўйлаймизки, таклиф ва хулосаларимизнинг назария, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ўз ифодасини топиши одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.



¹ Усмоналиев М. Жиноят таркиби: Ўқув қўлланма. - Т., 2008. - Б. 11; Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Karslik / A.S. Yakubov, R. Kabulov va boshq. - Т.: k'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2009. - Б. 116.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 2009 йил 24 ноябрдаги 12-сон қарорининг 7-банди // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари: тўплам. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бирлашган тахририяти, 2009. - Б. 9-10.

³ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. - Т.: "ILM ZIYK", 2006. - Б. 105.

⁴ Slavery Convention (adopted on 25 september 1926) / [Electronic resource]. - Mode of access: - URL: <http://www.legislationline.org/documents/action/popup/id/7684> (date accessed: 10.04.2015).

⁵ "Куллик ва кул савдосини, кулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча конвенцияси (1956 йил 7 сентябрь)" // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. - Т.: "Адолат", 2004. - Б. 177.

⁶ "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол (2000 йил 25 май)" // Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари / Тузувчилар Л. Исҳоқова, К. Ҳамроева. - Т.: "Yurist-media markazi", 2010. - Б. 76.

⁷ Уголовный кодекс Республики Беларусь (с изменениями и дополнениями по состоянию на 26.01.2015 г.) / [Электронный ресурс]. - Режим доступа: - URL: <http://www.pravo.by/> (дата обращения: 09.02.2015).

⁸ Уголовный кодекс Кыргызской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 29.12.2014 г.) / [Электронный ресурс]. - Режим доступа: - URL: <http://online.adviser.kg/> (дата обращения: 09.02.2015).

⁹ Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 23.01.2015 г.) / [Электронный ресурс]. - Режим доступа: - URL: <http://adilet.zan.kz/rus> (дата обращения: 09.02.2015).

¹⁰ Уголовный кодекс Украины (с изменениями и дополнениями по состоянию на 14.10.2014 г.) / [Электронный ресурс]. - Режим доступа: - URL: <http://www.ligazakon.ua/> (дата обращения: 09.02.2015).

¹¹ Уголовный кодекс Российской Федерации (с изменениями и дополнениями по состоянию на 11.12.2014 г.) / [Электронный ресурс]. - Режим доступа: - URL: <http://www.consultant.ru/> (дата обращения: 09.02.2015).

¹² Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 30.05.2014 г.) / [Электронный ресурс]. - Режим доступа: - URL: <http://www.base.spinform.ru/> (дата обращения: 09.02.2015).

¹³ Czech Penal Code (excerpts) / [Electronic resource]. - Mode of access: - URL: <http://www.legislationline.org/documents/action/popup/id/5773> (date accessed: 14.04.2015).

¹⁴ Criminal Code of the Republic of Serbia / [Electronic resource]. - Mode of access: - URL: <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes> (date accessed: 14.04.2015).

¹⁵ Criminal Code of the Republic of Montenegro / [Electronic resource]. - Mode of access: - URL: <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes> (date accessed: 14.04.2015).

¹⁶ Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 23.01.2015 г.) / [Электронный ресурс]. - Режим доступа: - URL: <http://adilet.zan.kz/rus> (дата обращения: 09.02.2015).

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 2009 йил 24 ноябрдаги 12-сон қарорининг 7-банди // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари: тўплам. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бирлашган тахририяти, 2009. - Б. 9-10.

¹⁸ Жиноятларни квалификация қилиш: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Р.Қабулов, А.А.Отажонов, И.А.Соттиев ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. - Б. 265; Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р.Қабулов, А.А.Отажонов ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. - Б. 174.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги 2008 йил 11 апрелдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2008. - № 16. - 116-м.

Феруза МИРУКТАМОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси
университети мустақил изланувчиси

ЮВЕНАЛ СУДНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИШТИРОКИ

✦ Мақолада вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда ювенал судларнинг аҳамияти, одил судловни амалга ошириш органи сифатида ювенал судларнинг ювенал адлия тизимида тутган ўрни ҳақида фикр билдирилган. Шунингдек, ювенал судларни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми, вазибалари, ювенал судьяларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари, ювенал судларда вояга етмаганлар ишлари кўрилишининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

✦ В статье обсуждены вопросы сущности ювенальных судов в правовой защите несовершеннолетних, роли ювенальных судов как органов отправления правосудия в системе ювенальной юстиции. Также, рассмотрены вопросы формирования ювенальных судов, их правовой статус, права и компетенции ювенальных судей, а также особенности рассмотрения дел несовершеннолетних в ювенальных судах.

✦ In this article there are discussed some issues related to the essence of juvenile courts in juvenile legal protection. Besides the article considers some issues of formation of juvenile courts, their legal status, rights and competences of the juvenile judges and special features of the consideration of juvenile cases.

Таянч сўзлар: вояга етмаган шахс, вояга етмаганлар ҳуқуқлари, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар, одил судлов, ювенал адлия, ювенал судлар, ювенал судья, ижтимоий ходим, қонуний вакил.

Ключевые слова: несовершеннолетний, права несовершеннолетних, несовершеннолетние правонарушители, правосудие, ювенал юстиция, ювенальные суды, ювенальный судья, социальный работник, законный представитель.

Keywords: juvenile, juvenile rights, juvenile delinquents, justice, juvenile justice, juvenile courts, juvenile judge, social officials, legal representative.

Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида мамлакатимизда ёшлар масаласига, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшлар сиёсати масаласининг Асосий Қонунимизда ўз аксини топиши, шу йили Ўзбекистоннинг БМТнинг асосий ҳужжатларидан бири ҳисобланмиш "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияга¹ қўшилиши, 2008 йилда бу соҳадаги махсус қонун ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг² қабул қилиниши мамлакатда вояга етмаганларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари яратилганидан ва улар ҳаётга жорий этилиб бораётганидан далолат беради.

Ювенал судлар (судьялар), вояга етмаганларнинг ишлари бўйича одил судловни амалга оши-

риш органлари сифатида ювенал адлия тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Ювенал судлар (судьялар) моҳиятига кўра ўз фаолиятида мустақил ҳисобланади. 1985 йил 26 август 6 сентябрда Милан шаҳрида бўлиб ўтган Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича БМТ еттинчи Конгресси томонидан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сон ва 1985 йил 13 декабрдаги 40/146-сон Резолюциялари билан маъқулланган "Суд органларининг мустақиллигига доир асосий принциплар"га мувофиқ суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституциясида мустаҳкамланади. Шу боис барча давлат органлари ва бошқа муассасалар суд органларининг мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва унга риоя этишлари шарт. Одил судлов жараёнига қонунга хилоф равишда ёки руҳсат-

сиз аралашигга йўл қўйилмайди ва судлар чиқарган қарорлар қайта кўрилиши мумкин эмас. Бу принцип суд томонидан қонунга мувофиқ амалга ошириладиган суд органлари чиқарган ҳукмларни қайта кўриш ёки юмшатишга монелик қилмайди. Суд органларининг мустақиллиги принципи судларга ҳуқуқ беради ва улардан суд муҳокамаси адолатли юритилишини ҳамда томонларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашни талаб қилади.

Ювенал судларнинг ваколатларини белгилаётганда БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/33-сон Резолюцияси билан тасдиқланган Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга доир БМТ минимал стандарт қоидаларининг 5-қоидасига мувофиқ, "вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тизими биринчи навбатда вояга етмаган шахснинг фаровонлигини таъминлашга ва вояга етмаган ҳуқуқбузарларга таъсир кўрсатиш ҳар қандай чоралари ҳар доим ҳам ҳуқуқбузар шахсининг хусусиятлари, ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолатлари билан мос келишини таъминлашга қаратилган", деган асосий қоидага таяниш муҳим.

Мазкур халқаро ҳужжатда вояга етмаганларга нисбатан одил судловнинг энг муҳим мақсадлари акс эттирилган:

биринчи мақсад — вояга етмаган шахснинг фаровонлигига кўмаклашиш. Бу — вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ишлари билан оилавий ишлар бўйича судлар ёки маъмурий органлар шуғулланадиган ҳуқуқий тизимларнинг бош мақсади, аммо шу билан бирга вояга етмаган шахснинг фаровонлигига жинойий таъқиб қилиш моделига таянадиган ҳуқуқий тизимларда ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим ва бу соф жазоловчи санкцияларни четлаб ўтишга ёрдам беради;

иккинчи мақсад — мутаносиблик принципига риоя этиш. Бу принцип асосан ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражасига мос равишда, айбдорнинг қилмишига яраша жазо бериш принциpidан фойдаланишда ифодаланадиган жазоловчи санкцияларни қўллашни чеклаш воситаси сифатида кенг тарқалган. Ёш ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларига муносабат ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражаси билан бир қаторда, шахсий хусусиятларига ҳам асосланиши лозим. Ҳуқуқбузарнинг шахсий хусусиятлари (масалан, ижтимоий мақоми, оиладаги ҳолати, ҳуқуқбузар томонидан етказилган зарар ва ҳуқуқбузарнинг шахси билан боғлиқ бошқа фактлар) жавоб ҳаракатларнинг мутаносиблигига ўз таъсирини кўрсатиши лозим (масалан, ҳуқуқбузарнинг жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш ниятини ёки

унинг тўлақонли ва фойдали ҳаёт кечириш ис-тагини инобатга олиш).

Суд муҳокамаси жараёнида вояга етмаган шахсга нисбатан кўпол ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган муомалага йўл қўйилмаслиги керак. Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича судлар (судьялар), вояга етмаганларнинг ишлари бўйича одил судловни амалга оширувчи органлар сифатида, ё мустақил ихтисослаштирилган судлар сифатида, ё туман (шаҳар) судларининг таркибий бўлинмалари сифатида ташкил этилиши лозим. Бу ҳолда мазкур судлар қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

— вояга етмаганлар ҳуқуқларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

— вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш;

— вояга етмаганлар билан тарбиявий тадбирлар ўтказиш ва уларнинг мазмуни учун масъул бўлган давлат органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар фаолиятининг қонунийлиги устидан суд назорати.

Ювенал судлар фаолияти ўз моҳиятига кўра кичик ёшли қонунбузарларни жазолашга эмас, балки уларни ахлоқан тузатишга, ўсмирнинг жиноятга қўл урганини тушуниб етишишига, юз берган фожиа сабабларини аниқлашга ва юзга келган вазиятни ўнглашга қаратилган. Вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишлар фақат ювенал судлар ёки махсус тайёрланган ва мавжуд умумий суд тизимидан ажратилган ювенал судьялар томонидан кўрилиши лозим.

Ювенал судлар (судьялар) фаолиятининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, ювенал суд (судья) ҳузурда ижтимоий ходим лавозими таъсис этилиши лозим. Ювенал суд ижтимоий ходими вояга етмаган шахс томонидан бирон-бир ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилгани ҳақида ахборот олинганидан кейин дарҳол ўсмирнинг шахси, яшаш ва тарбияланиш шароитлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш бўйича ишга киришиши лозим. У вояга етмаган шахс жиноятга қўл уришига туртки берган омилларни аниқлай олиши керак. Ижтимоий ходимлар институти, пробацция хизматлари ташкил этилмас экан, ювенал тизим олдига қўйилган — тарбияга муҳтож вояга етмаганларни қайта тарбиялаш вазифаларини тўлақонли бажариш имкони бўлмайди.

Ижтимоий ходим жамиятда мавжуд ёшларни тарбиялаш ва улар билан ўзаро алоқа қилиш институтлари (вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари, таълим ва тарбия муассасалари ва ҳ.к.) ёрдамида вояга ет-

маган шахсни тарбиялаш ишини мувофиқлаштириши, иш судга оширилган тақдирда, ўсмирни ахлоқан тузатиш учун унга қўлланиши мумкин бўлган мақбул чоралар ҳақида ҳулоса бериши лозим. Ижтимоий ходимлар фаолияти зарур, у ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан мавжуд ҳуқуқий ва ахлоқий бўшлиқни тўлдиришга ёрдам беради.

Жиноят ишларини ва вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликларига доир ишларни кўришда ювенал судья қуйидаги қоидаларга амал қилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларининг барчасига эга бўлган қилмишлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари қоидаларига мувофиқ умумий тартибда кўриб чиқилиши лозим;

Расман Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган белгиларга эга бўлган, лекин ижтимоий хавfli ҳисобланмаган, яъни шахс, жамият ва давлатга зарар етказмайдиган ва зарар етказиш хавfli ни туғдирмайдиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик вояга етмаган шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг фактик хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасини тўлиқ англаш ёки уларни бошқаришга қодир бўлмагани туфайли ювенал суд (судья) томонидан махсус тартибда кўриб чиқилиши мумкин;

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг барча белгиларига эга бўлган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ювенал судья томонидан кўрилади. Айни пайтда, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан ҳам ўз мажбуриятларини, яъни вояга етмаган шахсга таълим ва тарбия бериш борасидаги вазифасини бажармаслик ҳолати (ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) айнан шу судья томонидан кўрилиши мутлақо қонунийдир;

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг расмий белгиларига эга бўлган, лекин зарарли оқибатларни келтириб чиқармайдиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) иш кўрилмасдан, судья чиқарган қарорга мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилмаслиги ва вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссия ёки ижтимоий хизматга юборилиши мумкин.

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича судья бу каби қарорларни қабул қилар экан, энг аввало, қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиши лозим: 1) вояга етмаган шахснинг иштирокидаги суд ҳақиқатан ҳам одилона олиб бориляптими (бунда вояга етмаган шахснинг ёши ва келиб чиқиши; қилмишнинг табиати; вояга етмаган шахснинг интеллектуал ривожланиш ва психо-

логик етуклик даражаси; илгари қўлланилган чоралар, вояга етмаган шахснинг муносабати инobatга олиниши лозим); 2) мавжуд ижтимоий хизматлар вояга етмаган шахснинг муаммоларини ҳал этишни таъминлашга қодир эканлиги.

Вояга етмаган шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ материалларни тайёрлар экан, ювенал судья:

а) вояга етмаган шахснинг ёши, машғулоти, яшаш шароитлари, тарбиясини, ҳуқуқбузарлик факти ва унинг содир этилганини тасдиқловчи маълумотларни; катта ёшли далолатчилар ва иштирокчилар бўлган-бўлмаганини; илгари тарбиявий чоралар қўлланган-қўлланмаганини аниқлайди;

б) ишни кўриш; иш материалларини кўшимча текшириш; иш кўрилгунга қадар вояга етмаган шахсга таъсир чораларини қўллаш; ишни кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини кўришда мақсадга мувофиқлик принциpidан келиб чиққан ҳолда судларнинг мослашувчанлиги зарур. Масалан, катта ёшли иштирокчилар мавжуд бўлган вояга етмаганларнинг жиноят ишларини кўриш учун Англия судларининг одил судловни амалга ошириш тажрибаси диққатга сазовор: бу ерда муайян ҳолларда вояга етмаган шахснинг иши Қироллик, яъни катталар судида кўриб чиқилади. Қироллик суди — бу Буюк Британия жиноят ишлари бўйича судининг олий инстанциясидир. Мазкур судда оғир ва ўта оғир жиноятлар кўрилади. Вояга етмаган айбланувчиларнинг ишлари, агар вояга етмаган шахс оғир жиноят содир этган ва вояга етмаганларнинг ишлари бўйича суд уни кўриб чиқиш учун етарли ваколатлар ва тажрибага эга бўлмаса, Қироллик судида кўрилади. Бундай ҳолларда гап одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик, ўғирлик молни сотиш, квартирага қулфни бузиб кириш, яъни 14 йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар ҳақида боради.

Ювенал судлар (судьялар)нинг ваколатлари фақат вояга етмаганларнинг жиноят ишлари ва уларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликларига доир ишларни кўриш билан чекланмаслиги лозим. Вояга етмаганларнинг фуқаролик ишлари ҳам ювенал судларнинг судловига тегишлидир. Масалан, ювенал судлар вояга етмаганларнинг қуйидаги ҳолатлардаги фуқаролик ишларини кўриши мумкин:

— вояга етмаганлар устидан васийлик ва ҳомийлик ўрнатиш;

— вояга етмаганларнинг шаъни, кадр-қиммати

ва номига зиён етказганлик учун жавобгарлик;
— катталарнинг вояга етмаганлар мол-мулки билан боғлиқ ғайриқонуний битимларидан келиб чиқадиган мулкӣ ва маънавий зиённи қоплаш;

— вояга етмаганлар томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш;

— болаларни тарбиялаш ва ота-она ёки қонуний вакилларнинг уларни тарбиялаш борасидаги масъулияти билан боғлиқ бошқа низолар.

Вояга етмаганларнинг ишларини кўриб чиқишда юксак даражадаги профессионализмни таъминлаш мақсадида ювенал судьялар судьялар малакасини ошириш институтларида махсус тайёргарликдан ўтишлари лозим, чунки вояга етмаганларнинг материалларини кўриб чиқишда, вояга етмаганларни, уларнинг қонуний вакилларини шахсан қабул қилишни ўтказишда судьяга вояга етмаганлар ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш хусусиятлари билан белгиланадиган махсус билимлар зарур.

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича одил судлов органларининг ходимлари вояга етмаганларнинг турли тоифаларда бўлишини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим. Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича одил судлов органларида эркаклар каби аёлларнинг ҳам вакиллиги таъминланиши муҳимдир.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар институти хусусиятидан келиб чиқиб, судья вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни ўз вақтида кўриши лозим, яъни:

— вояга етмаганларнинг ишлари бўйича ихтисослашган адвокатни тайинлаш ёки таклиф қилиш;

— давлат бошқаруви органлари ёки мансабдор шахсларнинг вояга етмаганлар ҳуқуқларини камситадиган ҳаракатларининг қонунга ҳилофлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш;

— ишнинг моҳияти бўйича суд терговини ўтказиш;

— вояга етмаган шахсга моддий ёки бошқа хил ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш (агар улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёки Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро шартномаларда назарда тутилган бўлса) ва ҳ.к.

Ювенал судлар ва судьялар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ таъминлаш учун ювенал судлар (судьялар) тўғрисида махсус қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиши лозим. Умуман олганда, қонун ҳужжатларида вояга етмаган шахсга суд муҳокамасининг барча босқичларида кафолатланиши лозим бўлган асосий процессуал ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланиши зарур.

Бундай кафолатлар орасида қуйидагилар, ҳеч шубҳасиз, биринчи даражали аҳамият касб этади:

— вояга етмаган шахснинг айбсизлик презумпцияси;

— вояга етмаган шахснинг ўзига эълон қилинган айблов ҳақида билиш ҳуқуқи;

— вояга етмаган шахснинг кўрсатувлар беришдан бош тортиш ҳуқуқи;

— вояга етмаган шахснинг ҳимоячи (адвокат)га эга бўлиш ҳуқуқи;

— вояга етмаган шахснинг ота-онаси, васий ёки бошқа қонуний вакиллари ишда иштирок этишига бўлган ҳуқуқи;

— вояга етмаган шахснинг гувоҳлар билан юзлаштиришга бўлган ҳуқуқи;

— вояга етмаган шахснинг экспертларни жалб қилишга бўлган ҳуқуқи;

— вояга етмаган шахснинг юқори турувчи инстанцияга апелляция шикоят бериш ҳуқуқи;

— вояга етмаган шахснинг таржимонга эга бўлиш ҳуқуқи;

— вояга етмаган шахснинг ўз иши тўғрисида ахборот сир тутилишига бўлган ҳуқуқи ва ҳ.к.

Судьялар ўзи ишига ва ўз вазифаларини бажариш жараёнида олинган махфий ахборотга доир касб сирини сақлашлари шарт, суд муҳокамаси очиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно. Судьялар бундай масалалар бўйича кўрсатувлар беришга мажбур этилиши мумкин эмас.

Суд қарорини чиқаришда ва вояга етмаган ҳуқуқбузарга таъсир кўрсатиш чораларини танлашда суд қуйидаги принципларга амал қилиши лозим:

— таъсир кўрсатиш чоралари ҳар доим ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва унинг оғирлик даражаси билан бир қаторда, вояга етмаган шахснинг ҳолати ва эҳтиёжларига мутаносиб бўлиши, шунингдек жамият эҳтиёжлари билан мос келиши лозим;

— вояга етмаган шахснинг шахсий озодлигини чеклаш тўғрисида қарорлар фақат масала синчиклаб кўриб чиқилганидан кейин қабул қилиниши лозим ва чеклов мумкин қадар оз даражада бўлиши керак;

— агар вояга етмаган ҳуқуқбузар бошқа шахсга зўрлик ишлатиб оғир жиноят содир этишда ёки бошқа жиддий ҳуқуқбузарликларни такроран содир этишда айбдор деб топилган бўлмаса, шунингдек бошқа тегишли таъсир чораси мавжуд бўлса, у озодликдан маҳрум қилинмаслиги керак;

— вояга етмаган шахснинг ишини кўриб чиқишда унинг фаровонлиги тўғрисидаги масала ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилиши лозим;

— вояга етмаган шахс томонидан содир этилган бирон-бир жиноят учун умрбод қамоқ жазоси тайинланмайди ҳамда жисмоний жазолаш усулларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди³.

— суд исталган вақтда суд муҳокамасини тугатиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Маълумки, мамлакатимизда ёшлар масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида катта эътибор қаратиб келинмоқдаки, "айни вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда⁴". Шундай экан, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича ихтисослаштирилган судларни ташкил этиш вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларига доир ишларни кўриб чиқиш сифатини ошириш, амалга ошириляёт-

ган профилактика ишини янги даражага кўтариш, болалар қаровсизлигига қарши курашни янада кучайтириш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада самарали амалга ошириш имконини беради. Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этувчи вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш келажақда ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, "Олдимизга турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаятган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир"⁵.



¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар (тўплам). -Т.: Адолат, 2004. Б. 220-б.

² "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами". -Т.:2008, №1-2, 1-модда.

³ Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. — Т.: UNICEF, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, 2006. — В.175-76.

⁴ Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2013 йил 7 декабрь.

⁵ И.А.Каримов Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -В, 187-б.

Алишер ТОҒАЙМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

- ◆ Мақолада жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари ёритилган.
- ◆ В статье раскрываются основные направления, цель и задачи взаимодействия правоохранительных органов по борьбе с преступностью.
- ◆ The article describes the main directions, the purpose and objectives of the cooperation between law enforcement agencies to combat crime.

Таянч сўзлар: жиноятчиликка қарши кураш, келишувчилик, мувофиқлаштирувчи Кенгаш, асосий йўналишлар.

Ключевые слова: борьбы с преступностью, примиренчество, координационный Совет, основные направления.

Key words: the fight against crime, conciliation, Coordinating Council, the main directions.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш масаласи ислохотлар тақдирини ҳал қилувчи энг асосий омиллардан бири сифатида белгиланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, бу борада шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш муҳим омил сифатида эътироф этилди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиб билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш унга қарши курашиш самарадорлиги, жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ".

